**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**
**ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ҲУЗУРИДАГИ**
**ТОШКЕНТ ИСЛОМ УНИВЕРСИТЕТИ**

қўлёзма ҳуқуқида
УДК №336(532)

Тўраев Дониёр Ботирхонович

# АРАБ МАМЛАКАТЛАРИНИНГ ЖАХОН ИҚТИСОДИЁТИДА ТУТГАН ЎРНИ

5А341104 - «Хорижий мамлакатлар иқтисодиёти»

Магистр даражасини олиш учун
ёзилган диссертацияси

**Илмий раҳбар**: и.ф.н. Саидкаримова М.Ю.
**Тақризчи:** Тошкент давлат иқтисодиёт Университети «Банк Иши» кафедраси мудири, и.ф.н., доц. Тоймухамедов И.

**Т о ш к е н т – 2 0 0 9**

**КИРИШ………………………………………………… 2**

**I-БОБ. ЖАХОН ИҚТИСОДИЁТИНИНГ ГЛОБАЛЛАШУВИ………. 9**

1.1.Жахон иқтисодиётининг глобаллашуви, хусусиятлари ва жахон хўжалигида тутган ўрни ………………………………………………………9

1.2.Ўзбекистон хамда жахон хамжамиятининг глобаллашув шароитида жахон молиявий- иқтисодий инқирозига қарши олиб бораётган сиёсати...13

**II-БОБ. САУДИЯ АРАБИСТОНИ ҚИРОЛЛИГИНИНГ ЖАХОН ИҚТИСОДИЙ ГЛОБАЛЛАШУВ ШАРОИТИДА ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШ ХОЛАТИ ВА ТАҲЛИЛИ……………………………..31**

2.1. Глобаллашув шароитида Саудия Арабистони Қироллигининг иқтисодий ривожланиш холати……………………………………………..31

2.2. Глобаллашув шароитида Саудия Арабистони Қироллигининг жаҳон нефть бозоридаги ривожланиш тахлиллари………………………………..55

2.3. Глобаллашув шароитида Саудия Арабистони Қироллигининг халқаро ва минтақавий-иқтисодий интеграциясида олиб бораётган сиёсати ва интеграцион йўналиш жараёнлари…………………………………………61

**III-БОБ.ЎЗБЕКИСТОН ВА АРАБ МИНТАҚАСИНИНГ ЎЗИГА ХОС ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШ ЙЎЛЛАРИ………….70**

3.1. Ўзбекистон ва Саудия Арабистони Қироллигининг миллий иқтисодиётда олиб бораётган диверсификация сиёсати.............................70

3.2.Ўзбекистон ва Араб Минтақасининг ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг такомиллаштириш йўллари.........................................81

**ХУЛОСА...........................................................................................91**

**ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ..................................97**

# КИРИШ

**Тадқиқот мавзусининг долзарблиги.** Ҳозирги даврда дунё мамлакатлари ижтимоий-иқтисодий тараққиёти ўзининг маъно-мазмуни жиҳатидан олдинги босқичлардан кескин фарқ қилади. Бунда энг асосий ва муҳим жиҳат – миллий иқтисодиётларнинг тобора интеграциялашуви ва глобаллашувининг кучайиб боришидир. Бироқ, ўз ўрнида таъкидлаш лозимки, жаҳон иқтисодиётига интеграциялашув ва глобаллашувнинг ижобий томонлари билан бир қаторда маълум зиддиятли жиҳатлари ҳам мавжуд. Жумладан, турли мамлакатлардаги иқтисодий ривожланишнинг бир текисда бормаслиги, дунё мамлакатлари ўртасида ижтимоий-иқтисодий ривожланиш жиҳатидан тафовутнинг, экологик таҳдидларнинг кучайиб бориши, турли мамлакатларда аҳоли сони ўзгаришининг кескин фарқланиши каби ҳолатлар жаҳон хўжалигининг яхлит тизим сифатида барқарор ривожланишига тўсқинлик қилади. Шунингдек, мазкур жараёнларининг яна бир хусусиятли жиҳати – жаҳоннинг бир мамлакатида рўй бераётган ижтимоий-иқтисодий ларзаларнинг муқаррар равишда бошқа мамлакатларга ҳам ўз таъсирини ўтказиши ҳисобланади. Жаҳон ҳамжамияти бугунги кунда бошидан кечираётган молиявий инқироз ҳам айнан шу маънода глобаллашув жараёнларининг салбий оқибати сифатида намоён бўлади.

Бу борада Президентимиз И.Каримовнинг “Бугунги куннинг энг долзарб муаммоси – бу 2008 йилда бошланган жаҳон молиявий инқирози, унинг таъсири ва салбий оқибатлари, юзага келаётган вазиятдан чиқиш йўлларини излашдан иборат.”[1] деган сўзлари юқоридаги фикримизнинг ёрқин мисоли десак муболаға бўлмайди. Глобаллашув жараёнини иқтисодий жиҳатдан қарайдиган бўлсак, у жаҳон хўжалигининг бутун маконини қамраб олувчи иқтисодий муносабатлар тизимининг ташкил топиши ва ривожланишини англатади.

---

[1] Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Т.: Ўзбекистон, 2009, 4-б.

Глобаллашув жараёнларининг кенгайиши жаҳон мамлакатлари ўртасидаги иқтисодий муносабатларнинг янада такомиллашувига олиб келади. Жумладан, глобаллашув натижасида трансмиллий корпорациялар, уларнинг турли кўринишдаги халқаро бирлашмалари фаолиятининг таркиб топиши ва кенгайиши, халқаро ишлаб чиқариш кооперацияси ва меҳнат тақсимотининг нисбатан юқори даражага ўтиши, халқаро иқтисодий ташкилотлар фаолиятининг янада кучайиши рўй беради.Бироқ, глобаллашув жараёнини мутлақлаштириш ва унга бир томонлама қараш тўғри бўлмайди. Чунки, мазкур жараён ўзининг ижобий жиҳатлари билан бир қаторда зиддиятли томонларига ҳам эга. Жаҳоннинг бир мамлакатида рўй бераётган ижтимоий-иқтисодий ларзаларнинг муқаррар равишда бошқа мамлакатларга ҳам ўз таъсирини ўтказиши шулардан бири ҳисобланиб, бугунги кунда рўй бераётган молиявий инқироз ҳам айнан шу маънода глобаллашув жараёнларининг оқибати ҳисобланади.

Мустақил Ўзбекистон Республикасида фуқаролик жамияти ва хуқуқий давлат асосларини шакллантириш янги ижтимоий-иқтисодий ва геосиёсий омиллари билан боғлиқ. Халқаро  субъекти хисобланган мамлакатимиз ривожланишнинг цивилизациялашган йулини танлади, демократик қадриятлар ва бозор иқтисодиётига устивор ўрин бермоқда.Шу билан бир қаторда, халқаро тажриба шуни кўрсатадики, бозор муносабатларининг чуқурлашуви нафақат ижобий, балки дастлаб муайян зиддиятли оқибатларга ҳам олиб келиши мумкин. Товарлар ва озиқ-овқат махсулотларига бўлган бахоларнинг эркинлаштирилиши аҳоли турмушига, ишлаб чиқариш ва ишсизлик даражасига таъсир этмасдан қолмайди.

Бироқ тарихан қарор топган ижтимоий-иқтисодий, иқтисодий-сиёсий ва этнодемографик жараёнларининг мураккаблигига қарамасдан, ўзбек жамиятидаги ўзгаришлар ижтимоий йуналтирилган бозор иқтисодиётига мос равишда тобора мақсадга мувофиқ  характер касб этмокда.Шу билан бирга Ўзбекистон Республикаси учун бошқа мамлакатлар ижтимоий ривожланишида тўпланган тажриба ҳам мухим аҳамиятга эга, чунки мамлакатимиз олдида

жахон хамжамияти мамлакатлари билан икки томонлама манфаатли иқтисодий алоқаларни ўрнатиш, мустахкамлаш ва кенгайтириш бўйича мутлақо янги вазифалар пайдо бўлди.

Айниқса, диний эътиқоди, менталитети ва бошқа белгилари бўйича яқин бўлган, хусусан, араб минтақаси мамлакатлари билан ўзаро муносабатларни ривожлантириш алохида аҳамият касб этади.Саудия Арабистони Қироллиги, Бирлашган Араб Амирликлари, Бахрайн, Қатар, Уммон,Қувайт, ва бошқа араб мамлакатлар ўз иқтисодий ва ижтимоий ривожланишида юқори натижаларга эришдилар. Бу мамлакатларнинг жахон сахнасига чиқиши 60-йилларнинг охири ва 70-йилларнинг бошига тўғри келди ва у, энг аввало, "нефть омили", яъни бу ерда жаҳон аҳамиятига молик бўлган "қора олтин" конларининг мавжудлиги билан боглик.

XX асрнинг кейинги ўн йиллигида "Араб мамлакатлари" атамаси ушбу мамлакатларга ўз ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ривожланишида улкан ўзгаришларни амалга оширишга имкон берган нефть сотишдан тушган йирик миқдордаги маблағлар билан боғлиқ иқтисодий тараққиёт сўзи билан биргаликда қўлланила бошланди. Шу муносабат билан Араб Минтақаси мамлакатларининг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини ўрганиш учун ҳам назарий,ҳам амалий аҳамиятга эга.Бундан ташқари, тадқиқ. этилаётган мамлакатлардаги шарт-шароитлар бизнинг мамлакатимизда ҳам мавжуд. Демографик вазиятнинг ўхшашлиги, мамлакатимизнинг минерал хом ашё, хусусан, ёқилғи-энергетика маҳсулотларига бойлиги ана шулар жумласидандир. Яна бир муҳим ўхшашлик: Ўзбекистонда ҳам, Араб минтақаси нефть экспорт килувчи мамлакатларида ҳам бир хилдаги товарларни катта миқдорда ишлаб чикариш имкониятларининг мавжудлигидир. Бу ерда нефть, газ, пахта, чорвачилик ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқаришни мисол келтириб утишнинг ўзи кифоя.

Юқорида қайд этилган мамлакатларда саноат қиёфасини нефть белгиласа, Узбекистонда қишлоқ хўжалиги ва мамлакат иқтисодиётининг қиёфасини кўп жиҳатдан пахта ҳамда пахта маҳсулотлари белгилайди.Юқорида баён этилганларнинг барчаси тадқиқот мавзусининг долзарблигини белгилаб

берди ва ушбу тадқиқот ишининг танланишига сабаб бўлди.

**Мавзунинг ўрганилганлик даражаси.** Араб минтақаси нефть экспорт қилувчи мамлакатлари ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг айрим жиҳатлари яқин ва узоқ хориж иқтисодчи ва шарқшунос олимлари И.А. Александров, А.М. Васильев, А.Г. Георгиев, А.З. Егорин, М.Г. Закария, В.А. Исаев, А.В. Малешенко, Р.В. Маркарян, Е.С. Мелкумян, В.В.Озолинг, Е.М. Примаков, А.О. Филоник, А.И. Яковлев ва бошқаларнинг илмий ишларида ўз аксини топган.

Араб минтақаси мамлакатлари ижтимоий-иқтисодий ривожланиши ва модернизация жараёнларининг баъзи муаммолари С. Иноғомов, З. Мунавваров, С. Ғофуров каби ўзбекистонлик шарқшунос олимлар илмий ишларида ёритилган. Ўтиш даврида ривожланишнинг ижтимоий муаммолари ўзбекистонлик иқтисодчи олимлар А.А. Ваҳобов, А.М. Жўраев, Г.К. Саидова, Р.А.Убайдуллаева, РД. Шодиев, Б.А. Эшонов, М.А. Ҳакимоваларнинг тадқиқотларида ўрганилган.Шу билан бир қаторда, ижтимоий соҳанинг иқтисодий ривожланишга таъсири, унинг самарадорлигини ошириш механизми, шунингдек, ушбу соҳада тўпланган хорижий, хусусан Араб минтақаси мамлакатлари тажрибаси ва уларнинг ўзига хос жиҳатлари етарли даражада тадқиқ килинмаган.

**Тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари.** Тадқиқот ишининг асосий мақсади Араб минтақаси нефть экспорт килувчи мамлакатлари — Саудия Арабистони, Бирлашган Араб Амирликлари ва Барайннинг, Қатар,Уммон, Миср каби давлатларнинг иктисодий ривожланиш хусусиятларини таҳлил қилиш ва умумлаштириш асосида ижтимоий сохани ривожлантириш бўйича илмий асосланган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Ушбу мақсадга эришиш учун ишда қуйидаги вазифалар қўйилган:

- Глобаллашув ривожланишининг мохиятини унга бўлган турли услубий ёндашувлар асосида очиб бериш;
- иқтисодий ривожланишнинг асосий йўналишларини белгилаш вав умумлаштириш.

- Араб минтақаси мамлакатларининг иқтисодий тараққиётининг асосий омилларини аниқлаш ва бу мамлакатлардаги диверсификация ва интеграция жараёнларини ёритиб бериш;

- Араб минтақаси мамлакатлари иқтисодий ривожланишининг хусусиятларини кўрсатиб бериш;

- Ўзбекистан ва Араб минтақаси мамлакатлари ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг умумий ва ўзига хос жиҳатларини асослаш;

**Тадқиқотнинг объекти** этиб Араб минтақаси мамлакатларининг иктисодий ривожланиши танланди.

**Тадқиқотнинг предмети** бўлиб Араб минтақаси мамлакатларининг иқтисодий ривожланиш модели ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг назарий-услубий асослари** Диссертациянинг назарий ва услубий асослари бўлиб Ўзбекистон ва Араб минтақаси мамлакатларининг ҳукумат қарорлари, хорижий ва мамлакатимиз иқтисодчи-олимларининг ушбу муаммо бўйича олиб борган тадқиқот ишлари хизмат қилди.

Диссертация ишининг ахборот базаси сифатида Узбекистан Республикаси Иқтисодиёт Вазирлиги маълумотлари, Жаҳон Банки, Халқаро Валюта Фонди, БМТ томонидан чоп этилган маълумотлар, Араб минтақаси мамлакатлари миллий статистика ва вақтли матбуот материаллари ҳамда ҳалқаро интернет порталларидан фойдаланилди.

Тадқиқот давомида иқтисодий-статистик, тизимли таҳлил, таққослаш ва бошқа усуллардан фойдаланилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагиларда ўз ифодасини топган:

- Жамият иқтисодий ривожланишининг моҳияти турли услубий ёндашувлар асосида очиб берилган ва уни ифодаловчи кўрсаткичлар бир хил тизимга келтирилган;

- Араб минтақаси мамлакатларининг иктисодий ривожланиш омиллари ва бу мамлакатларда амалга оширилаётган диверсификация жараёнининг зарурати ва йуналишлари аниқланган;

- Араб минтақаси мамлакатларининг иқтисодий ривожланиш хусусиятлари ва қонуниятлари асослаб берилган;

- Араб минтақасида кечаётган интеграция жараёнларининг минтақа мамлакатлари иктисодий ривожланишга таъсири асослаб берилган;

- Ўзбекистон ва Араб минтақаси мамлакатлари ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг умумий ва ўзига хос жихатлари кўрсатиб берилган;

- Араб минтақаси мамлакатларининг иқтисодиётни модернизациялаш тажрибасини тахлил килиш ва умумлаштириш асосида мамлакатимизда ижтимоий сохани ривожлантириш бўйича илмий асосланган таклиф ва тавсиялар ишлаб чикилган.

**Диссертация ишининг амалий аҳамияти.** Тадқиқотнинг амалий аҳамияти узоқ вакт давомида фаол ижтимоий сиёсат юритаётган ва бу сохада муайян тажриба тўплаган мамлакатларда ижтимоий-иқтисодий бошқарувнинг асосий тамойиллари, шакллари ва натижаларининг аниқланганлигида ўз аксини топади.

**Тадқиқот натижаларини синаш ва қўллаш.** Диссертациянинг асосий мазмуни Ўзбекистон Республикаси ФА Иқтисодиёт Институтида ўтказилган «Жахон молиявий-иқтисодий инқирози: миллий манфаатлар ва инновация сиёсати» мавзусидаги илмий конференция материалларида «Глобаллашув шароитида араб минтақасининг жахон молиявий-иқтисодий инқирозига қарши олиб бораётган сиёсати.» кўринишида (2009 й) ва Тошкент ислом университетида ўтказилган магистрлар илмий мақоласида тыплам «Холиж ёки Ислом Динори -глобализация махсули» тарзида (2009 й) чоп этилган.

Илмий иш мавзуси бўйича умумий ҳажми 3,4 босма табоқдан иборат 2 та мақоладан ташкил топган.

**Илмий ишнинг таркибий тузилиши.** Диссертация кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловадан иборат.

**Киришда** мавзунинг долзарблиги, ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, илмий янгилиги, назарий ва амалий

аҳамияти ўз аксини топган.

**Жахон иқтисодиётининг глобаллашуви** номли биринчи бобда Жахон иқтисодиётининг глобаллашувининг хусусиятлари, ривожланиш омиллари, назарий жиҳатлари, унинг мамлакат иқтисоди ривожидаги ўрни ва Ўзбекистон хамда жахон хамжамиятининг глобаллашув шароитида жахон молиявий-иқтисодий инқирозига қарши олиб бораётган сиёсати кенг ёритиб берилган.

**Араб минтақасининг жахон иқтисодий глобаллашув шароитида тутган ўрни** номли иккинчи бобда, Араб минтақасининг глобаллашув шароитидаги иқтисодий ривожланиш омиллари ва муаммолар , Саудия Арабистони Қироллигининг иқтисодий ривожланиш ва Араб минтақасининг халқаро ва минтақавий-иқтисодий интеграция сиёсати ва жаҳон ёқилғи–энергетика бозори ривожланишининг ҳолати ва унда Саудия Арабистони Қироллигининг тутган ўрни каби мавзулар ўз аксини топган.

**Ўзбекистон ва Араб минтақасининг ўзига хос ижтимоий-иқтисодий ривожланиш асослари** номли учинчи бобда, Ўзбекистон ва Саудия Арабистони Қироллигининг миллий иқтисодиётда олиб бораётган диверсификация сиёсати ва уларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг умумий жихатлари каби мавзулар ўз ифодасини топган.

**Хулосада** тадқиқотнинг эришган натижалари умумлаштирилган, илмий-амалий аҳамиятга эга бўлган таклиф ва тавсиялар билан бир қаторда тартиблаштирилган.

# I-БОБ. ЖАХОН ИҚТИСОДИЁТИНИНГ ГЛОБАЛЛАШУВИ.

## 1.1.Жахон иқтисодиётининг глобаллашуви, хусусиятлари ва жахон хўжалигида тутган ўрни

Инсоният тараққиётининг ҳозирги босқичи глобаллашув жараёнларининг жадал ривожланиши орқали тавсифланади. Глобаллашувни иқтисодий жиҳатдан қарайдиган бўлсак, у жаҳон хўжалигининг бутун маконини қамраб олувчи иқтисодий муносабатлар тизимининг ташкил топиши ва ривожланишини англатади.

Глобаллашув жараёнларининг кенгайиши жаҳон мамлакатлари ўртасидаги иқтисодий муносабатларнинг янада такомиллашувига олиб келади. Жумладан, глобаллашув натижасида трансмиллий корпорациялар, уларнинг турли кўринишдаги халқаро бирлашмалари фаолиятининг таркиб топиши ва кенгайиши, халқаро ишлаб чиқариш кооперацияси ва меҳнат тақсимотининг нисбатан юқори даражага ўтиши, халқаро иқтисодий ташкилотлар фаолиятининг янада кучайиши рўй беради.

XXI аср бўсағасида Ўзбекистон ва бутун Марказий Осиё ривожланиши истиқболларини ўрганиш зарурияти ҳақида мамлакатимиз Президенти И.А.Каримов: «Бизнинг олдимизда турган муаммоларни аниқ ва равшан тасаввур этиш керак. Бу муаммоларнинг кўпи глобал тенденциялар ва кўринишлар билан боғлиқ. Шунинг учун биз атрофимизни ўраб турган дунёни чуқур англаб етишимиз керак»[2],-деб таъкидлади.

Кейинчалик минг йилликлар чегарасида геосиёсий ўзгаришларни таҳлил этиб, И.А.Каримов ўзининг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: Хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари, тараққиёт кафолатлари» рисоласида «Интеграция ҳақида гапирар эканмиз, манфаатлар бирикувининг хилма-хил механизмлари ва шакллари ҳамда интеграция турлари мавжудлигига асосланамиз. Бунга шерикчилик ва ҳамкорлик қилишга интилаётган мамлакатларнинг бошланғич шарт-шароитлари турличалиги сабабдир»[3],-деб ўз фикрини билдирди.

[2] И.А.Каримов «Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўли» 6-том, Тошкент, 34 бет
[3] И.А.Каримов «Ўзбекистон буюк келажак сари» Тошкент, 658 бет

Бугунги куннинг энг долзарб муаммоларидан бири глобал молиявий ва иқтисодий инқирознинг дунё мамлакатлари тараққиётига салбий таъсирини камайтириш ва босқичма-босқич тарзда ушбу бўҳронни бартараф этишдан иборатдир. Халқаро экспертлар таъкидлаётганидек, бутунжаҳон молиявий иқтисодий инқирози бугунги дунёнинг энг тараққий этган мамлакатларида молиявий ва иқтисодий тизимнинг давлат назоратидан бутунлай чиқиб кетиши оқибатида вужудга келди. Шу туфайли ҳам, дунё мамлакатлари етакчилари, тегишли халқаро ташкилотлар вакиллари ва мутахассислар ҳозирги кундаги жаҳон молиявий тизимини тубдан ислоҳ қилиш лозимлиги, унда халқаро молиявий институтларни (Халқаро валюта жамғармаси, халқаро валюталар, халқаро банклар в.ҳ.) ва савдо ташкилотларининг тутган ўрни ва вазифаларини қайтадан кўриб чиқиш зарурати вужудга келганлигини таъкидламоқдалар.

XX асрнинг 80 йилларнинг бошида Дж. Нейсбит томонидан биринчи бор **«глобаллашув»** сўзи таклиф этилган эди.[4] Кейинчалик 1983 йил Т. Левит глобаллашув тушунчасини трансмиллий корпорация фаолияти билан боғлади. Унинг фикрича, глобаллашув бу-трансмиллий корпорациялар томонидан ишлаб чиқарилувчи алохида махсулотлар бозорининг бирлашиш жараёнидир.[5]

Хозирги кунда «глобаллашув» тушунчасининг хар-хил таърифлари мавжуд бўлиб, ушбу иборанинг ишлатилиши кўп жихатларда маданият, иқтисодиёт, экология сохаларида учрайди.

В.Михеевнинг фикрича глобаллашувга комплекс ёндошув иқтисодиёт, сиёсат, ахборотлаштириш, экологик хамда халқаро терроризм ва камбағалликга қарши курашишларда намоён бўлади. Глобаллашув муаммолари Д.Нейсбит, Т.Левитт, Д.Смислов, В.Шейнис, О.Черковц, А.Неклесса, Э.Нуховича, Л.Гордон, Г.Каримова ишларида ёритилган. А.Эльянов таъкидлашича, глобаллашув ўз ичига, барча давлатлар ривожланиш даражасидан қатъий назар халқаро иқтисодий муносабатларни олади.

Шу билан бир қаторда кўпчилик олимлар таъкидлашича глобаллашув

---

[4] Neisbit J. Megatrends: Ten New Directions Transforming Our Lives. Warner Books. New York .. 1982.

[5] Моисеев С., Михайленко К. Terra Incognita: глобализация финансовых рынков.// Вопросы экономики . 1999. №6, С. 123-135.

узоқ ва мураккаб жараёндир. Шу тўғрисида С.Камлинс ёзишича «Кўплар глобаллашув тугаган ёки тизимлари ва алоқалари деярли тугаган деб билишса, аслида глобаллашувнинг ўтиш жараёнинг ўзига 15-25 йил керак бўлади.[6]»

Бу жараёнларни кўриб чиқиб, Р.Рукуперу, ЮНКТАД нинг Бош котиби шуни билдирадики, «Глобаллашув - бу тайёр тарихий махсулот эмас, бу тугалланмаган ишлаб чиқариш», opera aperta, шундай жараёнки унда биз хам объект, хам субъект сифатида иштирок этамиз.[7]»

Жахон иқтисодиёти глобаллашувининг асосий сабабларига илмий-техник тараққиётнинг тез ўсиши, ўзгариши ва хўжалик фаолиятнинг либераллашуви сабаб бўлган.

Глобаллашув жараёни XX асрнинг 80-90 йилларда аввало бир қатор жараёнларнинг ривожланиши эвазига яққол кўзга ташланди, улар қаторига: халқаро инфратузилмасининг жадал ривожланиши ва глобал телекомунникация тизимининг шаклланиши; халқаро савдо, ишлаб чиқариш тизимларида, сифат ўзгаришлари, трансмиллий корпорацияларнинг ва халқаро молия марказларнинг ўсиш суръатлари юқорилиги сабаб бўлди.

Информацион тизим «Интернет»нинг ривожланиши фақат коммуникацион тизим сифатида кўрилмоқда, аммо у молиявий операцияларни, маркетингни, рекламани, малакани оширишдан зарурий воситага айланган. Бу ўзгаришлар халқаро инфратузилмада иқтисодиёт глобаллашувининг макро ва микро даражаларига олиб келди. Глобаллашувнинг микро даражаси компаниянинг миллий чегаралардан ташқарида ишлаб чиқаришни ва бозорни кенгайтириш стратегияси билан белгиланади.

Глобаллашувнинг макро даражасида миллий иқтисодиётни халқаро хамжамиятга бошловчи кучларнинг бирлиги тушунилади. Бу кучларга биринчи даражада тўғридан-тўғри хорижий сармояларни, технологияларнинг алмашинуви, товарлар ва хизмат савдосининг ўсишига айтишимиз мумкин.

Глобаллашувнинг микро даражасига замонавий информацион

[6] Commins S. Globalization and Foundations for Human Security.// World Visions discussion papers, Number 8, Spring 1999, pp. 20-28.
[7] ЮНКТАД Бош котибининг ўнинчи сессия конференциясида қилган маърузаси. Бангкок, Тайланд. 1999. с.10.

технологиялар сабаб бўлиши билан бир қаторда, кўпгина фирмалар томонидан рақобатбардошликни ошириш мақсадида қилинган саъий харакатлари, стандартлаштириш тизимини ишлаб чиқиш ва жорий этиш, ўлчаш, ишлаб чиқарилаётган товарнинг сифатини текшириш ва назорат қилиш, халқаро савдонинг тез ўсишига ёрдам беради. Замонавий жахон хўжалиги-бу нафақат жахон ишлаб чиқариш кучларининг глобаллашув натижасидир, балки уларнинг ўзи глобал молия-кредит ва валюта тўловларининг яқин алоқасидир.

Барча объектив ўзгаришлар, ишлаб чиқариш, коммуникация, савдо, хорижий сармоялар ва молия сохаларида жахон иқтисодиётини бутун бир яхлит организмга айлантирди. Умуман олганда глобаллашув жахон хўжалиги ривожланиш жараёнининг объектив ўзгариши бўлиб бошқа давлатлар билан хўжалик фаолияти доирасида кўпгина ижобий жихатлари мавжуд. Жумладан, хорижий сармояларни жалб этишни ривожлантиради, илмий ютуқлар, фан ва техникадаги ютуқларни тез алмашиниши билан бир қаторда давлатнинг илмий салохиятини юксалтиради.

Глобаллашув жараёнларининг яна бир ижобий махсули бу-Халқаро молия-кредит муносабатларнинг кенг миқёсда минтақавий тарқалиши ва либераллашуви, трансмиллий молия-хўжалик фаолиятларининг ривожланишидир. Аммо глобаллашув ўз ортидан бутун жахон учун хатарли бўлган молиявий-иқтисодий инқирозларни келитириб чиқариши ҳеч кимга сир эмас.

70-йилларнинг ўрталаригача мавжуд бўлган Бретонвуд тизими фиксаллашган курсларга мўлжалланган бўлиб бундай инқирозларнинг юзага келишини олдини олиб турган. Аммо молия маблағларининг чегарасиз, эркин ўтиб юриши ва валюта курсларининг ўзгаришидан фойдаланган холда пайдо бўлган ўйинлар молиявий инқирозларга сабаб бўлди. Халқаро Валюта Фондининг маълумотларига қараганда, Бретенвуд тизимидан сўнг дунё бўйлаб 160 та валюта ва 50 дан ортиқ банк инқирозлари содир бўлган, шулар жумласидан Мексика инқирози (1994 й.), Осиё инқирози (1997-1998 йй.), Бразилия ва Россия инқирозлари (1998 й.) ва нихоят 2008 йилда бошланган

жахон молиявий-иқтисодий инқирози.[8]

Охирги ўн йиллик тажриба шуни кўрсатмоқдаки, халқаро иқтисодиёт ва молиянинг глобаллашуви нафақат иқтисодиёт ўсишини таъминламоқда, балки хорижий маблағларни ривожланаётган давлатларга жалб қилиниши сезилмоқда. Шу билан бир қаторда баъзи давлатлар ва худудларда (1994 йил Мексикада, 1997-1998 йилларда Шарқий ва Жанубий-Шарқий Осиё давлатларида, Бразилия, Россияда) сармояларнинг қайтиб кетиши, валюта курсларининг тушиб кетишига олиб келган.

## 1.2. Ўзбекистон хамда жахон хамжамиятининг глобаллашув шароитида жахон молиявий-иқтисодий инқирозига қарши олиб бораётган сиёсати

Глобаллашув жараёнлари жаҳон хўжалигининг яхлит иқтисодий тизим сифатида ривожланишида сифат босқичи ҳисобланиб, янги имкониятларни очиб беради. Бироқ, глобаллашув жараёнини мутлақлаштириш ва унга бир томонлама қараш тўғри бўлмайди. Чунки, мазкур жараён ўзининг ижобий жиҳатлари билан бир қаторда зиддиятли томонларига ҳам эга. Жаҳоннинг бир мамлакатида рўй бераётган ижтимоий-иқтисодий ларзаларнинг муқаррар равишда бошқа мамлакатларга ҳам ўз таъсирини ўтказиши шулардан бири ҳисобланиб, бугунги кунда рўй бераётган молиявий инқироз ҳам айнан шу маънода глобаллашув жараёнларининг оқибати ҳисобланади.

Бунга Президентимизнинг ўз асарларида бугунги куннинг энг долзарб муаммоси – бу 2008 йилда бошланган жаҳон молиявий инқирози, унинг таъсири ва салбий оқибатлари, юзага келаётган вазиятдан чиқиш йўлларини излашдан иборат эканлигидан бошлаб, жаҳон молиявий инқирозининг мазмун-моҳияти, келиб чиқиш сабабларига батафсил тўхталиб ўтганлари ёрқин мисол бўла олади.

«Бу инқироз Америка Қўшма Штатларида ипотекали кредитлаш тизимида рўй берган танглик ҳолатидан бошланди. Сўнгра бу жараённинг миқёси кенгайиб, йирик банклар ва молиявий тузилмаларнинг ликвидлик, яъни

---

[8] Быков А.Н. мировой финансовый кризис и его уроки для России // Независимая газета. 1998г. 14 октября.

тўлов қобилияти заифлашиб, молиявий инқирозга айланиб кетди. Дунёнинг етакчи фонд бозорларида энг йирик компаниялар индекслари ва акцияларининг бозор қиймати ҳалокатли даражада тушиб кетишига олиб келди. Буларнинг барчаси, ўз навбатида, кўплаб мамлакатларда ишлаб чиқариш ва иқтисодий ўсиш суръатларининг кескин пасайиб кетиши билан боғлиқ ишсизлик ва бошқа салбий оқибатларни келтириб чиқарди»[9].Модомики, ипотека кредити ўзининг моҳияти бўйича кўчмас мулк гарови ҳисобига бериладиган кредитлар бўлсада, АҚШ бозорлари бундай ликвидли кўчмас мулкларга етарлича «тўйинди» ва уларнинг нархлари кескин туша бошлади. Бунинг устига инвестицион банкларнинг АҚШ ипотека бозорларидаги янги молиявий «маҳсулот» ҳисобланган активларни секьюритизациялаш бўйича операцияларининг авж олиши ипотека бозорларидаги таназзуллик ҳолатлари эҳтимоллигини оширди.

АҚШ иқтисодиёти яратилган шарт-шароитлар туфайли арзон кредит ресурсларига тўйинди ва бу Федерал захира тизими (ФЗТ) амалга ошираётган пул-кредит сиёсатини ўзгартиришига олиб келди. Натижада 2004-2006 йилларда Федерал захира тизими фоиз ставкаларни 6,25% гача кўтарди.

Пировард натижада 2007 йил бошида АҚШда аҳолининг ипотека кредитларини қайтариши билан боғлиқ муаммо кучайди. Қарздорларнинг кўчмас мулк гарови билан олинган кредитларни қайтаришдан кўра тўловларни тўлашдан бош тортиш ҳолати кенгайди. Банкларнинг тўлов қобилиятига эга бўлмаган мижозларнинг кўчмас мулкларини қайта сотувга қўйиши натижасида ипотека бозоридаги таклиф кўпайиб, бозордаги нархларнинг кескин пасайишига олиб келди.Шу ўринда, жаҳон молиявий инқирозининг юзага келишида асосий сабаб – молиявий ресурслар билан реал ишлаб чиқариш ҳажми ўртасидаги мутаносибликнинг кескин бузилиши ҳисобланишини таъкидлаш лозим. Шу билан бир қаторда, асосан етакчи ривожланган мамлакатларда кузатилган қуйидаги салбий ҳолатлар ҳам молиявий инқирознинг вужудга келишига асосий сабабларидан ҳисобланади:

[9] Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Т.: Ўзбекистон, 2009, 4-б.

- норационал пул-кредит сиёсатини, ҳамда қайта молиялаш ставкасини сурункали равишда паст даражада ушлаб турилиши натижасида қарзга яшашнинг одатга ва кундалик ҳолатга айланиши;

- молиявий институтларнинг мажбуриятлари билан устав маблағлари ўртасидаги мутаносибликнинг кескин бузилиши;

- қимматли қоғозлар бўйича рейтинг ташкилотлари томонидан сохта хулосалар берилиши;

- молиявий аудит ва профессионал этика тамойилларини бузилиши ва сохта аудит хулосалари тақдим этилиши;

- молиявий рағбатлантириш услуби сифат кўрсаткичларига эмас, балки миқдорий кўрсаткичларга асосланганлиги;

- юқори рискли ва мураккаб ҳосилавий қимматбаҳо қоғозларни вужудга келиши ва ҳоказо.

Лекин бу борада Ўзбекистон Республикасида ижобий тенденция кузатилмоқда. Яъни, амалга оширилган оқилона иқтисодий сиёсат натижасида ташқи қарзларнинг ялпи ички маҳсулотдаги салмоғи 2005 йилдаги 29% дан 2008 йилда 13,3% га қадар қисқарган. Ҳозирда кўплаб мутахассис ва экспертлар томонидан жаҳон молиявий инқирозининг глобал тус олиши ва иқтисодий инқироз жараёнларининг кучайиши рецессия ва иқтисодий пасайишни, инвестицион фаоллик кўлами чекланиб боришини, талаб ва халқаро савдо ҳажмининг камайиши ҳамда жаҳоннинг кўплаб мамлакатларига таъсир кўрсатадиган жиддий ижтимоий талофотлар содир бўлиши мумкинлиги эътироф этилмоқда.

Хусусан, 2008 йилда жаҳон миқёсида бевосита хорижий инвестициялар оқими 20% гача пасайганлиги кузатилган. 2009 йилда жаҳон ялпи ички маҳсулотининг пасайиши, бевосита хорижий инвестициялар кўламининг янада пасайишини кузатилиши ҳамда халқаро савдо ҳажми қарийб 15% га пасайиши эҳтимол қилинмоқда. Бу ҳолат эса ишсизлик даражасининг ортиши билан боғлиқ жиддий ижтимоий муаммоларни келтириб чиқариши мумкин (1.2.1-расм). Расмдаги маълумотлардан кўринадики, жаҳоннинг ривожланган

мамлакатларидаги ишсизлик кейинги 3 йил мобайнида ўсиб бориши кузатилмоқда. 2009 йилда АҚШда ишсизлик даражаси 7,2%, Японияда 4,4%, Буюк Британияда 6,4%, Германияда 8,2% га ўсиши кутилмоқда. Бу ўз-ўзидан ижтимоий трансфертларнинг кўпайиши ҳисобига давлат харажатларининг ўсишига олиб келади.

**Ривожланган мамлакатларда 2007-2008 йилларда ишсизлик даражаси ва 2009 йил истиқбол кўрсаткичлари**




**1.2.1-расм**

Шунга кўра, ҳукуматлар даражасида инқироздан чиқиш бўйича давлат дастурларини ишлаб чиқишда бандлик масалаларини, талабни рағбатлантириш орқали ишлаб чиқариш кўламини кенгайтиришга қаратилган кескин чораларни кўриш масаласини кўндаланг қилиб қўймоқда.

Президентимиз ўз асарларида молиявий инқироз ҳолати ва унинг таъсирида келиб чиқиши мумкин бўлган оқибатларга доир фикрларини давом эттириб, навбатдаги хулосани таъкидлаб ўтдилар: «Иккинчидан, авж олиб бораётган глобал молиявий инқироз жаҳон молия-банк тизимида жиддий нуқсонлар мавжудлиги ва ушбу тизимни тубдан ислоҳ қилиш зарурлигини кўрсатди. Айни вақтда бу инқироз асосан ўз корпоратив манфаатларини кўзлаб иш юритиб келган, кредит ва қимматбаҳо қоғозлар бозорларида турли спекулятив амалиётларга берилиб кетган банклар фаолияти устидан етарли

даражада назорат йўқлигини ҳам тасдиқлади»[10].Тижорат банклари фаолиятини тартибга солиш тизимининг номувофиқлиги натижасида банклар томонидан кредитлаш тизими талаблари ўта енгиллашиб, бу ҳолат кредитлардан фойдаланишда тўловга лаёқатлик даражасининг ҳисобга олинмаслигига имкон яратди.

Юқоридаги ҳолатлар молия-банк тизимида жиддий нуқсонлар мавжудлигини, шунга кўра, ушбу тизимни тубдан ислоҳ қилиш орқали янги, соғлом молиявий тизимни шакллантириш зарурлигини тасдиқламоқда.

Президентимиз ўз асарларида глобал молиявий инқироз ҳолатини ва унинг юз бериши мумкин бўлган оқибатларига доир материалларни ўрганиш ва умумлаштириш натижасида келиб чиққан қуйидаги учинчи хулосани таъкидлаб ўтдилар: «Учинчидан, молиявий-иқтисодий инқирознинг ҳар қайси давлатдаги миқёси, кўлами ва оқибатлари қандай бўлиши кўп жиҳатдан бир қанча омиллардан келиб чиқади. Яъни, бу аввало, ана шу давлатнинг молия-валюта тизими нечоғлиқ мустаҳкам эканига, миллий кредит институтларининг қай даражада капиталлашуви ва ликвидлиги (тўлов имконига), уларнинг чет эл ва корпоратив банк тузилмаларига қанчалик қарам эканига, шунингдек, олтин-валюта захирасининг ҳажми, хорижий кредитларни қайтариш қобилияти ва пировард натижада – мамлакат иқтисодиётининг барқарорлик, диверсификация ва рақобатга бардошлик даражасига боғлиқ»[11].

Президентимиз ўз асарларида глобал молиявий инқироз ҳолатини ва унинг юз бериши мумкин бўлган оқибатларига доир материалларни ўрганиш ва умумлаштириш натижасида келтириб чиқарилган тўртинчи хулосани қуйидагича баён этдилар: «Тўртинчидан, жаҳон молиявий инқирозидан имкон қадар тез чиқиш, унинг оқибатларини енгиллаштириш кўп жиҳатдан ҳар қайси давлат доирасида ва умуман, дунё ҳамжамияти миқёсида қабул қилинаётган чора тадбирларнинг қанчалик самарадорлигига, уларнинг бир-бири билан

---

[10] Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Т.: Ўзбекистон, 2009, 5-б.

[11] Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Т.: Ўзбекистон, 2009, 5-б.

уйғунлигига боғлиқ»[12].Шунингдек, 2008 йил ноябрь ойида Вашингтонда, жаҳон ялпи маҳсулотининг 85 фоизи ишлаб чиқарадиган 20 та йирик давлат иштирокида бўлиб ўтган саммит глобал молиявий инқирознинг кўлами тобора кенгайиб бораётганини тасдиқлагани, ушбу саммитда бўлиб ўтган муҳокамалар бугун жаҳон молиявий инқирозининг олдини олиш ҳақида эмас, балки ундан қандай қилиб чиқиш йўллари изланаётганлигидан дарак беришини таъкидлаб ўтдилар.Ҳозирги вақтда дунё мамлакатлари томонидан инқирозга қарши кураш бўйича йирик миқдорда молиявий ресурслар ажратилмоқда. Уларнинг ҳажми ва ялпи ички маҳсулотга нисбатан салмоғи инқирознинг таъсир кўлами ва ҳар қайси мамлакатларнинг инқирозга қарши кураш бўйича ишлаб чиққан режалари ҳажмига асосланади. Умумий маблағларнинг ҳажми 9400 млрд. долларни ташкил қилган. АҚШ ҳукумати сарфлаган маблағларининг ҳажми 3539 млрд. долларни ташкил қилган бўлиб, бу мамлакат ялпи ички маҳсулотининг 25% ни ташкил этади.Бу кўрсаткич Буюк Британияда 1020 млрд. долларни (мамлакат ялпи ички маҳсулотининг 37%), Германияда 893 млрд. долларни (23%) ташкил қилган. Бундан кўринадики, ҳозирги шароитда инқироздан АҚШ, Буюк Британия, Германия нисбатан кўпроқ азият чекмоқда.

Инқирозни бартараф этиш бўйича мамлакатлар томонидан ишлаб чиқилган чора-тадбирлар бўйича ажратиладиган маблағлар маълум мақсадли сарфланиш йўналишларига эга (1.2.1-жадвал). Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, инқирозни бартараф этишга сарфланган жами маблағлар 2008 йилда 6820 млрд. долларни ташкил қилди. Кредит маблағларига давлат кафолати учун 3004 млрд. доллар сарфланган, яъни жами ажратилган маблағлардаги салмоғи 44% ни ташкил қилган, молиявий институтлар устав капиталига мақсадли қўйилмалар 1155 млрд. долларни ташкил қилган бўлиб, уларнинг салмоғи 17% ни ташкил қилган. Юқори рискли шубҳали активларни харид қилиш учун сарфланган маблағлар ҳажми 674 млрд. долларни ташкил қилиб, уларнинг жами ажратилган маблағлардаги салмоғи қарийиб 10% ни ташкил қилмоқда.

[12] Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Т.: Ўзбекистон, 2009, 6-б.

**1.2.1-жадвал**

**Инқирозни бартараф этишга ажратилган маблағларнинг йўналишлари**

| **Мамлакат** | **Кредит маблағларига давлат кафолати** | | **Молиявий институтлар устав капиталларига қўйилмалар** | | **Юқори рискли, шубҳали активларнинг хариди** | | **Бошқалар** | | **Жами** |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | **млрд. долл.** | **жамига нисб. %** | **млрд. долл.** | **жамига нисб. %** | **млрд. долл.** | **жамига нисб. %** | **млрд. долл.** | **жамига нисб. %** | **млрд. долл.** |
| Россия | - | - | 185 | 84 | 11 | 5 | 25 | 11 | 222 |
| Буюк Британия | 393 | 39 | 79 | 8 | - | - | 549 | 54 | 1020 |
| АҚШ | 1769 | 50 | 714 | 20 | 663 | 19 | 394 | 11 | 3539 |
| Германия | 539 | 60 | 177 | 20 | - | - | 176 | 20 | 893 |
| Япония | 303 | 53 | - | - | - | - | 237 | 47 | 576 |
| Хитой | - | - | - | - | - | - | 570 | 100 | 570 |
| Жами | 3004 | 44 | 1155 | 17 | 674 | 10 | 1951 | 29 | 6820 |

Жаҳон молиявий инқирозининг мамлакатимиз иқтисодиётига таъсири қандай бўлишини, Президентимизнинг «...тобора чуқурлашиб бораётган жаҳон молиявий инқирози мамлакатимизга таъсир кўрсатмайди, бизни четлаб ўтади, деган хулоса чиқармаслик керак. Масалани бундай тушуниш ўта соддалик, айтиш мумкинки, кечириб бўлмас хато бўлур эди. Барчамиз бир ҳақиқатни англаб етишимиз лозим – Ўзбекистон бугун халқаро ҳамжамиятнинг ва глобал молиявий-иқтисодий бозорнинг ажралмас таркибий қисми ҳисобланади»[13] деган сўзларини яна бир бор эсга олиш муҳимдир. Ўз навбатида Ўзбекистоннинг глобаллашув жараёнларидаги иштироки ҳам ушбу инқироз оқибатларининг маълум даражада иқтисодиётимизга ўз таъсирини кўрсатиши мумкинлигидан дарак беради.

Дарҳақиқат, Ўзбекистон мустақилликка эришган дастлабки йилларда, бошқа МДҲ мамлакатлари сингари, давлат ва жамият қурилишининг қандай

[13] Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Т.: Ўзбекистон, 2009, 11-б.

тамойиллари ва усулларига асосланиш, мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий тараққиётини белгилашда қайси йўлдан бориш масаласи кўндаланг турар эди. Президентимиз И.Каримов таъкидлаб ўтганларидек, «Ўзбекистонда қабул қилинган ўзига хос ислоҳот ва модернизация модели орқали биз ўз олдимизга узоқ ва давомли миллий манфаатларимизни амалга ошириш вазифасини қўяр эканмиз, «шок терапияси» деб аталган усулларни бизга четдан туриб жорий этишга қаратилган уринишлардан, бозор иқтисодиёти ўзини ўзи тартибга солади, деган ўта жўн ва алдамчи тасаввурлардан воз кечдик»[14].

Бироқ, ўз ўрнида таъкидлаш лозимки, молиявий инқирознинг республикамиз иқтисодиётига таъсири бошқа ривожланган ва айрим қўшни давлатлардагига қараганда мазмунан фарқ қилади. Агар бошқа мамлакатларда бу жараёнлар бевосита молия тизимининг издан чиқиши ва ишлаб чиқариш ҳажмларининг кескин қисқариб кетиши, кўплаб йирик корхоналарнинг ёпилиши орқали намоён бўлса, бизда жаҳон хомашё бозорларида талабнинг сусайиши туфайли нархларнинг кескин пасайиши ҳамда бунинг оқибатида экспорт даромадларининг сезиларли камайиши, асосий савдо ҳамкорларимизнинг харид қобилиятининг пасайиши натижасида ташқи савдо айланмасининг қисқариши орқали намоён бўлади.

Шу билан бирга, бугунги кунда кўплаб етакчи олим ва мутахассисларимиз томонидан иқтисодиётимизда молиявий инқирознинг салбий оқибатлари таъсирини пасайтирадиган омиллар мавжудлиги таъкидланмоқда. Иқтисодчи олимлар ва мутахассисларнинг фикрларига кўра, мамлакатимиз иқтисодиётининг жаҳон иқтисодиётига инқироз оқибатлари аҳамиятли таъсир кўрсатадиган даражада интеграциялашмаганлиги, мамлакатимизда катта ҳажмдаги хорижий капиталнни ушлаб турувчи компания ва молиявий институтларнинг йўқлиги, хусусийлаштириш механизми ва шарт-шароитлари натижасида деярли барча устав фондларининг корхоналарнинг реал хусусий активлари билан таъминланганлиги каби ҳолатлар асосида

[14] Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Т.: Ўзбекистон, 2009, 7-б.

инқирознинг салбий таъсири у қадар катта бўлмаслиги мумкин. Аксинча, ҳозирги инқироз эҳтимол тутилаётган салбий таъсирлардан ташқари биз учун ижобий таъсирларга ҳам эга бўлиши, янги имкониятларни вужудга келтириши мумкин. АҚШ ва Европадаги инвесторлар акциялардан бош тортиб, ўз активларини бўшатмоқдалар. Моҳиятига кўра, қайтадан қандайдир ишга жалб этилиши зарур бўлган ресурсларни бўшатиш жараёни бормоқда. Демак, янги бозорларни, янги имкониятларни излаш бошланади. Инвесторлар капитал киритишнинг муқобил йўлларини қидирадилар. Ғарб бозорлари турғунликка юз тутган чоғда ривожланаётган мамлакатлар бозорлари ўсишнинг ижобий динамикасини кўрсатади. Шундай мулоҳазалардан келиб чиққан ҳолда, кўплаб инвесторлар Ўзбекистон бозорига эътибор қаратишлари эҳтимолдан ҳоли эмас.Шунингдек, жаҳон молиявий инқирозининг Ўзбекистонга таъсирининг жиддий бўлмаганлигини қўйидаги омиллар билан изоҳлаш мумкин:

- маъмурий-буйруқбозлик тизимидан бозор иқтисодиётига ўтишнинг босқичма-босқич амалга ошириш йўлини танланганлиги;

- давлат бош ислоҳотчи сифатида масъулиятни ўз зиммасига олиши зарурлигини аниқ белгилаб олинганлиги;

- Ўзбекистонда молиявий-иқтисодий, бюджет, банк-кредит тизими, шунингдек, иқтисодиётнинг реал сектори корхоналари ва тармоқларининг барқарор ҳамда узлуксиз ишлашини таъминлаш учун етарли даражада мустаҳкам захиралар яратилганлиги ва зарур ресурслар базасининг мавжудлиги;

- оқилона ташқи қарз сиёсати олиб борилганлиги;

- аҳолининг иш ҳақи ва даромадларини изчил ва олдиндан ошириб бориш ҳамда истеъмол бозорида нархлар индексининг асоссиз тарзда ўсишининг олдини олишга доир чора-тадбирларнинг изчиллик билан амалга оширилганлиги;

- давлатнинг молиявий-иқтисодий ва банк тизимларининг нечоғлиқ барқарор ва ишончли экани, уларнинг ҳимоя механизмлари қанчалик кучлилиги билан изоҳланади.

Ҳозир Ўзбекистоннинг умумий ташқи қарзи ялпи ички маҳсулотга нисбатан 13,3% ни ташкил этмоқда, экспорт ҳажмига нисбатан эса 31% дан ошмайди. Бу ўз навбатида мамлакатимизнинг халқаро даражадаги тўлов қобилиятга эгалигини ифодалайди. Республикамизда доимо қисқа муддатли спекулятив кредитлардан воз кечиб, чет эл инвестицияларини узоқ муддатларга, имтиёзли фоиз ставкалари бўйича жалб этилди. Натижада миллий иқтисодиётимизнинг ҳалқаро кредитлар бозоридаги конъюнктурага кескин боғлиқлигини ва молиявий инқирознинг салбий оқибатларининг олди олинди. 2007-2008 йилларда ўзлаштирилган чет эл инвестициялари ҳажми 2,5 мартадан кўпроқ ошди. Бу ҳолат миллий иқтисодиётимизнинг юқори инвестицион салоҳиятга эга бўлаётганлиги ва ҳукуматимиз томонидан яратилаётган қулай инвестицион муҳит билан бевосита боғлиқдир. Натижада 2008 йилда 1,5 миллиард АҚШ доллари миқдорида хорижий инвестициялар ўзлаштирилди, уларнинг 70% тўғридан-тўғри жалб қилинадиган инвестициялар улушига тўғри келади. Жалб қилинган тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар Ўзбекистон миллий иқтисодиётининг ривожланиши учун стратегик аҳамиятга эга бўлган реал секторларини модернизация қилишга йўналтирилган.

**Асосий капиталга инвестициялар ҳажмининг йиллар давомида ўсиш динамикаси, фоизда**




**1.2.2-расм.**

Инвестиция дастури доирасида 2009 йилда 1,8 миллиард АҚШ

долларидан ортиқ хорижий инвестицияларни ўзлаштириш мўлжалланганлиги истиқболдаги барқарор иқтисодий ўсиш жараёнлари кузатилиши кутилаётганлигидан дарак беради. Мазкур хорижий инвестицияларнинг 75% тўғридан-тўғри инвестициялар улушига тўғри келади. Мамлакатимиздаги асосий капиталга инвестициялар ҳажми сезиларли даражада ошиб, ўсиш суръати мустақиллик йилларида илк бор 128,3% ни ташкил этди (1.2.2-расм).

**ЯИМнинг йиллар давомида ўсиш динамикаси, фоизда**




**1.2.3-расм**

Шу жумладан, 2008 йилда ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш суръатлари 9 фоизни ташкил этди (1.2.3-расм).

Дарҳақиқат, ҳозирги кунда ташқи дунё билан икки томонлама ўзаро манфаатли алоқаларимиз ривожланиб бормоқда. Иқтисодиётни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш бўйича дастурларни амалга оширишимизда хорижий мамлакатларнинг илғор технологияларига асосланган инвестицияларига эҳтиёж мавжуд.

Барчамизга маълумки, 2008 йилда мамлакатимизда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг устувор йўналишлари белгилаб берилган эди.(1.2.4-расм) Ушбу устувор йўналишлардан келиб чиқувчи вазифаларни амалга оширишда салмоқли натижа ва сезиларли ўзгаришлар қўлга киритилди:

## 2008 йилда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишлари ҳамда амалга оширилган ишлар натижалари

| Устувор йўналишлар | Асосий вазифалар | Эришилган натижалар |
|---|---|---|
| ***1-устувор йўналиш:*** **Макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш, иқтисодиётни модернизация қилиш ва янгилаш** | - барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш;<br>- иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини ривожлантириш;<br>- ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва янгилаш | - иқтисодий ўсишнинг барқарор ва мутаносиб суръатлари таъминланди;<br>- иқтисодиёт таркибий тузилмаси такомиллаштирилди;<br>- ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ортди |
| ***2-устувор йўналиш:*** **Ислоҳотларни чуқурлаштириш ва иқтисодиётни эркинлаштириш** | - иқтисодиётда давлат иштирокини камайтириш;<br>- солиқ юкини камайтириш;<br>- бозор инфратузилмаси муассасалари фаолиятини ривожлантириш | - тадбиркорлар эркинлиги ва масъулияти кучайди;<br>- инвестициялар ҳажми кўпайди;<br>- иқтисодий субъектлар фаолият самарадорлиги ошди |
| ***3-устувор йўналиш:*** **Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш** | - кичик бизнеснинг таркибий тузилмасини яхшилаш;<br>- кичик корхоналарни замонавий технологиялар билан жиҳозлаш | - кичик бизнес соҳасида яратилаётган маҳсулот сифати ва рақобатбардошлиги яхшиланиб, корхоналарнинг экспорт салоҳияти кучайди |
| ***4-устувор йўналиш:*** **Ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва унумдорлигини ошириш** | - ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш бўйича давлат дастурини амалга ошириш;<br>- мелиорация ишларини молиялаштириш механизмини такомиллаштириш | - ерларнинг мелиоратив ҳолати нисбатан яхшиланди;<br>- мелиорация иншоотлари ҳолати яхшиланди;<br>- мелиорация ишлари молиявий таъминоти яхшиланди |
| ***5-устувор йўналиш:*** **«Ёшлар йили» Давлат дастурини бажариш** | - дастурда белгиланган чора-тадбирларни амалга ошириш;<br>- таълим тизимидаги ислоҳотларни изчил давом эттириш | - ёшларнинг ижтимоий-маиший шарт-шароитларини яхшилаш самараси ошди;<br>- таълим тизимининг самарадорлиги ошди |

**1.2.4-расм**

Ялпи ички маҳсулотнинг ишлаб чиқариш таркибида ҳам сезиларли ўзгаришлар юз берди (1.2.2-жадвал). Жаҳон молиявий инқирозининг салбий таъсирлари саноат ишлаб чиқаришида нисбатан кўпроқ намоён бўлиши натижада унинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши ўтган йилдаги 24 фоиз ўрнига 2008 йилда 22,3 фоизни ташкил этган. Қишлоқ хўжалиги салмоғининг 19,4 фоизга қадар пасайиши эса мамлакатимиз ялпи ички маҳсулоти таркибининг такомиллашиб, унда саноат, қурилиш ва хизмат кўрсатиш соҳаларининг улуши йилдан-йилга ошиб бораётганлигини англатади.

**1.2.2-жадвал**

**Ялпи ички маҳсулотнинг ишлаб чиқариш таркиби (%)**

| Кўрсаткичлар | Йиллар | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | 2000 | 2001 | 2002 | 2003 | 2004 | 2005 | 2006 | 2007 | 2008 |
| Саноат | 14,2 | 14,1 | 14,5 | 15,8 | 17,5 | 20,7 | 22,1 | 24,0 | 22,3 |
| Қишлоқ хўжалиги | 30,1 | 30,0 | 30,1 | 28,6 | 26,4 | 25,0 | 24,0 | 21,7 | 19,4 |
| Қурилиш | 6,0 | 5,8 | 4,9 | 4,5 | 4,8 | 4,9 | 5,1 | 5,5 | 5,6 |
| Хизматлар соҳаси | 37,2 | 38,2 | 37,9 | 37,4 | 37,2 | 38,4 | 39,5 | 39,4 | 43,3 |
| Соф солиқлар | 12,5 | 11,9 | 12,6 | 13,7 | 14,1 | 11,0 | 11,1 | 9,5 | 9,3 |

Айни пайтда ялпи ички маҳсулот таркибидаги соф солиқлар ҳиссасининг 9,3 фоизга қадар қисқарганлиги мамлакатимиздаги солиқ юкининг тобора пасайиб бораётганлиги кўрсатади.Давлат бюджети ортиғи билан бажарилиб, кўзда тутилган дефицит ўрнига ялпи ички маҳсулотга нисбатан 1,5 фоиз миқдорида профицитга эришилди (1.2.5-расм).

**Давлат бюджети кўрсаткичларининг бажарилиши даражаси, фоизда**




**1.2.5 -расм**

Пухта ўйланган қатъий пул-кредит сиёсатини изчил олиб бориш туфайли инфляцияни кўзда тутилган прогноз кўрсаткичлари чегарасида, яъни йиллик 7,8 фоиз даражасида сақлаб қолишга эришилди.

Молиявий инқирознинг салбий таъсирига қарамай, 2008 йилда иқтисодиётнинг асосий тармоқларида ҳам ижобий ўсиш суръатларига эришилди. Масалан, олдинги йилга нисбатан ўсиш суръати саноатда 12,7 фоизни, жумладан, истеъмол товарлари ишлаб чиқаришда 17,7 фоизни ташкил этди, хизмат кўрсатиш ҳажми 21,3 фоизга ўсди. (1.2.3-жадвал).

**1.2.3-жадвал**

**Иқтисодиётнинг асосий тармоқларидаги ўсиш суръатлари, фоизда**

| Кўрсаткичлар | Йиллар | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | 2000 | 2001 | 2002 | 2003 | 2004 | 2005 | 2006 | 2007 | 2008 |
| Саноат маҳсулоти | 105,9 | 107,6 | 108,3 | 106,2 | 109,4 | 107,3 | 110,8 | 112,1 | 112,7 |
| Истеъмол моллари ишлаб чиқариш | 106,2 | 107,6 | 108,4 | 108,5 | 113,5 | 116,6 | 120,7 | 118,8 | 117,7 |
| Қишлоқ хўжалиги | 103,1 | 104,2 | 106,0 | 107,3 | 108,9 | 106,2 | 106,2 | 106,1 | 104,5 |
| Хизмат кўрсатиш | 115,7 | 114,7 | 108,6 | 109,5 | 113,8 | 116,3 | 120,1 | 126,6 | 121,3 |
| Қурилиш ишлари | 103,0 | 103,4 | 103,4 | 103,7 | 104,3 | 110,7 | 115,0 | 115,7 | 108,3 |
| Транспортда юк ва йўловчи ташиш ҳажми | 112,8 | 102,2 | 106,3 | 107,4 | 106,3 | 111,0 | 107,5 | 111,5 | 110,2 |
| Чакана савдо айланмаси | 107,6 | 109,6 | 102,1 | 104,2 | 105,2 | 105,1 | 114,7 | 121,0 | 117,2 |

Иқтисодиётнинг бошқа муҳим тармоқлари ҳам барқарор суръатлар билан ривожланди: қурилиш – 8,3 фоиз, транспортда юк ва йўловчи ташиш ҳажми – 10,2 фоиз, савдо соҳаси – 7,2 фоизга ўсди. Умуман олганда, юқоридаги маълумотлар шуни кўрсатадики, 2008 йилнинг жаҳон мамлакатлари, шу жумладан, Ўзбекистон иқтисодиёти учун ғоят мураккаб ва оғир бўлганлигига қарамай мамлакатимизда асосий макроиқтисодий кўрсаткичларнинг юқори даражасига эришилди. Албатта бу инқироз араб минтақасига ҳам сезиларли даражада ўз таъсирини ўтказди. Барча араб мамлакатлари хукуматлари ушбу инқирознинг олдини олиш хамда унга қарши кўриладиган чора-тадбирларни

амалга ошира бошладилар. Араб мамлакатларининг иқтисодий-географик жойлашишлари хар хил бўлганлиги сабабли уларнинг иқтисодий ривожланиши хамда ривожланиш босқичлари хам турличадир. Бу мамлакатларнинг миллий иқтисодиётига таъсир этаётган инқирознинг бир неча омиллари мавжуд. Улар қуйидагилардан иборат;

- Нефть нархининг жахон-ёқилғи бозоридаги пасайиши.
- Нефтга бўлган талабнинг сусайиши, оқибатда экспортнинг пасайиши.
- Нефть билан боғлиқ қимматли қоғозлар нархининг пасайиши.
- Мамлакатга келаётган пул ўтказмаларининг камайиши.
- Тўғридан-тўғри инвестициялар оқимининг камайиши.

Юқорида келтирилган омилларнинг салбий оқибатларига қарши давлат миқёсида фақатгина ФКАДХК га аъзо мамлакатларда керакли мухим чоралар кўрилмоқда, чунки бу давлатларнинг хар томонлама, хусусан иқтисодий ва молиявий жихатдан катта потенциалга эга эканлиги эьтиборга моликдир. Бошқа араб давлатларида молиявий ресурсларнинг чекланганлиги, институционал потенциалнинг сустлиги ва нихоят давлат бюджетининг дефицитлиги бу инқироз шароитида олиб борилиши лозим бўлган чора тадбирларни амалга оширишга имкон бермаяпти.Ушбу минтақанинг молиявий-иқтисодий холати ҳам охирги 3 йил мобайнида сезиларли даражада сусайди. **(**1.2.4-жадвал)

**1.2.4-жадвал**

**Араб минтақасидаги молиявий-иқтисодий холат (%)**

| **Йил** | **2007** | **2008** | **2009** |
|---|---|---|---|
| Халқаро Савдо | 6 % | 2 % | -9 % |
| Капитал оқими ($ млрд) | 928,6 | 465,8 | 165,3 |
| Пул ўтказмалари ($ млрд) | 281 | 305 | 290 |
| Нефтнинг нархи | 10,6 | 42,3 | -26,4 |
| Нохом-ашёвий товарлар нархи (ноэнергетик) | 17 | 22,4 | -19,1 |

Манба:WTO,march-2009.

Албатта бу муаммоларни хал этишда хар бир давлатда ги сиёсий мухит алохида мухим ахамият касб этади, чунки сиёсий барқарорлик кўп холатларда бутун бир мамлакатни қийин холатлардан олиб чиқишга замин бўлиб хизмат қилади. Араб мамлакатлари хукуматининг нуқтаи назардан инқирозга карши чоралар бешта асосий омилларга боғлиқдир.

**Биринчидан**, деярли барча араб давлатларининг миллий иқтисодиёти нефтга,ишчи мигрантларга,туризмга, тўғридан-тўғри инвестицияларга ва халқаро савдога боғлиқдир. Демак бу омиллар ўз-ўзидан у ёки бу маънода сиёсатга боғлиқдир.

**Иккинчидан**,Ушбу муаммоларни хал этилишини тезлаштирилиши ёки кечга суриши мамлакат ичидаги сиёсий барқарорлик холати билан боғлиқ.

**Учинчидан**, давлат миқёсида олиб борилаётган сиёсатнинг барқарорлиги молиявий холатнинг яхшилиги билан боғлиқ, бундай холат ФКАДХК га аъзо мамлакатларда кузатилади.

**Тўртинчидан,** давлат миқёсидаги сиёсий институтларнинг сифат даражаси.

**Бешинчидан,** давлат миқёсида олиб борилаётган ижтимоий сиёсат.Афсуски ФКАДХК га аъзо мамлакатлардан бошқа араб давлатларида ижтимоий холат ижобий тус олмаган. Масалан, Яманда бошқа араб давлатларига нисбатан қашшоқлик даражаси юқори,яъни 46%ни ташкил этади.Вахоланки ФКАДХК га аъзо мамлакатларда бу кўрсаткич фоиз хисобида жуда хам кам. Аммо ФКАДХК га аъзо мамлакатларнинг хам муаммоларидан бири, бу ташқи ишчи кучига боғлиқлигидадир.[15]ФКАДХК га аъзо мамлакатлар миллий иқтисодиётининг инқироз шароитида кўрган молиявий хамда иқтисодий зарарлари асосан нефт нархининг пасайиши, нефть экспорт хажмини камайиши, натижада нефтьдан келадиган тушумларнинг кескин тушиб кетиши хисобига юз берди. Иқтисодиёти нисбатан очиқ, ЯИМда экспортнинг ҳиссаси катта бўлган Саудия Арабистони иқтисодиётига ҳам ушбу молиявий – иқтисодий инқироз жиддий таъсир кўрсатиб, у қуйидагилар билан

[15] International Economic Bulletin. April-2009

ифодаланади:

- Жаҳон бозорида нефть ва газнинг нархи ҳамда уларга бўлган талабнинг тушиши мамлакатнинг экспортдан олувчи даромадларини қисқартиради;
- Давлат бюджетининг даромадлари камайиши, бу бюджет камомадига олиб келиш мумкин. Бундай ҳолат давлатнинг инвестиция дастурларини тўлиқ амалга ошира олмаслигига олиб келади;
- Ривожланган мамлакатлар билан амалга ошириш мўлжалланган инвестиция лойиҳаларини амалга оширишда маблағларнинг етишмаслиги сабабли қийинчиликлар вужудга келади;
- Саудия Арабистони 2005 йилда ЖСТга аъзо бўлганидан сўнг ўз фонд бозорини ҳам хориж учун очиш бўйича ислохотларни ўтказаганлиги унинг либераллашувини таъминлади. Лекин бундай ҳолат молиявий инқироз таъсирини ҳам кучайтиради;
- Ички талабнинг ўсиши инфляция даражаси ўсишига сабаб бўлиши мумкин.

Банк сохасида сўз кетганда молиявий инқироз асосан араб оламида, қолаверса бошқа мамлакатларда ҳам ўз фаолиятини амалга ошираётган Ислом банклари учун янги имкониятларни очиб бермоқда, бунга сабаб ислом банклари анъанавий молиявий тузилмалардан фарқли равишда молиявий инқироздан деярли хеч қандай талафот кўрмаган бўлиб, бу инвесторларни ислом банкларига янада кўпроқ жалб этилишини амалда кўрсатмоқда.

Ислом банклар гўё ҳозирги молиявий инқироздан тўсиб қўйилгандек, чунки анъанавий тузилмалардан фарқли равишда, улар банклараро бозордан қарз олмайдилар, аксинча, уларнинг маблағлари ўз депозитларидан келиб тушади. Шунингдек, улар қарз мажбуриятлари билан таъминланган облигацияларни ҳам сақламайдилар, чунки уларда қатъий белгиланган фоизларга кўра тўловлар амалга ошириладиган қимматбаҳо қоғозларни сақлаб туриш ман қилинган. Муқобил воситаларни қидираётган молиячилар ислом банкларига тобора кўпроқ эътибор қаратмоқдалар.

## II-БОБ. САУДИЯ АРАБИСТОНИ ҚИРОЛЛИГИНИНГ ГЛОБАЛЛАШУВ ШАРОИТИДА ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШ ХОЛАТИ ВА ТАҲЛИЛИ

### 2.1. Глобаллашув шароитида Саудия Арабистони Қироллигининг иқтисодий ривожланиш холати.

Саудия Арабистони Қироллигининг иқтисодий ривожланиш холатини тахлил қилишдан аввал араб минтақасида жойлашган давлатларнинг иқтисодий йўналишлар жараёнлари, унинг хусусиятлари, омиллари ва унга алоқадор бўлган муаммоларни тахлил қиплиб кўришликни лозим деб топ дик.

Яқин шарқ ва Шимолий Африка минтақасида жойлашган араб мамлакатлари тўғрисида сўз борганда, аввaламбор 22 та араб давлатлари кўз ўнгимизда намоён бўлади.

Араб минтақаси мамлакатлари ўзларининг нефть ва газ захираларига бой ресурслари билан жахон иқтисодиётида ўзига хос ўрин эгаллайдилар. Ушбу минтақага шу давргача ер юзида текширилган ва исботланган нефть ва газ захираларининг 2/3 қисми тўғри келади, бу эса ўз навбатида ушбу минтақани хам геосиёсий хам иқтисодий нуқтаи назардан стратегик минтақа эканлигидан дарак беради.

Бу давлатлар ўзларининг сиёсий, географик, демографик холатларидан келиб чиққан холда ўз иқтисодий йўналишларига эга бўлдилар. Барча араб давлатларнинг ҳам иқтисодий ривожланиш омиллари нефть билан боғлиқ эмас, баъзи араб давлатларнинг иқтисодиёти эса фақатгина нефть омилларига боғлиқ бўлганлиги ушбу давлатларнинг миллий иқтисодиёти диверсификациялашмаганлигидан далолат беради.

UNCTAD хамда ЖСТ билан хамкорликда фаолият кўрсатаётган Халқаро Савдо Маркази ташкилотининг тадқиқотларига биноан Араб минтақаси мамлакатлари 3та гурухга ажратилган.[16] Биринчи гурухга “Унча ривожланмаган араб мамлакатлар” ёки “Машриқ мамлакатлари” номи берилган. Араб мамлакатлари Лигасига аъзо бу мамлакатлар қуйидагилардан иборат: Джибути, Комор ороллари, Мавритания, Судан, Сомали ва Яман.

[16] МТЦ UNCTAD WTO 2008-2009.

Иккинчи гурухга “Ўртача ривожланаётган араб мамлакатлари” ёки “Мағриб мамлакатлари” номи берилган. Улар қуйидагилардир: Жазоир, Фаластин, Иордания, Ироқ, Ливан,Ливия, Марокаш,Сурия,Тунис ва Миср. Учинчи гурух мамлакатлари “Тез ривожланаётган араб мамлакатлари” бўлиб хисобланиб, улар Саудия Арабистони Қироллиги, Бирлашган Араб Амирликлари, Бахрайн, Қувайт,Қатар ва Уммон султонлиги хисобланади. Ушбу 6та давлат томонидан 1981 йилда ташкил этилтан Форс кўрфази араб давлатлари хамкорлиги Кенгаши (ФКАДХК) худудий интеграцион ташкилоти бу давлатларнинг араб минтақасида ҳар жихатдан яққол пешқадамлиги хақида дарак беради.

Юқорида зикр қилинган 3та гурухга кирувчи давлатларнинг глобаллашув жараёнидаги иқтисодий ўсиш омиллари деярли бир-бирига ўхшашдир. Ўхшаш томони шундан иборатки, араб минтақасида жойлашган деярли барча давлатларнинг иқтисодий йўналиш локомотиви хом-ашёга яъни нефть,газ ва шунга ўхшаш углеводородлардан ташкил этган ресурсларга асослангандир.

Биринчи гурухга яъни “Унча ривожланмаган араб давлатлари”га тўхталадиган бўлсак, бу давлатларнинг 2000-2006 йиллар орасидаги ЯИМнинг ўсиши аввалги йилларга нисбатан динамик равишда юз берди. (2.1.1-жадвал)

**2.1.1-жадвал**

**ЯИМнинг Реал Ўсиш Қиймати (%)**

| | 2003 | 2004 | 2005 | 2006 | 2007 | 2008* |
|---|---|---|---|---|---|---|
| Dжибути | 1.4 | 1.4 | 1.5 | 2.2 | 2.7 | 4.0 |
| Мавритания | 3.1 | 2.7 | 3.0 | 8.8 | -1.4 | 3.7 |
| Сомали | | | | | | |
| Судан | 4.3 | 2.4 | 3.8 | 8.5 | 7.7 | 4.8 |
| Яман | 0.5 | 0.8 | 2.3 | 0.1 | 0.0 | 1.0 |

Манба: SESRIC, BASEIND Database; IMF, WEO Database, April 2008.

. Бунга асосий сабаб мана шу йиллар давомида нефтга бўлган талабнинг ошиши бўлса, бошқа тарафдан эса бу давлатлар аксар холатда халқаро ташкилотлар (Жахон Банки, Халқаро Валюта Фонди ва х.к.з.) томонидан молиявий ёрдамлар эвазига ўз иқтисодиётини тиклашга харакат қилдилар. Бу давлатлар бошқа гурух давлатларига нисбатан иқтисодий глобаллашувда интеграциялашмаган давлатлар бўлганлиги сабабли аксар холатларда кенг

микёсдаги иқтисодий масалаларни хал этишда қийин ахволда қолиб кетмоқдалар,шунинг учун хозирги глобаллашув шароитида якка фаолият кўрсатиш мақсадга мувофиқ эмаслиги ҳаммага маълум.

Шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, ушбу давлатлардан фақатгина Джибути ва Мавритания ЖСТ га аъзо мамлакатлар бўлиб хисобланадилар,Судан хамда Яман эса ушбу ташкилотга кириш арафасидадирлар.Ушбу гурухга кирувчи қолган давлатлар хам ўз минтақаларидаги турли иқтисодий ташкилотларга шу жумладан Араб Мағриби Иттифоқи,GAFTA, KOMEGA ва IGADга аъзодирлар. Хозирда бу давлатлар Европа Иттифоқи билан иқтисодий хамкорлик битими устида музокаралар олиб бормоқдалар. Бундан ташқари АҚШ бозорига чиқишлик имтиёзини берувчи Африка Қитъаси учун ривожланиш имкониятлари АКТи дастурида хам иштирок этмоқдалар.

Бу давлатларнинг миллий иқтисодиётидаги энг асосий муаммолари қуйидагилардан иборат;

а) Давлатлар орасидаги иқтисодий интеграцион жараённинг сустлиги.

б) Миллий иқтисодиётнинг диверсификациялашмаганлиги.

в) Ишсизликнинг кўпайиши.

г) Қашшоқликнинг ортиши.

Мана шу муаммоларни хал қилишда жахон хамжамиятининг аралашуви, ушбу давлатларнинг миллий иқтисодиётини диверсификациялаш, давлатлар орасидаги интеграцион масалаларни хал этиш ва нихоят жахон иқтисодий глобаллашуви жараёнида давлатларнинг минтақада қолаверса жахонда ўз ўрнига эга бўлиши ушу давлатларнинг асосий мақсади бўлиб қолмоқда.

Ушбу гурухга кирувчи давлатларнинг асосий иқтисодий йўналишларини тахлил қилиб кўрилса, қуйидаги натижаларга эришилади. 2.1.1-расмдан кўриниб турибдики, бу давлатларнинг кўрсаткичлари бошқа гурух давлатларига нисбатан паст, аммо ички тафовут хам сезиларли даражада турли хилдир. Масалан: Мавритания 4та йўналиш бўйича ёмон кўрсатгичга эга, яъни тадбиркорлик фаолияти мухитининг сустлиги, ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг салбий холатда эканлиги ва нихоят халқаро савдода қатнашиши хам ижобий эмаслиги

ушбу давлатда умумий иқтисодий холатнинг яхши эмаслигидан далолат беради.Юқори кўрсаткичлар сезиларли даражада Джибути, Судан хамда Яманда кузатилади.

**Мамлакатларнинг 4та асосий иқтисодий йўналиш кўрсаткичлари.**




**2.1.1-расм**

Қуйидаги 2.1.2-расмда йўналиш бўйича кўрсаткичлар ,яъни товар ва бозорнинг юқори хамда суст марказлашганлиги кўрсаткичлари берилган.

**Мамлакатларнинг 3та асосий экспорт товар ва бозор кўрсаткичлари.**




**2.1.2-расм**

Бу ерда Яман ва Судан товар ва бозорнинг юқори жамланганлик кўрсаткичига эга бўлсалар, Джибутида товарнинг суст жамланганлиги ва бозорнинг юқори жамланганлиги кузатилган, Мавританияда бўлса аксинча товарнинг юқори жамланганлиги ва бозорнинг эса суст жамланганлиги кузатилинган.

Иккинчи гурух,яъни “Ўртача ривожланаётган араб мамлакатлари” ўзларининг географик, тарихий, маданий ва демографик хусусиятларининг бир-бирига ўхшаш бўлганликларига қарамасдан ўзларининг ер остки ва устки ресурсларига эга эканлиги билан бир-биридан ажралиб турадилар. Жазоир,Ливия, Ироқ ва қайсидир маънода Сурия бошқа иқтисодий экспорти диверсификациялашган ўз гурух аъзо мамлакатларидан фарқли ўлароқ нефть ва газ махсулотларини экспорт қилиш билан чегараланиб қолганлар.

Охирги 7-8 йил ичида ушбу мамлакатларнинг миллий иқтисодиёти жахон бозорида нефть ва газ махсулотларига талабнинг ошганлиги эвазига иқтисодиёти стабил даражада эканлиги кузатилинди. (2.1.2-жадвал)

**2.1.2-жадвал**

**ЯИМнинг Реал Ўсиш Қиймати (%)**

| | 2003 | 2004 | 2005 | 2006 | 2007 | 2008* |
|---|---|---|---|---|---|---|
| Жазоир | 5.3 | 3.5 | 3.4 | -0.7 | 2.8 | 3.3 |
| Миср | 1.1 | 2.1 | 2.4 | 4.7 | 5.0 | 4.9 |
| Ироқ | | | | | | |
| Иордания | 1.6 | 6.1 | 4.7 | 3.9 | 3.3 | 3.1 |
| Ливан | 2.8 | 6.1 | -0.2 | -1.3 | 2.7 | 1.7 |
| Ливия | 3.9 | 3.0 | 4.2 | 3.1 | 4.7 | 6.7 |
| Марокаш | 4.9 | 4.1 | 1.4 | 7.0 | 1.2 | 5.5 |
| Фаластин | | | | | | |
| Сурия | -1.4 | 0.3 | 1.2 | 1.2 | 1.4 | 1.5 |
| Тунис | 4.4 | 5.6 | 2.8 | 4.2 | 5.0 | 4.1 |

Манба: SESRIC, BASEIND Database; IMF, WEO Database, April 2008.

2006 йил бу давлатларнинг умумий ЯИМ си аввалги йиллардаги 4,6% га нисбатан 6,3% га кўтарилди.[17] Ахоли турмуш даражаси ошиб хамда қашшоқлик даражаси бир мунча пасайди. Лекин бу давлатларнинг иқтисодиёти асосан нефть ва газга қаттиқ қарам бўлганлиги сабабидан янги иш ўринларини яратиш жуда қийин кечмоқда, бу эса оқибатда иқтисодий глобаллашув жараёнидаги минтақавий интеграциянинг заифлигидан далолат беради. Ички минтақавий иқтисодий алоқаларни хам ижобий бахолаш қийин, давлатларнинг умумий экспортдаги ичкиминтақавий экспортнинг улуши атиги 3,3% ни ташкил этади. Охирги 10 йиллик ичида ушбу давлатларнинг экспорт тузилишидаги тенденцияси хам турли хил бўлган. Баъзи бир давлатлар ўзларининг бошқа

[17] МТЦ UNCTAD WTO 2008-2009.

сохадаги имкониятларга эга бўлганликларига қарамасдан барибир нефт ва газ экспортига боғланиб қолган бўлсаларда, баъзилари эса иқтисодиётни бошқа сохаларига шу жумладан қишлоқ хўжалиги, енгил саноат сохасини ривожлантиришга ва хизмат сохасини кенгайтиришга йўналишларини қаратмоқдалар.Халқаро бозорда ушбу давлатларнинг ўз мавқеига эга эмаслигининг яна бир жихати шундаки ушбу гурухдан жой олган Миср, Иордания, Тунис ва Марокаш мамвлакатларигина Жахон Савдо Ташкилотига кирганлар.Баъзи бир давлатларда хали хануз давлатнинг миллий иқтисодиётдаги аралашуви каттадир. Лекин хозирда мамлакатлар иқтисодиётидаги давлат сиёсатини қисқариб бориши ва асосий кучни хусусий секторга қаратилаётганлиги иқтисодётда эркинлик кузатилаётганлигидан дарак беради. Бу давлатларнинг миллий иқтисодиётидаги энг асосий муаммолари қуйидагилардан иборат;

а)Давлат сиёсатининг миллий иқтисодиётдаги қаттиқ аралашуви.

б)Нефт ва газга бўлган кучли қарамлилик.

в) Иш ўринларининг етишмаслиги.

г) Давлатлар орасидаги иқтисодий интеграцион жараённинг сустлиги.

д)Миллий иқтисодиётнинг диверсификациялашмаганлиги.

**Мамлакатларнинг 4та асосий иқтисодий йўналиш кўрсаткичлари**




**2.1.3-расм**

2.1.3-расм ёрдамида  давлатларнинг асосий иқтисодий йўналишларини тахлил қилиб кўрилса, қуйидаги натижаларга эришилади.Мамлакатлардаги иқтисодий холат биринчи гурух давлатларига нисбатан яхши ва бизнес сохасида фаолият олиб боришлик учун хам анча қулай хисобланади.

Иқтисодий холатни тахлил қиладиган бўлсак, бизга шу нарса аён бўладики Миср ва Тунисдаги халқаро савдо бошқа давлатларнинг кўрсаткичларига нисбатан юқори бўлса, Сурияда эса кредит билан боғлиқ муносабатлар салбий кўрсаткичга эга.

2.1.4-расмнинг тахлили шуни кўрсатадики,Жазоир ва Ливия ўзларининг кучли экспорт салохиятлари билан ажралиб турсаларда Фаластин,Миср хамда Ливан давлатларида эса товар ва бозорнинг суст марказлашганлиги намоён бўлмоқда, Тунисда эса аксинча бу холатлар ижобий тус  олган.

**Мамлакатларнинг 3та асосий экспорт товар ва бозор кўрсаткичлари.**




**2.1.4-расм**

Учинчи гурух мамлакатлари яъни Форс кўрфази араб давлатлари хамкорлиги Кенгаши (ФКАДХК) худудий интеграцион ташкилотига аъзо мамлакатлар юқорида тахлил қилинган гурух давлатлари ичида кескин суръатларда ривожланаётган давлатлар бўлиб хисобланадилар. Ушбу давлатлар ўзларининг жуда катта нефть ва газ захираларига эга бўлишлари билан бир қаторда нефть ва газ экспортидан миллий ғазналарига тушган нефтдоллари эвазига жон бошига тўғри келадиган ЯИМдаги улуши нафақат минтақада балки

жахон миқёсида хам юқори ўринларни эганлаганлар.

ФКАДХК давлатлари қисқа тарихий давр мобайнида чуқур ижтимоий-иқтисодий қолоқликдан чиқа олдилар ва бир қатор асосий кўрсаткичлар бўйича саноати ривожланган мамлакатлар даражасига яқинлашдилар. Ушбу мамлакатлар ижтимоий тараққиётида нефть ва нефть махсулотларининг ўрни беқиёс. Минтақадаги нефть ва газ конларининг интенсив ўзлаштирилиши мамлакатлар ҳаётини тубдан ўзгартириб юборди. Бир неча ўн миллиард доллар миқдордаги фойда, кенг миқёсли саноатлаштириш жараёнлари, энг янги технологияларнинг ишлаб чиқаришга жорий этилиши, замонавий инфратузилма тармоқларининг ривожланиши, жаҳон хўжалик тизимига интеграциялашув, халқаро майдонда ушбу мамлакатлар таъсирининг кучайиши, ташқи иқтисодий алоқаларнинг ўзига хос хусусиятлари ФКАДХК мамлакатлари энергетика ресурсларининг йирик захиралари билан узвий боғлиқ. Бу давлатларнинг бошқа гурух давлатлари қатори нефть ва газга боғлиқлик жихати хам анча юқори ва 90% экспортдан келадиган тушумлар айнан нефть ва газдан ташкил топган, чунки бу давлатларнинг географик холати бир бирига жуда яқин хамда худудининг аксар қисми чўл зоналаридан иборат бўлганлиги сабабли қишлоқ хўжалиги билан шуғулланиш имконияти жуда хам оздир.

**2.1.3-жадвал**

**ЯИМнинг Реал Ўсиш Қиймати (%)**

| | 2003 | 2004 | 2005 | 2006 | 2007 | 2008* |
|---|---|---|---|---|---|---|
| Бахрайн | 7.2 | 5.6 | 7.9 | 6.5 | 6.6 | 6.2 |
| Қувайт | 17.3 | 10.7 | 11.4 | 6.3 | 4.6 | 6.0 |
| Уммон | 2 | 5.3 | 6 | 6.8 | 6.4 | 7.4 |
| Қатар | 6.3 | 17.7 | 9.2 | 10.3 | 14.2 | 14.1 |
| Саудия Арабистони | 7.7 | 5.3 | 6.1 | 4.3 | 4.8 | 4.1 |
| БАА | 11.9 | 9.7 | 8.2 | 9.4 | 7.4 | 6.3 |

Манба: SESRIC, BASEIND Database; IMF, WEO Database, April 2008

ФКАДХКга аъзо мамлакатларнинг сўнги 10йил ичида миллий иқтисодиётнинг бир маромда кетаётганлиги кузатилмоқда.(2.1.3-жадвал)

Қуйидаги 2.1.5 -расмдаги холатни тахлил қилинадиган бўлса, халқаро савдода БААнинг кўрсаткичлари юқори бўлишига қарамасдан қолган

йўналишларда кредит олиш, ишлаб чиқариш хамда тадбиркорлик фаолияти акс холатни кўрсатмоқда. Энг яхши кўрсаткич Саудия Арабистонига тегишли, чунки бу давлат нефть экспорти бўйича энг юқори кўрсаткичга эга. Умумий холатни тахлил қилинадиган бўлса барча давлатларнинг иқтисодий нуқтаи назардан холатлари ижобийдир.

**Мамлакатларнинг 4та асосий иқтисодий йўналиш кўрсаткичлари**




**2.1.5-расм**

2.1.6-расмнинг тахлили шуни кўрсатадики,ФКАДХКга аъзо мамлакатларнинг барчаси кучли экспорт салохияти билан биргаликда товар ва бозорнинг яхши марказлашганлиги ҳам намоён бўлмоқда.

**Мамлакатларнинг 3та асосий экспорт товар ва бозор кўрсаткичлари.**




**2.1.6-расм**

Араб минтақаси нефть экспорт қилувчи мамлакатлари олдида турган мухим масалалардан бири бу-иқтисодиётдаги диверсификациядир. Ушбу давлатларнинг саноат ривожланишидаги мухим йўналиш бу- нефть кимёси ҳисобланади. Ушбу мамлакатлар нефть кимёсини ривожлантириш орқали қуйидаги вазифаларни ҳал этишга ҳаракат қилмоқдалар:

- ялпи ички махсулотда саноат секторининг улушини ошириш;
- саноат ишлаб чиқаришида маҳаллий хом ашёдан фойдаланишни кенгайтириш;
- нефть-газ ресурсларидан фойдаланишни самарадорлигини ошириш;
- нефтга боғлиқликни камайтириш;
- замонавий технологияларни ишлаб чиқаришга жорий этишни рағбатлантириш;

Мазкур мамлакатларда диверсификация жараёнларини яна бир йўлналиши электроэнергия соҳасидир. Бу тармоқни янада ривожлантириш зарурияти шу билан тушунтириладики, электр қуввати ишлаб чиқаришни доимий ошириб бормасдан туриб янги нефть-газ конларини узлаштириш ва самарали иқтисодий диверсификация жараёнларини таъминлаш мумкин эмас. Гарчи бу соҳада Саудия Арабистони, БАА ва Баҳрайнда муайян муваффақиятларга эришилган бўлса-да, электр қуввати ишлаб чиқариш иқтисодий эҳтиёжларидан анча орқада қолмоқда.

Араб минтақаси нефть экспорт қилувчи мамлакатларининг ўзак тармоқларидан кейингиси чучук сув ишлаб чиқаришдан иборат. Чучук сув ишлаб чиқариш нафақат мамлакатлар аҳолиси учун ҳаётий мухим зарурият, балки саноат ва қишлоқ хўжалиги тармоқларининг самарали фаолият кўрсатиши учун асос бўлиб ҳисобланади. Чучук сувнинг табиий ресурслари чекланганлиги муносабати билан ягона йўл денгиз сувини қайта ишлашдир. Шундай қилиб, Араб минтақаси нефть экспорт қилувчи мамлакатлари иқтисодиётини диверсификациялашнинг асосий йўналишлари сифатида қуйидагиларни ажратиб кўрсатиш мумкин:

- нефть кимёси саноатини ривожлантириш;

- электр қуввати ишлаб чиқариш ҳажмини босқичма-босқич ва мунтазам ошириб бориш;
- чучук сув ишлаб чиқаришни кенгайтириш;
- қишлоқ хўжалик тармоғини ривожлантириш ва бошқалар;

Шу билан бир қаторда нефть сотишдан тушган йирик маблағларни маҳаллий меҳнат ресурслари малакасини ошириш ва мамлакат интеллектуал салохиятини юксалтиришга сарфлаш энг мухим масалалардандир. Негаки, айнан шу асосда замонавий техника ва технологиялар ишлаб чиқариш, электроника, электротехника сингари илғор ва илмталаб саноат тармокларини ривожлантиришга эришиш мумкин, холос. Жаҳонда глобаллашув ва халқаро интеграция жараёнлари кучайиб бораётган бир вақтда ушбу саноат тармоқларини ривожлантирмасдан туриб жаҳон хўжалик тизимида муносиб ўрин эгаллаш мумкин эмас.2008 йилда юз берган жахон молиявий-иқтисодий инқирозга қадар энергоресурсларга хоссатан нефть ва газга бўлган талабнинг ортиши, натижада жахон нефть бозоридаги нархларнинг кескин кўтарилиши айниқса Саудия Арабистони қироллигининг асосий иқтисодий холати ва кўрсатгичларига ижобий таъсир кўрсатди. (2.1.4-жадвал)

**2.1.4-жадвал.**

**Саудия Арабистони Қироллигининг асосий иқтисодий кўрсаткичлари**

| | 2004 й | 2005 й | 2006 й | 2007 й | 2008й |
|---|---|---|---|---|---|
| Жорий бохоларда ЯИМ (млрд риёл) | 250.7 | 315.8 | 349.1 | 376.0 | 464.4 |
| ЯИМжонбошига(млрдАҚШ) | 11127 | 13658 | 14733 | 15481 | 18655 |
| ЯИМ хақиқий ўсиши (%) | 2.9 | 3.4 | 1.8 | 1.6 | 2.2 |
| Инфляция (%) | 0.4 | 0.6 | 2.3 | 4.1 | 6.2 |
| Аҳоли (млн) | 22.5 | 23.1 | 23.7 | 24.3 | 24.9 |
| Товар экспорти (млн АҚШ $) | 112687 | 156967 | 189578 | 199610 | 311000 |
| Товар импорти (млн АҚШ $) | 44745 | 59509 | 70334 | 91341 | 92000 |
| Аҳоли сони (млн киши) | - | 25.3 | 27 | 27.6 | 28,14 |
| Ишсизлик даражаси (% ) | - | 11.90 | 12.50 | 6.3 | 8.8 |
| Бюджетнинг даромадлар банди (млрд. АҚШ ) | - | 54.40 | 70.35 | 193.7 | 293 |
| Бюджетнинг харажатлар банди (млрд. АҚШ) | - | 60.00 | 64.10 | 122.2 | 136 |

Манба:. *www.cia.gov маълумоти

Саудия Арабистони Қироллиги араб оламидаги энг йирик давлатлардан биридир. Унинг худудининг 90 фоизини =умлик, сахро =оплаган, бу сахро =арида мамлакатнинг асосий бойлиги бўлмиш катта нефт захиралари мавжуд. Нафақат Араб минтакаси мамлакатлари, балки жахонда нефть қазиб олиш бўйича биринчи ўринни Саудия Арабистони эгаллайди.

Мамлакатнинг и=тисодий ривожланиши 1933-йилдан бошланди.
Ўша пайтда "Стандарт Ойл компани оф Калифорния" номли Америка компанияси Форс кўрфази сохилидаги катта худудда нефт излаш ва =идириб топишга консессия (рухсат) олди. 1935-йилда компания бу жойдан нефт топди. Ўша йили "Нефт =азиб чи=ариш бўйича араб-америка компанияси" (АРАМКО) ташкил этилди, 1939-йилдан дунёдаги энг бой ва сердаромад нефт конларини саноат асосида ишлаб чи=иш бошланди.[18] Саудия Арабистони жахоннинг глобаллаштириш жараёнига =ўшилди.

АРАМКО - араб-америка нефт компанияси 1933-йилда АҚШнинг энг йирик нефт компаниялари томонидан Саудия Арабистони нефт конларини ўзлаштириш учун ташкил этилган. 1973-йилдан Саудия Арабистони хукумати унинг акцияларини аста-секин сотиб ола бошлади ва 1980-йилдан АРАМКОнинг ягона эгасига айланди.

Саудия Арабистони иқтисодиётининг бир томонлама нефть қазиб олиш саноатига асосланганлиги унинг дунё бозоридаги нефть нархининг ўзгаришига таъсирчанлигини оширади. Иккинчидан, нефть заҳиралари барча минерал хом ашё ресурслари каби чегараланган. Баъзи бир нефть қазиб олувчи араб мамлакатларида нефть қазиб олиш ҳажми пасайиб бормоқда. Шу муносабат билан Саудия Арабистони ҳукумати 80-йилларнинг охиридан бошлаб миллий иқтисодиётни кўп тармоқли яъни диверсификация йўналишида ривожлантиришга катта эътибор қаратди.

Шуни таъкидлашжоизки, 80-90-йиллардайирик инвестицияларнинг катта қисми иқтисодиётнинг замонавий тармоқлари, шу жумладан, кайта ишловчи саноат, қишлоқ хўжалиги, замонавий инфратузилма барпо этиш ва кенг

[18] www.saudiaramco.com

ижтимоий дастурларни амалга ошириш хиссасига тўғри келади.

Саудия Арабистонида қишлоқ хўжалиги ривожланишига алохида эътибор берилади. Саудия хукумати мамлакатни ривожланган аграр секторига эга мамлакатга айлантириш учун интилмоқдалар. Саудия Арабистонида экин майдонлари кенгаймокда, қишлоқ хўжалик махсулотлари ишлаб чқкариш эса йилдан йилга кўпаймоқда.

Шуни таъкидлаш лозимки, мамлакатда йирик корхоналар билан бирга кичик ва ўрта корхоналар ривожланишига алохида эътибор қаратилмокда. Қироликда кичик ва ўрта бизнес эндиликда узоқ ва барқарор ривожланиши мумкин. Мамлакат қайта ишловчи саноати барча корхоналарнинг деярли 80 фоизи кичик ва ўрта корхоналардир.

Давлат хусусий секторга катта ёрдам кўрсатади. У хусусий секторга хориждан хамкор ва технология танлашда тўлиқ эркинлик беради, фоизсиз кредитлар тақдим этади. Бу кредитлар лойиҳа қийматининг ярмигача етиши мумкин. Қўшма тадбиркорликни рағбатлантирувчи чора-тадбирлар қабул килинган, агар Саудия капиталининг қўшма лойихадаги улуши 25 фоиздан кам бўлса, у холда у 10 йил давомида солиқдан озод қилинади. Ер ижарасининг қйимати, электр куввати ва сувга, шунингдек, ёқилғига бўлган тўлов миқдори хам юқори эмас.

Хозирги даврда Саудия Арабистони иқтисодиётини асосини хусусий тадбиркорлик ташкил этади. Шу аснода хукумат иқтисоий фаолиятининг асосий соҳалари устидан назоратни амалга оширади. Саудия Арабистони ОПЕК да етакчи ўринни эгаллайди. Исботланган нефт заҳиралари 261.7 млрд. баррел ёки 35 млрд т, табий газ эса тахминан 6.339 трлн. куб. М.ни ташкил этади. Мамлакат учун нефт экспортидан тушадиган даромаднинг 90 % ни, давлат даромадининг 75 % ни ҳамда ЯИМ нинг 35 – 45% ни беради.[19] ЯИМ нинг тахминан 25 % и хусусий сектордан келиб тушади.

Саудия Арабистонининг иқтисодиёти аралаш типда бўлиб, ҳам давлат сектори, ҳам хусусий сектор иқтисодиёти муҳим роль ўйнайди. Нефть қазиб олиш ва уни экспорт қилиш миллий хўжаликнинг энг катта қисмини ташкил этади. 1970

[19] www.oapec.org

йиллардан ҳозиргача мамлакат ривожланиши 5 йиллик режалар асосида амалга оширилиб келинмоқда. Саудия Арабистонида аниқланган нефть заҳираси 261,7 млрд. баррел (1 баррел 159 литрга тенг)ни, яъни бутун жаҳон нефть заҳирасининг 1/4 қисмини ташкил этади. 2001 йил нефть қазиб чиқазиш 8,711 миллион баррель ташкил этган. [20] Мамлакатда замонавий қайта ишлайдиган саноат соҳалари нефть буми энг авжга чиққан бир пайтда вужудга келди. 1981-1999 йиллар давомида ЯИМдаги нефть тармоғи 31 %дан 66 % гача ўсди.

Газ заҳираси 6.339 триллион м$^3$ни, ишлаб чиқазиш 53,69 м$^3$ миллиард (2001 й) ташкил қилган.[21] Бу кўрсаткич бўйича эса мамлакат жаҳонда Россия, Эрон, Қатар ва БААдан кейинги 5 ўринда туради. Нефтнинг катта қисми Форс Кўрфази орқали экспорт қилинади.

Нефт концессияларининг энг йирик сақловчиси ҳамда нефтнинг асосий ишлаб чиқарувчиси бўлиб АРАМКО ҳисобланади. 1970 йил бошларидан бери у Саудия Арабистони ҳукуматининг назорати остидадир, бунгача эса бутунлигича Америка компаниялари консерциулига қарар эди. Компания 1933 йили концесияни олди ва 1938 йили нефт экспорт қилишни бошлади. Бунга Рас – Тонур бандаргоҳида нефтни қайта ишлаш заводининг қурилиши туртки бўлди. Нефт қазиб олиш бора – бора кўпайди. У 1944 йили 2700 т/кун дан 1947 йили 33.500 т/кун, 1949 йили эса 68100 т/кун ни ташкил этди. 1992 йили кунига 1.15 млн, т атрофида қазиб олинган, шу билан бирга қазиб олишнинг 97 % и АРАМКОга тўғри келган.[22] Нефтни қазиб олиш бошқа кичикроқ компаниялар томонидан ҳам амалга оширилади. Улар жумласига, Қувайт чегараси яқинидаги қирғоқ олди сувларида фаолият олиб борувчи Японларнинг “Арабиан ойл компания”си ҳамда Қувайт билан чегара туманлардаги қуруқликларда қазиб олишни амалга оширувчи “Гетти ойл компания” ни киритсак бўлади. 1996 йили Саудия Арабистони учун ОПЕК томонидан аниқланган квота кунига 1.17 млн, т нинг ташкил этди. 2001 йилда қазиб олишнинг ўртача миқдори 8.6 млн. баррел /кун ни ташкил этди. Бундан ташқари, у кунига қўшимча 600 минг баррел нефт

[20] The World Factbook/CIA/Saudia Arabia.org
[21] The World Factbook/CIA/Saudia Arabia.org
[22] www.oapecorg.org

қазиб олиш имконини бераётган Қувайт билан чегарада жойлашган “бетараф худуд” захираларидан ҳам фойдаланилади. Йирик нефт конлари мамлакатнинг шарқий қисмида форс кўрфази қирғоқларида ёки шельфда жойлашган.

Асосий нефтни қайта ишлаш заводлари: АРАМКО - Рас Ғанура (қуввати – 300 минг баррел / кун), Рибич (325 минг баррел / кун), Янбу (190 минг баррел /кун), Риёб (140 минг баррел / кун), Жидда (42 минг баррел /кун); АРАМКО – Мобил – Янбу (332 минг баррел /кун), Petromin / Shell – ал – жубейл (292 минг баррел / кун), Arabion Oil company – Рас – Al – хафжи (30 минг баррел / кун).[23]

Арамко ва Саудия Арабистони ўртасидаги яқин ва ўзаро манфаатли алоқалари нефт саноатини ривожлантиришнинг асосий омили бўлиб ҳисобланади. АРАМКО нинг нефт фаолияти натижасида мамлакатда малакали кадрлар оқими бўлиб келди ҳамда Саудияликлар учун янги иш ўринлари очилди.

1972 йилда Саудия Арабистони ҳукумати ва нефт компаниялари ўртасидаги муносабатларда сезиларли ўзгаришлар бошланди, томонларнинг имзоланган келишувларига мувофиқ равишда хукумат АРАМКО нинг 25 % мулкини олди. 1982 йилгача Саудия Арабистони улуши 51% гача кўтарилиши олинди. Лекин, 1974 йили хукумат бу жараённи тезлаштириб юборди ва АРАМКО акцияларининг 60 % ни қўлига олди. 1976 йилда нефт компаниялари АРАМКО нинг бутун мулкини Саудия Арабистонга беришга ваъда беришди. 1980 йилда АРАМКО нинг бутун мулки Саудия Арабистони хукуматига ўтди. 1984 йилда компаниянинг президенти бўлиб, биринчи марта Саудия Арабистонининг фуқароси тайинланди. 1980 йилда Саудия Арабистони хукумати нефтнинг нархи сотиб олиш ҳажмини мустақил аниқлай бошлади, нефт компанияларига эса хукуматнинг субпудрачиси сифатида нефт конларини тадқиқ қилиш ҳуқуқи берилди.

Хозирда мамлакат саноатининг ЯИМдаги улуши 47 % ни ташкил этади. 1997 йили саноат ишлаб чиқаришнинг ўсиши 1 % ни ташкил этган. Илгари Саудия Арабистонининг саноати кам ривожланган эди, хусусан нефтнинг қазиб

---

[23] www.saudiaramco.com

олиш ва қайта ишлаш билан боғлиқ бўлмаган соҳалар 1962 йили нефт ва минерал ресурслар Бош хукумат ташкилоти тузилган эди.[24] Унинг вазифасига нефт ва тоғ – кон саноати ривожлантириш, шунингдек ялпи нефт, тоғ – кон ва металургия корхоналарини тузиш киради.

1975 йили саноат ва энергетика вазирлиги ташкил қилинди, унга нефтни қазиб олиш ва қайта ишлаш билан боғлиқ бўлмаган ПЕТРОЛИН корхонаси учун жавобгарлик юклатилди. ПЕТРОЛИНнинг йирик лойхалари бўлиб, 1968 йилда қурилган Жиддадаги пўлат қуйиш заводи, ҳамда 1960 йил охирлари ва 1970 йил бошларида қурилган Жидда ва Ар – Риёддаги нефтни қайта ишлаш заводлари хисобланади. ПЕТРОЛИН шунингдек, 1970 йили Даммада битказилган азот ўғитлари заводи қурилишида воситаларнинг 51 % ни берган.

1976 йили Саудия Арабистони оғир саноат ҳукумат корпорацияси ташкил этилган. Бу холдинг компаниянинг низом жамғармаси 2.66 млрд доллар бўлган. 1994 йили САБИК га Ал – Жубайл, Янбо ва Жиддадаги 15 та йирик кимёвий воситалар, пластмасса, саноат гази, пўлат ва бошқа металларни ишлаб чиқарувчи корхоналар тегишли бўлган.[25] Саудия Арабистонида озиқ – овқат, шишасозлик, хунармандчилик ишлаб чиқариши, қурилиш материаллари, хусусан цемент ишлаб чиқариш каби саноатнинг тармоқлари яхши ривожланган.

Қисқа муддатда иқтисодий тузилмалари белгилаш заруриятидан келиб чиқиб,давлатнинг нефтдан олган даромадларидан имкон қадар самарали фойдаланиш керак эди. Иқтисодиётнинг барча тармоқларини тенг ривожлантиришга оид дастлабки ғоя ишчи кучи етишмаслиги, инфратузилманинг бўшлиги ва миллий бозорнинг кучсизлигини хисобга олиб рад этилди. Дастлабки босқичларда нефт кимё имкониятларини кенгайтириш, иқтисодий ислоҳотларнинг валюта асосини таъминлаш мақсадида хорижий, айниқса Япония ва Америка компаниялари копиталидан фаол фойдаланиш. Бунда оғир саноат – нефткимё, нефтни қайта ишлаш, металлургия ва қурилиш саноатларини ривожлантиришга устиворлик берилди. Дастлабки икки – беш

[24] Arab News/ 20 years of King Fahd, nov.2002
[25] www.sabic.com

йиллик давомида мамлакатда бутн дунё давлатлари билан боғланган замонавий инфротузилма, телекомуникациялар, шунингдек оғир саноатнинг – нефт кимё, қурилиш, енгил ва озиқ – овқат соҳаларининг ривожлантирилган объектлари қуришга туширилди.

Навбатдаги беш йиллик режаси (2000 – 2005йиллар) асосий мақсадлари қаторида мамлакатнинг жахон бозорида нафақат хом нефт ишлаб чиқарувчи сифатида, балки нефт саноати махсулотлари ишлаб чиқарувчи суфатидаги ролини, ижтимоий – иқтисодий ривожланишида хусусий сектор улушини кучайтиришга қаратилган.[26]

Замонавий жахон иқтисодиётининг ўзгариб бораётган ички ва ташқи шарт – шароитлари Яқин Шарқнинг Саудия Арабистони каби йирик давлатининг ижтимоий – иқтисодий ривожида ҳам таъсир кўрсатади. Саудия Арабистони замонавий иқтисод стратегиянинг мақсади – мамлакатнинг шаклланиб келаётган янги жаҳон иқтисодиёти тизимига ички барқарорлик ва ижтимоий муносибликни сақлаган холда киришини таъминлашдан иборат. Дунёда энг катта нефт ишлаб чиқарувчи давлат бўлган Саудия Арабистони улкан ўзгаришлар қаршисида турди. 2006 йилда мамлакат ЯИМ 148 млрд. долларни ташкил этди. Аҳоли жон бошига тўғри келувчи йиллик ЯММ 6910 долларни ташкил этди. ЯИМ нинг ўсиш суръати сўнги йилларда 1.5 – 2.0%ни ташкил қилди.[27]

Аҳолининг 4 % суръат билан ўсишини таъминлаш учун ЯИМ ни 6% суръат билан ортиб бориши шарт. Вазиятни ижобий тарафга ўзгартириш мақсадида Саудия Арабистони иқтисодиётини ғарб капитали учун очиб боришга қарор қилди. Ушбу ҳол билан боғлиқ равишда хорижий сармояларни жалб қилиш учун қулай шарт – шароит яратиш мақсадида янги қонун ва бошқа ҳужжатлар қабул қилинди. 2001 йилнинг май ойида қабул қилинган сармояларга оид янги қонун хорижий сармоядорлар учун бутунлай янги имкониятлар яратди. Мисол учун, яқин – яқингача мамлакат худудида хорижий корхона фаолиятига фақат саудиялик ҳомий иштирокида рухсат этилиб, бунда

[26] www.saudi.polpred.ru/
[27] www.saudi.polpred.ru/

хорижлик ҳамкорлар улуши 49 % дан ортмаслиги керак бўлган энди бундай ёндашувга барҳам берилади. Саудия Арабистонида 100 % хорижий капитал иштирокидаги фирмалар очишга рухсат берилиб, хориж капитали қатнашган корхоналар учун даромад солиғи 45 % дан 30 % га тушди. [28]

Сўнги йиллар ичида жаҳон нефт бозорида конъюнктуранинг ўзгариши Саудия Арабистони учун жуда катта даромад олиб келмоқда. Нефтнинг нархи бу даврда 28 $ дан 120 $ гача ортди. Бу мамлакат бюджетига катта даромад келиши, жумладан 2003 – 2006 йиллардан кўп бюджет даромадлари ккки мартадан ортишига олиб келди. [29]

Саудия Арабистони 25 йил мобайнида ижтимоий – иқтисодий ислоҳотлар туфайли XX охирига давлат ва жамият ўз ривожланишида катта қадам қўйиб ва кўп кўрсаткичлар бўйича саноати ривожланган давлатларга яқинлашиб туб трансформацияни бошдан кечирди.

Нефт “нефть амирлиги” деб номланган давлатнинг замонавий холатини аниқлаб беради ва бу учун асос ҳам мавжуд. 2000 йилни бошида қазиб олинаётган нефт заҳиралари 25.9 % ни ташкил қилади. Таққослаш учун: жаҳон нефт захираларидан Ироқнинг нефт захиралари – 9.9 % ни Қувайтнинг – 9.6 % ни, Бирлашган Араб Амирлигининг – 9.1 % ни, Эроннинг – 8.8 % ни, Венесуэлланинг – 6.4 % ни, Россиянинг – 4.9 % ни ташкил қилади. [30]

Экспертлар ҳисоблари бўйича мавжуд бўлган қазиб олиш даражасида (кунига 7 млн баррел ) заҳиралар 84 йилга етади, масалан, Қувайт кунига 1млн баррелдан камроқ қазиб олади, унинг заҳиралари 100 йилга етади. Шуни ҳам такидлаш керакки, подшоҳликда газ заҳиралари ҳам мавжуд, унинг хажми 53 000 млрд. куб метр, бу эса жахон захираларининг 3.8 % ни ташкил қилади. Аммо бу Саудияликлар учун ер остидан отилиб чиқаётган нефт доллоларини санаб ўтириш дегани эмас, гап шундаки, Америка нефт компанияларини узоқ муддатли эгалиги энг рентабеллиги Саудия Гавар, Абкаин, Барри ва бошқа енгил ва ўрта нефт конларини тез тугашига олиб келди. Энг йирик АРАМКО

[28] www.saudi.polpred.ru/
[29] www.saudi.polpred.ru/
[30] opec.org

нефт компаниясининг миллийлаштирилганидан сўнг Америка мутахассислари 70 – йилларидаги кунига 9 млн. баррелдан ортиқ қазиб олиш даражаси сақланиб қолинганда Подшоҳликнинг нефт заҳираларининг тугаши 36 йилдан сўнг, 12 млн. баррелда эса 15 – 20 йилдан сўнг тугашини тан олишди. Бу эса қироллик нефт сиёсатини қайта кўриб чиқишга ва нефт қазиб олиш даражасини барқарорлаштиришга олиб келди.

Аммо Саудияликлар ҳар доим ҳам ОПЕК қироллик учун белгиланган ҳажмга амал қилишмайди. Масалан : 90 йилларда Саудия квотаси 8 млн. баррелни, аслида эса 8.05 баррел қазиб олинди, 1997 йилда квота 8.76 млн баррелгача 1998 йилида эса Саудияликлар даражани 8.023 млн. баррел тушишига рози бўлишди, лекин 8.2 млн. қазиб олинади. 1990 йил март ойида квота 7.438 млн. ташкил қилди, аслида эса 7.65 млн. ташкил қилди.[31]

Давлат бутун нефтни хўжалигини ўз назорати остида сақлайди, нефтдан киримлар давлатнинг асосий даромадини ташкил этади. Уларни умумий хажмидагини 147 млрд, Саудия реалидан нефт сектори 100 млрдни, нефт бўлмаган секторлари эса 47 млрдни ташкил этади.

Нефт омилининг салбий ва ижобий томонлари маълум экспорт ҳажмида нефт ва унинг ҳиссаларининг умумий 85 % ни ташкил қилади, шунинг учун жаҳон нефт бозоридаги ўзгаришлар бутун Саудия иқтисодиётида ўз аксини топади. Нефт даромадларининг ҳажми 1980 йилдаги 105.8 млрд. АҚШ доллар, 1985 йилда 24.2 млрд тушди. 1990 йилда 40.7 млрдгача ўсди ва 1990 йиллар охирига 48.5 млрд. АҚШ доллар даражасида ўсди. Давлат сектори хусусийлаштириш ишлари мавжуд, аммо бундай режа Саудия АРАМКО асосий нефт компаниясига қаратилмаган. Узоқ муддатли нефт сиёсатини ишлаб чиқарилган амалга ошириш учун йирик маблағлар керак. Мавжуд бўлган қазиб чиқариш даражасини йўқотмаслик учун ва ярим орол марказида очилган янги конларни ишлатиш катта самарани ташкил қилади. Шу билан бир пайтда нефть қазиб олиш соҳасида молиявий томондан аҳамиятга эга бўлиб турган холда тез ривожланаётган нефть корҳоналари олдида етакчи позицияларни йўқотмоқда.

---

[31] www.saudi.polpred.ru/

Туб ислоҳотлар даврида 1976 йилда ташкил қилинган САБИК йирик саноат корпорацияси муҳим регионал саноат марказига айланди. Унинг корхоналарида 14.2 минг одам ишлайди, улар 70%аҳолини ташкил қилади. Унинг Жебайн ва Янбо саноат зоналаридаги фаолияти режалаштирилгандек йирик бўлмади, аммо САБИК корхоналаридаги саноат маҳсулоти ҳажми ва унинг фаолиятида тутган даромад уни етакчи хўжалик субъектига айлантирди. 1990 йиллар бошида САБИК амалга оширилган 17 йирик лойиҳадан (нефть, химия, маҳсулоти ва металлургия маҳсулотини ишлаб чикаради) фақат 2 нефть химия заводлари Саудия Арабистонга қарашли (1-давлат, 2-хусусий) САБИКнинг 33 корхонасининг 24 ишлаб чикаришнинг умумий ҳажми 1998 йилда 24 млн ташкил қилади. [32]Махсулот 90дан ортиқ давлатларга жўнатилади. Ички бозор имкониятлари чекланган аммо Саудияликлар нефть химия жаҳон бозорида аниқ ўринни кўзда тутишади, албатта ижтимоий конъюктура ўзгартиришини ҳисобга олган холда. САБИК махсулотини сотиб оладиган асосий Америка ҳамкорлигига ўриндош топиш жуда қийин бўлади. Аммо Яқин Шаркда саудияликлар биринчи беш йиллигида 3та асосий максад қўйилган эди:

- ЯИМ хажмини кўпайтириш;
- Инсон ресурсларини ривожлантириш;
- Миллий иқтисодиётни диверсификацияси;

Чорак аср ўтгандан сўнг бу маҳсулотлар амалга ошганини тасдикласак бўлади, ЯИМ ҳажми 22.9 млрд саудия реалидан (70- йил) 524.7 млрд с.р. га (80- йилда) ўсди.

Саудияликлар фақат чет эл  ишчиларини кенг мақсадда таклиф қилиб ривожланиш мақсадида эдилар. Саудия режалаштириш вазирлиги ҳисоботи бўйича 2007 йилни оҳирига амирликни аҳолини сони 27.6 млн кишидан иборат, булардан саудияликлар 74.8% ни ташкил қилади.[33]

Хорижий ишчиларни улуши бутун Саудия ишчи кучини чорагини ташкил қилса ҳам, замонавий иқтисодий ҳаёт жараёнига туб аҳамиятни йирик қисми

---

[32] www.sabic.com

[33] www.mena.org.eg/

қўйилган шунга қарамасдан фақат давлат корхонаси миллий кадрлар билан таминланган. Миллий иктисодиётда диверсификатция юз берди, аммо бу жараён охиригача олиб борилмади.

Миллий хўжалик структурасида чорак аср ичида ўзгаришлар мавжуд. ЯИМда нефть секторининг аҳамияти 50-йиллардаги 54%дан 98-йилда 34%га тушди. Замонавий нефть ишлаб чиқариш ва бошқа нефть алоқаси бўлмаган соҳалар пайдо бўлди. Молиявий сектор аҳамияти бўйича нефтьдан кейин 2-ўринда бўлиб жадал ривожланади. 11-тижорат банки вужудга келди (улар мамлакат бўйича 1200 бўлимга эга, чорак аср олдин 70та эди).

Туб ислохатлар бошланғич даврида Саудия Арабистони нефть ислохотларидан тўла фойдаланилади. Молиявий маблағларни тўхтовсиз ошаётган оқими давлат раҳбарларида бу даромад манбалари хақида ва Арабистонга ғарб иқтисодиётини айрим қисмлари тўғридан тўғри ўтказишни имконияти тўғрисида нотўғри таасаввур туғдирди. Жадаллашган индустриализация, урбанизация ва ахолининг турмуш даражасини ошиши – булар ҳаммаси сув ресурслари муаммосини янада кескинлаштиради. Қиролликдаги чучук сув заҳиралари 2007 йилда хар бирини сони 124 метр деб ҳисобланади, Жазоирда 483л, Иордания -158л, Яман-260л, БАА-259л. Давлат раҳбарлари келажакдаги иктисодий ривожланишнинг тўғрисида ўз тасаввурини ўзгартиришга мажбур бўлдилар. Ҳамма давлат иқтисодий лойиҳаларга харажатлар камайтирилди, режалар қисқарди, тежам тартиби кучайди. 1990 йил нефтга булган нархнинг тушиши ва даромадларнинг қисқариши, ва кўрфаздаги бўлган урушнинг таъсири давлат молиявий холатини ёмонлашиб кетиши, ҳамда лойихалар хажмига ва ривожланишига стратегиясига ўз таъсирини кўрсатди. 70- йиллар ўртасидан бошлаб давлат ишлаб чикариш секторига хусусий Саудия капиталини жалб қилиш бўйича ўз ҳаракатларини фаоллаштирди. Давлат ривожланишида, уни саноатлаштиришда, янги навбатдаги давр бошланади. 2007 йил давлатдаги 7105-саноат корхоналари мавжуд эди, уларда ишлаётганларни сони 1027-минг капитал қўйиш хажми 630-млрд Саудия реалини ташкил қилар эди, компанияни ¾ қисми қўшма корхоналар ташкил

қиладилар.Саноат ривожланишининг янги маркази Жанубий ва Янбо бўлиб қолди, САБИК қисман хусусийлаштирилди 30% Саудиялик хусусий мулкдорларга берилган хусусий капитал инфротузилма лойиҳаларини амалга оширишда бевосита иштирок этади. Шунга қармасдан бу саноат минтакаларни ривожланиши назоратини махсус қироллик комиссияси амалга оширилади Давлат сармоялари асосий оқими ҳам шу ерга жўнатилади. Саноатдаги нефтьга боғлиқ бўлган сектор, ўз ичига 26000 компанияни қамраб олган бўлиб 2005 йилда 7% ўсишга эришди. У мамлакат ахолиси 27% ни иш ўринлари билан таминлайди. [34]

Охирги бир неча йил ичида хусусий капитал энг замонавий саноат соҳаларида фаол қатнашмоқда . Нефтдолларлар қисқа муддат ичида илмий – техник ривожланишида яхши кўрсаткичларга эришишга сабаб бўлди. Саудияликларни ривожланаётган давлатлар даражасида қолмаслик нияти кўрсаткичи бу – АҚШ ва Тайванга тақлид қилиб 90-йиллар бир нечта технопаркларни ташкил қилишини айтса бўлади. Компютер йиғадиган завод ишга тушди. Амир Абдулазиз номидаги технопаркда Интернет тармоғини Подшохлик хаётини хамма сохаларга киришига алоҳида эътибор беришади. 1999 йил сентябрда М. Лакомб, Майкрософт рахбарлигидан, бири ҳукумат билан араб тилидаги компютер тармоғини ривожлантиришни ҳукумат муассасаларга теҳник ёрдам кўрсатиш тўғрисида битим тузишди.

XXI асрнинг биринчи ўн йиллигида газ ишлаб чиқариш сезиларли даражада ўсиши мумкин.. бунга эса потшохлик томонидан қабул қилинган ёқилғи энергетика балансида газ салмоғини сезиларли даражада ошириш тўғрисидаги дастур ижобий таъсир кўрсатади.

Саудия Арабистонида ёқилғи саноати миллий иқтисодиётнинг асосини ташкил қилади, бюджет тушумларининг асосий манбаи хисобланади. ХВФ хисоб китобларга кўра, унинг ҳиссасига Саудия Арабистонида ялпи ички махсулотнинг 25.3 млрд доллар валюта тушуми келтирилган. Бу жами

[34] www.sabic.com

тушумларнинг 79.8 фоизи демакдир.[35]

Саудия Арабистонидаги ялпи ички махсулот ва давлат бюджети шаклланишининг нефт маҳсулотларига боғлиқ бўлиш Ушбу мамлакат иқтисодиётини, шу жумладан, саноат ишлаб чиқариш тараққиётини жаҳон нефт ва нефт махсулотларига таъсирчанлигини оширади. Бу эса мамлакатда истиқбол режаларини ишлаб чиқишда, ахолини даромадлари ва ижтимоий соха ривожланишини башоратлашда муаян қийинчиликларни келтириб чиқаради.

Маълумки мамлакатда мавжуд йирик углеводород ресурслари захираларини ҳисобга олганда саноат ривожланишининг муҳим йўналиши нефт кимёси ҳисобланади. Саудия Арабистонида нефт кимёсини ривожлантириш орқали қуйидаги мақсадларга эришишни кўзда тутади:

- саноат секторини ялпи ички махсулотдаги улушни ошириш;
- саноат ишлаб чиқаришда маҳаллий хом ашёдан фойдаланишни кенгайтириш;
- углеводород ресурсларидан олинадиган иқтисодий самарани ошириш;
- нефтга боғлиқликни камайтириш;
- энг янги технологияларни амалиётга жорий этишга ёрдам кўрсатиш ва бошқалар;

Мазкур сохада Саудия фаолияти корсатаётган 24 корхонадан 15 таси тўлиқ ёки қисман САБИК давлат консернига тегишли бўлиб, унинг лайза қуввати 21.5 млн дан ортиқ турдаги махсулотлар ишлаб чиқаради.[36]

Гарчи нефт сотишдан олинган йирик экспорт даромадлари туфайли нефт кимёси маҳсулотларининг нисбий кўрсаткичи жуда кичик бўлсада, ривожланаётган мамлакат учун мутлоқ миқдорда анча катта кўрсаткич хисобланади..

Саудия Арабистони иқтисодий тараққиётининг асосини ташкил этувчи тамойиллардан бири фақат нефтга асосланган эмас, балки нефтга асосланган турли хил кўп тармоқли ишлаб чиқариш базасини ривожлантиришдир. Саудия

[35] www.imf.org
[36] www.sabic.com

Арабистони бозор муносабатлари интеграцион жараёнлар, хусусий секторнинг нефт соҳаси бўлмаган секторидан энг аввало озиқ – овқат, тўқимачилик, металга ишлов бериш саноати ривожланишига йўналтириш қулай истиқболига эга бўлди.

Саудия Арабистони жуда қисқа муддат мобайнида ижтимоий иқтисодий қолоқликдан бир қатор иқтисодий кўрсаткичлар, хусусан ялпи ички махсулот хажми ва унинг жон бошига тўғри келиши, киши бошига ишлаб чиқарилган саноат махсулотлари хажми, саноат махсулотлари экспорт хажми бўйича ривожланган мамлакатлар даражасига яқинлашди. Бироқ бу кўрсаткичлар мамлакат саноат тараққиёти тўғрисида тўлиқ тасаввур бермайди. Саудия нефт ва газ омили эвазига эришди.

## 2.2. Глобаллашув шароитида Саудия Арабистони Қироллигининг жаҳон нефть бозоридаги ривожланиш тахлиллари.

Инсоният мавжуд бўлар экан, унинг кундалик эҳтиёжларини қондириш, билан бирга, ёқилғи–энергетика бозорларини шакллантириш ҳамда уларнинг ривожланиш истиқболларини ўрганиш зарурий жараёнлардан бири ҳисобланади. Бу нефть ва газ ўрнини тўлиқ босувчи моддалар иқтисодиётда тўлиқ қўлланилмагунига қадар давом этади. Ҳозирча бу жараён юз бермаган экан, яъни иқтисодиётда нефть, газ ва нефть маҳсулотларига эҳтиёж сезиларкан, бу бозорнинг ривожланиш истиқболларни ўрганишга бўлган ҳаракатлар давом этаверади.

Нефть бозорининг жаҳон иқтисодиётининг иштирокчиси сифатида ҳеч қандай келажаги йўқлиги XIX асрнинг бошлариданоқ баъзи иқтисодчилар тамонидан башорат қилинган. Бундай башоратчиларнинг муҳим далилларидан бири жаҳон нефть бозорининг асосий воситаси яъни нефть заҳираларининг яқин келажакда тугашлиги эди. Бундай кескин фикрларни биринчилардан бўлиб, АҚШнинг Огайо штати бош геологи Жон Ньюбер билдирган. Унинг баёнотида жаҳон нефть заҳираларининг тугаб бораётганлиги таъкидланган. Бундай баёнотлардан жаҳон фонд бозорида шов – шув кўтарилиб, ўша

даврнинг йирик нефть қазиб олувчи компанияси ҳисобланган Standart oil нинг бош менеджери ўз акцияларини сотиб юборган. Бундай ҳолатни яна кўплаб компания бошқарувчилари такрорлаганларининг гувоҳи бўлганлар, ўша даврни шундай эслашади. Фонд бозоридаги ҳолатни ҳатто тасаввурга келтириш қийин эди. Ҳавотирга тушиб қолган компания эгалари, акциядорлар ўз акциялардан қандай бўлмасин қутулишга ҳаракат қилардилар. Улар ўзларини худди ҳозир қиёмат бўладигандек тутишарди.

Бундай кескин баёнотлар бизнинг асримизга келиб ҳам тўхтамади. Халқаро энергетика агентлиги 2003 йилда қуйидаги башоратларини эълон қилди. Нефть қазиб олиш ва уни ишлаб чиқариш 2030 йилга келиб бутун дунёда кескин камаяди, бу ҳолат фақат Форс Кўрфази мамлакатларида кузатилмайди, аксинча бу мамлакатларда нефть қазиб олиш ва уни қайта ишлаш янада жадал суръатларда давом этади. Жаҳон нефть бозорида энг самарали йил 2010 йил бўлади. Айнан шу йили нефть қазиб олиш ва уни қайта ишлашда энг максимал даражага эришилади. Агентлик ходимларининг таъкидлашларича дунёда очилмаган нефть конларида тахминан 1 трлн. нефть мавжуд бўлиб, унинг 70% и Яқин Шарқ мамлакатларидадир.[37] Бу борада швед олимлари ва иқтисодий башоратчиларнинг фикри бошқачароқ. Уларнинг фикрича кўплаб олимларнинг жаҳонда 18 трлн. нефть заҳиралари мавжуд ундан фақат 1 трлн.игина сарфланган, деган баёнотлари ҳеч қандай асосга эга эмас. Уларнинг маълумотларига қараганда жаҳон нефть заҳиралари 3,5 трлн. ни ташкил этади. Агар инсоният кунига 25 млрд. баррель нефть истеъмол қилишини ҳисобга оладиган бўлсак, ресурслар кризиси 20 – 30 йиллардан сўнг юз бериши аниқдир. British Petroleum компанияси ўтказган текширувлари шуни кўрсатадики, Канада, Вьетнам ва Буюк Британия нефть заҳираларидан шу алфозда фойдаланилса олти йил оралиғида тўлиқ истеъмол қилиб бўлинади. Норвегияда бунинг учун саккиз йил талаб қилинади. АҚШ – 11 йилдан сўнг бундай вазиятга тушиб қолиши башорат қилинса, Туркманистонда бу жараён 12 йилдан кейин юз беради. Россия – 19 йилдан сўнг, Қозоғистон – 27 йилдан

[37] www.iea.org/statist/index

кейин, Нигерия ва Қатар, пропорционал равишда 30 – 55 йилдан сўнг нефть импортига боғлиқ мамлакатлар қаторидан жой эгаллашлари мумкин. Саудия Арабистони нефть заҳиралари 85 йилга, БАА ники 114 йилга, Ироқники эса128 йил етиши керак. [38] Америка нефть институтининг маълумотларига кўра жаҳондаги мавжуд 95% нефть конларининг қуввати 56 йил ичида сарф қилиниб бўлинса, қолган 5% и 88 йилда сарф қилиниб бўлинади. Шундай қилиб инсонга нефть ўрнини босувчи моддани топишига атиги 30 – 50 йил вақт берилган.[39] ОПЕКнинг ривожланиш истиқболлари ҳақида сўз юритар эканмиз, аналитикларнинг бир қанча фикрларини келтириб ўтиш ўринли деб ҳисоблаймиз. Уларнинг фикрича ОПЕК аъзолари нефть заҳираларини кўпайтириш ва уни излаб топиш борасида бир оз сусткашликка йўл қўймоқдалар. Картел вакиллари доимо янги конлар ишга туширилганлиги ҳақидаги ахборотларни тарқатишлари қуруқ сўздан иборат бўлиб қолмоқда. Саудия Арабистони нефть вазири таъкидлашича 2004 йилнинг охирида мамлакатда, қуввати кунига 800 минг. баррель нефть қазиб олишга етадиган иккита янги кон очилган. Эрон яқин келажакда қуввати кунига 300 минг. баррелни ташкил қилувчи кон очилиши ҳақида маълумот бериб, Қувайт ҳам бу борада четда қолмади. У ерда қуввати кунига 200 минг. баррелга тенг бўлган конлар фойдаланишга топширилиши ҳақида таъкидланди. Шундай бўлишига қарамай ОПЕКнинг кунлик нефть қазиб олиш қуввати деярли ўзгармади, ҳатто баъзи аъзо мамлакатларда нефть қазиб олиш суръатлари кескин камайиши ҳам кузатилмоқда. Жаҳон нефть бозорининг ривожланиш истиқболларида нефть нархининг ўзгариши сўзсиз муҳим ўрин эгаллайди. Жаҳон нефть бозоридаги ўзгаришлар барча бозорларда бўлгани каби талаб ва таклифнинг кескин ўзгариши туфайли юз беради. Шу ўринда стратегик нефть заҳираларининг мавжудлиги ҳамда олди - сотди жараёнида юз берадиган олиб сотарликлар ҳам бунга сезиларли таъсир кўрсатади.Жаҳон нефть бозоридаги нефть нархининг ўзгариши ҳақидаги башоратларни қилишдан аввал, қуйидаги омилларга алоҳида эътибор бариш лозим:

---

[38] www.bp.com
[39] www.api.org/statistics

- XX асрда мавжуд нефть конларининг кўпчилиги очилиб, фойдаланишга топширилди ва деярли фойдаланиб бўлинди. Шуни ҳисобга олган ҳолда келажакда янги конларнинг очилиш эҳтимоли кескин камайиши мумкин. Бу эса жаҳон нефть бозорида нефть таклифининг тушиб кетишига олиб келади. Натижада нефть нархи мисли кўрилмаган тарзда ўсади;
- XXI асрнинг энг муҳим жиҳати шубҳасиз энг янги технологияларнинг яратилганлиги ҳисобланади. Бу эса қидирув ишларига компьютер техналогияларини жалб қилиб, янги нефть заҳиралари очишга имконият яратади. Лекин нефть нархининг ортиши бу билан камаймайди. Чунки янги конларни очиш учун жалб қилинган ишчи кучи ҳамда технологияларнинг тан нархи бунга таъсир кўрсатади;

Жаҳон нефть бозорининг ривожланиш истиқболлари ҳақида сўз юритар эканмиз, унинг ривожига нефтни истеъмол қилиш ҳам таъсир кўрсатишини таъкидлаб ўтиш лозим.

**2.2.1 – жадвал**

**Жаҳон энергия истеъмоли структураси ва динамикаси, % ***

| | **1990 й.** | **2000 й.** | **2010 й.** | **2020 й.** |
|---|---|---|---|---|
| Энергия ресурслари истеъмоли, жумладан | 100% | 100% | 100% | 100% |
| Нефть | 39% | 40.4% | 39.2% | 37.4% |
| Газ | 21.5% | 22.8% | 25.5% | 29.1% |
| Кўмир | 26.0% | 21.8% | 21.1% | 20.3% |
| Атом энергияси | 5.9% | 6.5% | 5.6% | 4.6% |
| гидроэнергия | 7.6% | 8.5% | 8.6% | 8.6% |

*Манба: Мировая экономика и международное отношения 2006., №5

Халқаро энергетика агентлиги ва АҚШ энергетика вазирлигининг башоратларига кўра, 2001 – 2020 йиллар давомида дастлабки энергия ресурсларининг жумладан нефтнинг асосий истеъмолчиси АҚШ бўлиб

қолаверади. 2020 йилга келиб жаҳон ёнилғи бозорида нефть энг асосий истеъмол қилинадиган хом – ашёга айланади. Жами истеъмол қилинадиган энергия ресурларининг 87% и нефть бўлади.[40](2.2.1 - жадвал) Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, 2020 йилда жаҳон ёнилғи бозоридаги асосий энергия манбаи нефть бўлиб қолади. Айниқса бу ҳолат ривожланган мамлакатларнинг транспорт тизимида кузатилади. Ривожланган мамлакатларнинг бошқа тармоқларида асосий ўринни эса газ эгаллайди.Ривожланаётган мамлакатларда эса нефть истеъмол қилиш, саноатнинг барча тармоқларида ортади. Шу билан бирига бошқа тахмин ҳам мавжуд бўлиб, унга кўра саноати ривожланган мамлакатларда аста секин нефть истеъмоли камайиб, 2000 йилда 42,6% ни ташкил қилган бўлса, 2020 йилга келиб, 39,9% га тушади. Ривожланаётган мамлакатларда бу кўрсаткич 43,8% дан 39,2% га камаяди.Халқаро энергетика агентлиги ва АҚШ энергетика вазирлигининг таъкидлашларича, нефть истеъмолининг йиллик ўсиши 2001 – 2020 йилларда пропорционал тарзда 1,8% дан, 2,1% га ортади. Хусусан, 2011 – 2020 йилларда истеъмол 1,9% га ортса, 2001 – 2010 йилларда истеъмол тезлиги бир оз секинроқ бўлади (1,7%).[41]

**2.2.2 – жадвал**

**Жаҳон энергия истеъмоли башорати (регионлар бўйича) млн. т шартли ёқилғи***

| | 1990 й. | 2000 й. | 2010 й. | 2020 й. |
|---|---|---|---|---|
| Саноати ривожланган мамлакатлар.<br>Шу жумладан АҚШ | 6575<br>3025 | 7700<br>3470 | 8640<br>4000 | 9550<br>4460 |
| Ривожланаётган мамлакатлар<br>Шу жумладан Хитой | 3140<br>970 | 4560<br>1218 | 6775<br>1720 | 8920<br>2705 |
| МДҲ ва Шарқий Европа мамлакатлари | 2750<br>1268 | 1850<br>920 | 2100<br>1050 | 2380<br>1170 |
| Жами жаҳон бўйича | 12464 | 14110 | 17510 | 20850 |

*Манба: Мировая экономика и международное отношения 2006., №5

ОПЕК ка аъзо мамлакатларга ҳамда Россия ва Мексика тегишли 10 йирик

[40] www.iea.org/statist/index
[41] www.iea.org/statist/index

компания дунёда аниқланган жами нефть ва газ заҳираларининг 65% ига эгалик қилади. Шундай экан ОПЕКнинг баъзи иқтисодий тадқиқотчиларнинг фикрларига қарамай, жаҳон нефть бозори ривожи ва истиқболидаги ўрни беқиёсдир. Бу ўнталикнинг юқори поғоналарини Саудия Арабистони компаниялари эгаллайдилар.

**2.2.3 – жадвал**

**Дунёнинг йирик нефть компанияларининг углеводород заҳиралари (2006 йил 1 январь ҳолатига)**

| | Компания | Мамлакат | Нефть ва газ млрд. т у ув | Жаҳон заҳи-расидаги ҳиссаси % да |
|---|---|---|---|---|
| 1 | Saudi Aramco | Саудия Арабистони | 42,2 | 14,1 |
| 2 | NIOC | Эрон | 35,3 | 11,8 |
| 3 | «Газпром» | Россия | 30,4 | 10,2 |
| 4 | KPC | Қувайт | 14,6 | 4,9 |
| 5 | PDV | Венесуэла | 14,6 | 4,9 |
| 6 | ADNOC | БАА | 13,1 | 4,4 |
| 7 | Qatar Petroleum | Қатар | 12,4 | 4,2 |
| 8 | Sonatrach | Алжир | 5,4 | 1,8 |
| 9 | Pemex | Мексика | 4,8 | 1,6 |
| 10 | Libya NOC | Ливия | 4,5 | 1,5 |
| 11 | NNPC | Нигерия | 3,9 | 1,3 |
| 12 | «ЛУКОЙЛ» | Россия | 3,4 | 1,1 |
| 13 | Exxon Mobil | АҚШ | 3,2 | 1,1 |
| 14 | ТНК – BP | Россия | 3,7 | 1,2 |
| 15 | Royal Dutch - Shell | Нидерландия | 2,8 | 0,9 |
| 16 | BP | Англия АҚШ | 2,4 | 0,8 |
| 17 | Petro China | Хитой | 2,4 | 0,8 |
| 18 | «ЮКОС» | Россия | 2,2 | 0,7 |
| 19 | Pertamina | Индонезия | 2,2 | 0,7 |
| 20 | Petronas | Малайзия | 2,2 | 0,7 |

*Манба: Нефть России, 2006., № 10

2.2.3 - жадвални таҳлил қиладиган бўлсак, Россия компанияларининг жаҳон нефть заҳираларидаги улуши жуда катталигининг гувоҳи бўламиз. Нефть заҳиралари миқдори бўйича шубҳасиз ОПЕК мамлакатлари илғор ҳисобланадилар. Ҳозирда энг йирик истемолчи сифатида эътироф этилаётган Хитой компанияси ҳам бу ўнликдан жой олганлиги тахсинга лойиқ. Умумий хулоса сифатида шуни айтиб ўтиш жоизки, баъзи иқтисодчиларнинг

башоратларига қарамай жаҳон нефть бозори ривожланиш истиқболларида шубҳасиз ОПЕКнинг таъсири жуда юқоридир. Бошқа йирик экспортчилар қаторида ОПЕКнинг жаҳон нефть бозорига таъсири йиллар давомида сақланиб қолади. Чунки юқорида таъкидлаб ўтилганидек нефть заҳираларининг потенциали бўйича ОПЕК дунёда етакчилик қилади ва бу етакчилигини ҳеч бўлмаганда 2020 йилга қадар сақлаб қолишини барча иқтисодчилар бир овоздан эътироф этадилар.

## 2.3. Глобаллашув шароитида Саудия Арабистони Қироллигининг минтақавий-иқтисодий интеграциясида олиб бораётган сиёсати ва интеграцион йўналиш жараёнлари.

Жахон тажрибаси ижтимоий-иқтисоди ҳаётнинг байналминаллашуви халқаро иқтисодий муносабатларнинг давлатлар иқтисодий интеграцияси ва йирик мамлакатлараро иқтисодий бирлашмалар ташкил этиш босқичига ўтиши учун шарт-шароитлар яратганлигини яққол намоён қилди. У хўжалик фаолияти сохасини сезиларли даражада кенгайтириш ва алохида миллий иқтисодиётларнинг халқаро мехнат тақсимоти шароитларига енгилроқ мослашиши, уларнинг ягона жахон хўжалигига интеграциялашуви учун имконият яратади. Бунга яққол мисол урушдан кейинги Европадаги худудий иқтисодий интеграция жараёнларидир. Бу жараёнлар бугунги кунда жахонда энг ривожланган худудий иқтисодий бирлашма — Европа Иттифоқининг барпо этилиши учун асос бўлди. Худди шундай худудий бирлашмалар жахоннинг кўплаб бошқа бурчакларида хам ташкил топди, масалан, Якин Шарқда — Араб умумий бозори, Жанубий-Шарқий Осиёда — Жанубий-Шарқий Осиё мамлакатлари Ассоциацияси (АСЕАН) ва Африка хамда Лотин Америкаси қитъасида ташкил этилган бошқа иқтисодий бирлашмалар.

АСЕАНга (унга Индонезия, Малайзия, Сингапур, Таиланд, Филиппин ва Бруней мамлакатлари кирган) аъзо мамлакатлар иқтисодий, ижтимоий ва маданий тараққиётни таъминлаш, тинчлик ва худудий барқарорликни мустахкамлаш, бошқа хўжалик иттифоқлари билан алоқалар ўрнатиш, халқаро

ташкилотларда биргаликдаги чиқишларини амалга ошириш, саноат, қишлоқ хўжалиги, алоқа, туризм, илмий-техника, таълим сохасида ўзаро хамкорликни йўлга қўйиш мақсадида ташкил этилган.

Араб умумий бозори унинг аъзолари орасида умумий бозор ташкил қилиш, қишлоқ хўжалик, минерал хом ашё ва миллий қайта ишловчи саноат махсулотлари билан ўзаро савдода бож тўловларини аста-секин пасайтириш йўли билан эркин савдо зонасини барпо этиш мақсадида 1962 йилда ташкил этилди (унинг таркибига Миср, Иордания, Қувайт,Марокаш, Сурия, Ироқ, Яман Араб Республикаси ва Судан мамлакатлари кирган).

Бундай йирик ҳудудий иқтисодий бирлашмалардан ташқари юқорироқ даражада интеграциялашган мамлакатлар гурухи хам ташкил этилмоқда. Уларда хўжаликлараро ва кооперацион алоқалар анча чуқурроқ ва улар гурухга кирган мамлакатлар имкониятларини мустахкамлашга қаратилган. Моддий-техника, молиявий, табиий ва мехнат ресурсларининг бирлаштирилганлиги, улардан фойдаланиш учун тегишли шароитлар яратилганлиги, меъёрий-қонуний асос, бож ва солиқ ставкаларининг ягона тартибга келтирилганлиги эвазига бу гурухларда интеграция самарадорлиги анча юқори.

**2.3.1-жадвал**

**ФКАДХК худудий ташкилотига аъзо мамлакатларининг асосий иқтисодий кўрсаткичлари (2008й.)***

| **Мамлакатлар** | **Майдони, минг кв.км.** | **Ахолиси, млн.киши** | **ЯИМ жорий нархларда (млрд АҚШ$)** | **ЯИМ жон бошига ( млрд.АҚШ$)** | **Инфляция даражаси (%,йиллик)** |
|---|---|---|---|---|---|
| Бахрайн | 0.7 | 0.8 | 137 | 31302 | 3.3 |
| Қувайт | 17.8 | 3.4 | 11 | 42159 | 6.5 |
| Уммон | 212,0 | 2.6 | 43 | 19463 | 6.0 |
| Қатар | 11.4 | 1.0 | 31 | 95167 | 12.0 |
| Саудия Арабистони | 2150,0 | 24.9 | 7 | 18655 | 6.2 |
| БАА | 83,6 | 4.8 | 4,7 | 50383 | 9.0 |

Манба: SESRIC, BASEIND Database; IMF, WEO Database, April 2008.

1981 йилда ташкил топган Форс кўрфази араб давлатлари ҳамкорлиги Кенгаши (ФКАДҲК) ана шундай интеграцион ташкилот хисобланади. Унга 6 араб мамлакати: Саудия Арабистони, Бирлашган Араб Амирликлари (БАА),

Бахрайн, Уммон, Қувайт ва Қатар мамлакатлари аъзо бўлиб кирган.[42] Ҳамкорлик Кенгаши ФКАДҲКга аъзо мамлакатлар қўшма лойихаларини кредитлаш учун 6 млрд. АҚШ доллари миқдорида капиталга эга инвестицион фонд ташкил этди. Бу "олтилик" мамлакатларининг барчасида саноатлаштириш учун зарур бўлган молия ресурсларини жалб этиш ва сафарбар қилишга хизмат килди. (2.3.1-жадвал)

Барча интеграцион ташкилотлар сингари хамкорлик кенгашининг хам асосий максади ижтимоий-иктисодий тараккиётини сифат жихатдан янги босқичга кўтариш орқали шу ҳудудда истиқомат қилаётган халқларнинг турмуш даражасини, хаёт ва иш шароитларини яхшилашдан иборат. Форс кўрфази араб давлатлари ҳамкорлик кенгаши Низомининг 4-моддасида шундай дейилади: "Ҳамкорлик кенгашининг асосий мақсади қуйидагилардан иборат:

1.Аъзо-мамлакатларнинг бирлашиши йўлида барча соҳаларда мувофиқлашув, интеграциялашув ва ўзаро боғлиқликни кучайтиришга эришиш.

2. Турли хил соҳаларда бу мамлакатлар халқлари орасида мавжуд ўзаро алоқалар, муносабатлар ва ҳамкорликни чуқурлаштириш ва мустахкамлаш.

3. Иқтисодиётнинг турли соҳаларда бир хил тартибни жорий этиш, шу жумладан:

а) молиявий-иқтисодий масалаларда;

б) савдо, бож масалалари, коммуникацияда;

в) таълим ва маданиятда;

г) ижтимоий соха ва соғлиқни сақлашда;

д) ахборот ва туризмда;

е) қонуний в а маъмурий масалаларда.

4. Халқлар фаровонлиги йўлида саноат, тоғ-кон, қишлоқ хўжалиги, сув ва хайвонот ресурслари сохасида илмий-техника тараққиёти ривожланиш суръатларини жадаллаштириш, илмий-тадқиқот марказлари,қўшма лойихалар тузиш, хусусий секторда хамкорликни рағбатлантириш".[43]

---

[42] www.gcc-sg.org

[43] Александров И.А. Монархии Персидкого залива: этап модернизации. — М.: Издательство

Ушбу Низомга мувофиқ, "Олтилик" мамлакатлари қишлоқ хўжалик ва миллий саноат махсулотлари билан савдо қилишда бож тўловларини тўламайдилар, улар томонидан Хамкорлик кенгашига аъзо мамлакатлар фуқароларига иқтисодий фаолият эркинлиги ва капитал қўйилмаларини эркин жойлаштириш, кўчмас мулкка эгалик қилиш, эркин кўчиб юриш хуқуқини берувчи битим имзоланган. У ФКАДХКга аъзо бўлган барча мамлакатларни божхона йиғимини тўлашдан озод этади.

Шуни таъкидлаш лозимки, нефть ва газ сохасидаги иқтисодий ҳамкорлик бахони ташкил этиш, маркетинг, шунингдек, муқобил энергия манбаларини ривожлантириш масалаларини ўз ичига олади. Хамкорлик кенгашининг барча мамлакатлари ФКАДХКга аъзо ҳар қандай мамлакатга у ёки бу сабабга кўра нефть қазиб олиш тўхтаган тақдирда ёрдам беришни кўзда тутувчи нефть сиёсатидаги ягона стратегияни амалга оширишдан манфаатдордирлар.

Таъкидлаш жоизки, ушбу мамлакатлар ўртасида интеграцион алоқаларнинг йўлга қўйилиши барча мамлакатлар ижтимоий-иқтисодий ривожланишига ижобий таъсир кўрсатди. Гарчи жуда кўп иқтисодий адабиётларда Форс кўрфази нефть экспорт килувчи мамлакатлари томонидан ижтимоий-иқтисодий ривожланишда эришилган натижа "нефть омили" билан тушунтирилсада, унга интеграцион жараёнлар хам ижобий таъсир кўрсатган

Шу ўринда ФКАДҲКнинг бошқа интеграцион ташкилотларидан фарқли жиҳати тўғрисида тўхталиб ўтиш мақсадга мувофиқ. Маълумки, мамлакатлар ўртасида интеграцион алоқаларнинг вужудга келиши ва ривожланиши учун қуйидаги шарт-шароитлар бажарилиши лозим:

Биринчидан, интеграцион ташкилотга бирлашаётган мамлакатларда машиналашган ишлаб чиқариш чуқур ихтисослашган бўлиши ва у ташқи иқтисодий алоқаларсиз ривожлана олмай қолиши керак.

Иккинчидан, мамлакатлар иқтисодий ривожланиш даражаси бир-бирига яқин бўлиши керак.

Учинчидан, интеграцион ташкилотга бирлашаётган мамлакатлар худудий

---

"Дело и Сервис", 2000. — с.446-447.

бирликни ташкил қилиши ва уларнинг иқтисодиёти бир-бирини ўзаро тўлдириш керак.

Араб минтакаси нефть экспорт қилувчи мамлакатларида юқоридаги шарт-шароитларнинг деярли барчаси мавжуд. Бироқ бу мамлакатлар иқтисодиёти таркиби бир-бирига ўхшаш ва ўзаро бир-бирини тўлдирмайди. Шунга қарамасдан, айнан мана шу омил ушбу минтақада интеграцион алоқаларнинг кучайишига ва чуқурлашишига ижобий таъсир кўрсатди. Гап шундаки, бу мамлакатларнинг барчасида йирик миқдорда нефть-газ захиралари мавжуд бўлиб, нефть-газ ресурслари экспортнинг асосий қисмини ташкил қилади. Экспорт соҳасида ягона сиёсат юритиш натижасида мазкур мамлакатлар жахон нефть ва нефть махсулотлари бозорига салмоқли таъсир кўрсата оладилар. Нефть ва нефть махсулотлари нархининг шаклланиши кўп жихатдан ушбу интеграцион ташкилот томонидан юритиладиган сиёсатга боғлиқ ва бу мамлакатлар нефть нархига ўз манфаатларини хисобга олган холда таъсир кўрсатадилар. Нефть сохасида ягона экспорт сиёсатининг юритилиши ФКАДҲКга аъзо барча мамлакатлар учун манфаатли хисобланади. "Нефть тақчиллиги" даврида ушбу мамлакатлар томонидан йирик даромадларнинг қўлга киритилиши фикримиз далилидир.

Мазкур минтақадаги мамлакатлар ижтимоий-иқтисодий ривожланиши нефть захираларининг интенсив ўзлаштирилиши ва интеграцион алоқалар туфайли сезиларли даражада яқинлашди.

Юқоридаги шарт-шароитлардан ташқари ушбу мамлакатлар ўртасидаги интеграцион жараёнларнинг фаоллашувига яна икки омил кучли таъсир кўрсатди. Биринчидан, ушбу мамлакатлар халкларининг мутлақ кўпчилиги араблардан иборат. Бундан ташқари улар ўзаро муштарак тарих, рухий-маънавий, диний ва маданий қадриятларга эга; Иккинчидан, XX асрнинг ўрталаридан бошлаб илмий-техника тараққиёти натижаси сифатида нефтдан олинадиган махсулотларнинг инсон хаёти учун зарур энергия манбасига айланганлиги ва Арабистон ярим ороли ана шу табиий бойликнинг йирик захираларига эга эканлиги ушбу мамлакатлар ўртасидаги интеграцион

жараёнларни янада жадаллаштириб юборди.

Муайян худудда интеграцион жараёнлар амалга ошаётганлигини, мамлакатлар ўртасидаги иқтисодий алоқаларнинг интенсивлигини кўрсатувчи иккита мухим кўрсаткич мавжуд:

Биринчиси — мамлакатлар ўзаро ташқи савдо алмашинуви хажми, иккинчиси — ўзаро товар алмашинувининг мамлакатлар ялпи ички махсулотдаги салмоғи. Иккинчи кўрсаткич интеграция нуқтаи назаридан бирмунча мухимроқ бўлиб, у мамлакатларнинг бир-бирига нисбатан очиқлик даражасини, бошқача сўз билан айтганда, мамлакатларнинг бир-бирига боғлиқлик даражасини ифодалайди.Халкаро худудий интеграция бўйича жахон тажрибаси шундан далолат берадики, интеграцион мажмуага бирлашган мамлакатлар ташқи савдо муносабатларидан ўзаро ташқи савдо улуши ўртача 50-80 фоизни ташкил қилади. ФКАДХКнинг ўзига хос хусусияти шундаки, бу мамлакатлар экспортининг асосий қисмини нефть ва нефть махсулотлари ташкил қилиши ва бу махсулотлар асосан ривожланган мамлакатлар, хусусан, Европа Иттифоқи, АҚШ ва Япония мамлакатларига чиқарилиши муносабати билан ўзаро савдо алоқаларининг жами экспортдаги салмоғи сезиларли даражада паст.

Ўтган йиллар мобайнида ФКАДҲКга аъзо мамлакатлар ўзаро импорт алоқалари 3238,9 млн.доллардан 6394,8 млн.долларгача, яъни қарийиб икки баробарга ўсган. Бунинг натижаси ўлароқ ўзаро импорт алоқаларининг жами импортдаги улуши 7 фоиздан 7,6 фоизгача ошган. Бу кўрсаткич ҳам Форс кўрфази нефть экспорт қилувчи мамлакатлари ўртасидаги интеграцион алоқаларнинг фаоллашаётганлигидан ва иқтисодиёт диверсификациялашаётганлигидан далолат беради.

Мамлакатлар ўртасидаги интеграция даражасини ифодаловчи яна бир кўрсаткич ўзаро ташқи савдо алоқаларининг ялпи ички махсулотдаги улуши хисобланади. Бу кўрсаткич ФКАДХКга аъзо мамлакатларда ўртача 6-8 фоизни ташкил қилади. Гарчи кейинги йилларда минтақа мамлакатлари ўртасида интеграцион алоқалар фаоллашаётган ва бу сохада муайян ижобий ишлар

амалга оширилаётган бўлса-да, интеграцияга акс таъсир этаётган омиллар хам мавжуд. Бу мамлакатларда ривожланиш муаммолари хозирги кунда ахоли сонининг сезиларли ўсиши, эхтиёжларнинг тўхтовсиз ортиши ва нефтга бўлган бахонинг узгарувчанлиги натижасида кўриладиган зарарлар муносабати билан олдингига нисбатан анча кескиндир. Яқин Шарқнинг барча араб мамлакатлари учун 1980 дан 1990 йилгача кўрилган катта миқдордаги зарарлар иқтисодий ахволининг ёмонлашувига олиб келди.

Араб мамлакатлари кейинги йигирма йиллик тажрибадан зарурий хулосалар чиқариш ва уларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида нефтнинг ролини қайтадан кўриб чиқиш заруриятига юзма-юз келдилар.

Жахонда нефтга бўлган ўсиб бораётган талабни қондириш учун нефть ишлаб чиқаришни кўпайтиришни давом эттиришга харакат қилар эканлар, улар ўз манфаатлари ва эхтиёжларини хам хисобга олмасликлари мумкин эмас. Бу манфаат ва эхтиёжлар эса хар доим хам уларнинг иттифоқдош-ҳамкорлари ва дунёнинг ривожланган мамлакатларидаги рақобатчилари нуқтаи назари билан мос тушавермайди. Бу эса интеграцион жараёнларнинг сусайишига олиб келмоқда.

Форс кўрфазида кечаётган интеграцион алоқаларни чуқур ўрганиш, унга таъсир этаётган ижобий ва салбий омилларни тахлил қилиш асосида Марказий Осиёда интеграцион алоқаларни фаоллаштириш бўйича хулосалар чиқариш ва таклифлар ишлаб чиқишга имконият яратади. Негаки, бизнинг минтақамизда ҳам шунга ўхшаш омиллар мавжуд, яъни минтақамиз халқларининг мутлақ кўпчилигини бир хил оилага мансуб бўлган туркий халқлар ташкил қилади ва улар тарихий, маданий, диний ва урф-одат бирликларига эга. Иккинчи томондан, бизнинг минтақамиз мамлакатлари хам табиий хом ашё — нефть, газ ва пахтанинг йирик захираларига бой. Шу нуқтаи назардан, ФКАДҲК тажрибасидан илмий ва ижодий жихатдан фойдаланиш Марказий Осиё минтақаси учун фойдали ва зарурдир, чунки Марказий Осиё тарихи, унда яшаётган халқлар маданияти, улар томонидан асрлар оша эъзозланиб келаётган қадриятлар муштараклиги, энг мухими — бугунги ижтимоий-иқтисодий

воқеъликлар, уларни тарқоқликка эмас, аксинча, ҳамкорликни мустахкамлашга ундайди.

Форс курфази араб давлатлари ҳамкорлик кенгаши тажрибаси шуни кўрсатадики,мамлакатларда мувофиқлаштирилган макроиқтисодий сиёсат юритиш интеграцияга аъзо барча мамлакатлар учун манфаатлидир. Баъзи адабиётларда Марказий Осиё республикалари иқтисодиёт таркибининг ўхшашлиги ва ўзаро бир-бирини тўлдирмаслиги иқтисодий интеграция жараёнларининг сустлашувига олиб келиши ва хаттоки, бундай алоқаларнинг мутлақо истиқболсиз эканлиги тўғрисида фикр юритилади. Аммо Форс курфази араб давлатлари ҳамкорлик кенгаши тажрибаси бу фикрларнинг асоссиз эканлигини кўрсатади. Бизнинг минтақамиз мамлакатларининг деярли барчасида пахта, нефть, газ, олтин каби маҳсулотлар катта миқдорда ишлаб чиқарилади. Бу махсулотлар ташқи савдоси бўйича келишилган сиёсат юритиш уларнинг жахон нархларига минтақамиз мамлакатлари манфаатларини кўзлаб таъсир кўрсатиш имкониятини беради.

# III-БОБ.ЎЗБЕКИСТОН ВА АРАБ МИНТАҚАСИНИНГ ЎЗИГА ХОС ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШ АСОСЛАРИ.

## 3.1. Саудия Арабистони Қироллиги ва Ўзбекистоннинг миллий иқтисодиётида олиб бораётган диверсификация сиёсати

Саудия Арабистони иқтисодиёти амалга оширилаётган диверсификация жараёнлари ҳам эътиборга лойиқ. Ҳукумат нефтьдан бошқа саноат тармоқларини ривожлантиришга устуворлик бермоқда. Шуни таъкидлаш лозимки, диверсификация жараёнларини амалга оширишда нефть сотишдан тушган даромадлар асосий ўринни эгаллайди.

Саудия Арабистони иқтисодий тараққиётининг асосини ташкил этувчи тамойиллардан бири фақат нефтьга асосланган эмас, балки нефтга асосланмаган турли хил кўп тармоқли ишлаб чиқариш базасини кенгайтириш ва ривожлантиришдир. Саудия Арабистонида бозор муносабатлари интеграцион жараёнлар, хусусий секторнинг нефть соҳаси бўлмаган секторларида энг аввало озиқ – овқат, тўқимачилик, металлга ишлов бериш саноатни ривожлантиришга йўналтириш қулай истиқболига эга бўлади. Нефть ва нефть кимё саноати анъанавий равишда Саудия Арабистони давлат секторининг имтиёзли бўлиб қолди. Нефть омилини ривожланишга алоҳида аҳамият бериш, бир томондан кейинги иқтисодий ўсишни яратувчи сифатида хусусий сектор ривожланиши билан, бошқа томондан эса янги иқтисодий сиёсат билан қўшилиб кетади. Саудия Арабистони хусусий сектор ривожланишининг хусусиятларидан бири бўлиб қолди. Чет-эл инвестициялари ҳажми бўйича мамлакат дунёдаги етакчи ўринлардан бирига чиқиб олди. Ялпи ички маҳсулоти тахминан 82 млрд долларни ташкил этишини ҳисобга олиб шуни таъкидлаб ўтиш керакки, мамлакатдан молиявий дефиляция чиқиш муаммоси Саудия Арабистони иқтисодининг қайта ўзгариши характерли хусусиятлардан бирига айланиб қолмоқда. Ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг ассиметрик шакллари ҳисобланган ихтисослашув ва диверсификация жамият ривожининг турли босқичларида турли нисбатларда ишлаб чиқаришда

қўлланилган. Диверсификация жараёнлари, айниқса 1950 йилнинг ўрталаридан бошлаб юқори суръатларда ривожлана бошлади. Буни энг асосий сабабларидан бири шундан иборатки, буни даврда фан – техника тараққиётининг жадаллашуви корхоналар ва фирмалар ўртасидаги рақобат курашининг кескинлашувига олиб келди. Бунинг натижасида эса корхоналар томонидан олинган фойда меъёри нисбатан тенглашди ва ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишнинг ихтисослашувга асосланган манбаълари нисбатан ўз имкониятларини тугатди. Шу муносабат билан айтиш мумкинки, диверсификация жараёнларини амалга ошириш зарурияти дастлаб мулкдор корхоналар, фирмалар ва компаниялар даражасида намоён бўлди. Умуман олганда, диверсификация кўпроқ микродаражада қўлланиб, корхона ва фирмалар фаолиятини кенгайиши, товар ва хизматлар турининг ошиш маъносида тушунилди.

XX асрнинг 40 – йилларидан бошлаб нефть ва газ ресурсларини интенсив ўзгартириш Саудия иқтисодий тараққиётига хал қилувчи таъсир кўрсатди. Мамлакатда кенг кўламли саноатлаштириш жараёнларини амалга ошириш, ишлаб чиқаришга янги техника ва илғор технологияларни жорий қилиш, кўп тармоқли замонавий инфротузилма обектларини ривожлантириш, халқаро савдо ва иқтисодий муносабатларда мухим ўринни эгаллаш ва бошқа ижобий жараёнлар, энг аввало, Саудия Арабистонинг энергия ресурслари билан боғлиқ.

Саудия Арабистонида саноат ишлаб чиқаришни диверсификациялаш муаммосини тадқиқ қилишда ҳам айнан шу кўрсаткичлар тизимига асосий эътиборни қаратиш лозим. Саудия Арабистони жуда қисқа муддат мобайнида ижтимоий иқтисодий қолоқликдан бир қатор иқтисодий кўрсаткичлар, хусусан ялпи ички махсулот хажми ва унинг жон бошига тўғри келиши, киши бошига ишлаб чиқарилган саноат махсулотлари хажми, саноат махсулотлари экспорт хажми бўйича ривожланган мамлакатлар даражасига яқинлашди. Бироқ бу кўрсаткичлар мамлакат саноат тараққиёти тўғрисида тўлиқ тасаввур бермайди. Бундай юқори кўрсаткичларга Саудия асосан нефть ва газ омили эвазига эришди.

Агар 1971 йилни асос қилиб олсак, 1973 йилда Саудия Арабистонинг нефтьдан олган даромадлари 208.5 фоизга, 1976 йилда эса 1266.2 фоизга ўсди. Энг рекорд кўрсаткичга 1981 йилда эришилди. Шу йили 1971 йилга нисбатан 4015.3 фоиз кўп даромад олинди. Шундай қилиб, Саудиянинг нефть сотишдан олган даромади 10 йил давомида 41 марта кўпайди. 1981 йилда Саудия Арабистони нефть сотишдан 118.998 млрд доллар даромад олди.

Саудия Арабистонида саноат ишлаб чиқаришни диверсификациялаш шарт – шароитлари, энг аввало, шу билан боғлиққи, бу мамлакатда ушбу жараённи амалга ошириш учун молиявий маблағлар масаласи у қадар долзарб эмас. Гап шундаки, XX асрнинг иккинчи ярмида нефть ва газ экспорти ҳисобига мамлакатда йирик миқдорда эркин алмашинадиган валюта заҳиралари вужудга келган. Бу ҳолат Саудия Арабистонининг жаҳондаги энг йирик рантье давлатлардан бирига айлантирди. Айни вақтда саноат ишлаб чиқаришни диверсификациялаш шарт – шароитларидан келиб чиқиб, бизнинг фикримизча, бу ерда нефть кимёси тармоғини ривожлантириш мақсадга мувофиқ ва бу диверсификациянинг муҳим йўналиши бўлиб қолмоғи лозим, чунки нефть кимёси, биринчидан, мехнат ресурсларини кам талаб қилади ва Саудияни эса нефть захиралари ва ишлаб чиқариш бўйича жахондаги биринчи мамлакатдир.

Саудия Арабистонида нефть ресурсларини ўзлаштиришнинг дастлабки босқичидаги монотоварлик объектив ва мантиқий жараён эди, чунки ижтимоий иқтисодий ривожланиш даражаси бўйича жахоннинг қишлоқ нефть кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришни таъминлайдиган, биринчи даражали иқтисодий муаммоларни хал этишга имкон берадиган ягона самарали манъба хисобланар эди. Бироқ Саудия ерларида катта миқдордаги нефть захираларининг топилиши унинг раҳбарларида нефть эйфориясини келтириб чиқади. 70 йилларнинг бошларида бошланган “нефть шов – шуви” монотовар иқтисодиётининг самарали эканлигини тўғрисидаги тасаввурнинг тўғри эканлигини тасдиқлагандек бўлди. Бироқ араб ва ғарб мутахассислари Саудия иқтисодиётининг холатига ҳамда унинг ўрта ва узоқ муддатли истиқболларига реал ёндоша бошладилар. Улар нефть долларини саноатнинг бошқа

тармоқларига йўналтириш асосида Саудия иқтисодиётиниг нефть импорт қилувчи мамлакатларга боғлиқлигини камайтириш, товарлар экспортини хилма – хиллаштириш асосида иқтисодий барқарорлик даражасини ошириш вазифасини илгари сура бошладилар. Саудия Арабистонининг 70 йилдаги ҳукумат иқтисодий дастурлари ва миллий иқтисодиёт ривожланиш режаларини тахлил қилиш натижалари бюджет тушумларини диверсификациялаш ва саноат ишлаб чиқаришда чуқур таркибий ўзгаришларни амалга ошириш масалаларига алохида эътибор қаратилганлигини кўрсатади. Аммо диверсификация жараёнларининг объектив зарурият эканлиги “нефть шов – шуви”дан кейин нефтьга бўлган нархнинг кескин пасайиши ва шундан келиб чиққан холда нефтьдан олинган даромадларнинг қисқариш юз бергандан сўнг тўлиқ намоён бўлди.

Саудия Арабистонида саноат ишлаб чиқаришни диверсификациялаш жараёни бошланган даврда унинг ялпи ички махсулотдаги салмоғи нефть кимёси корхоналарини ҳам қўшиб ҳисоблаганда 3 – 5 фоиздан ошмас эди. Қишлоқ хўжалигининг улуши эса бир мунча юқори бўлган. Анъанавий тарзда савдо соҳасида фаолият юргизган миллий хусусий капитал саноат соҳасига инвестиция киритади. Шу муносабат билан Саудия ҳукумати хусусий капитални ишлаб чиқариш соҳасига жалб этиш бўйича бир қатор рағбатлантирувчи чора – тадбирларни ишлаб чиқаришга мажбур бўлди. Қўшимча корхоналарни қўллаб қуватлаш бўйича ҳам бир қатор имтиёзлар тизими ишлаб чиқилди.

Диверсификация кўп қиррали мураккаб ва зиддиятли жараёндир. Уни амалга ошириш усуллари механизм, мақсади ва вазифалари турлича. Бу эса унинг иқтисодий мазмунини тўлиқ ифодалайдиган ягона таъриф беришни қийинлаштиради. Шундай бўлсада, барча диверсификация жараёнларининг туб моҳияти бир хил. Саноат ишлаб чиқаришни диверсификациялаш бирор бир маҳсулот ишлаб чиқаришга боғлиқликни камайтириш капитал ресурсларни оқилона жойлаштиришни таъминлаш иш ўринларини яратиш, янги бозорларни эгаллаш ва ананавий бозорларда мавқеини мустахкамлаш ва синергетик

самарага эришиш мақсади саноат ишлаб чиқариш кўламини кўпайтиришга қаратилган чора тадбирлар мажмуидир.

Кўп тармоқли саноат ишлаб чиқаришни ташкил этиш натижасида миллий иқтисодиётнинг жаҳон ҳом ашё бозорлардаги конъюктуравий ўзгаришларга боғлиқлигини пасайтириш саноат ишлаб чиқаришни диверсификациялашни харакатлантирувчи асосий куч хисобланади. Пировард мақсад эса саноат тармоқларини замонавийлаштириш орқали мамлакат ахолисининг турмуш фаровонлигини яхшилашдан иборат.

Саудияда саноат ишлаб чиқаришни диверсификация зарурияти 2та омил билан белгиланади:

1. Мамлакат ялпи ички маҳсулотининг асосий қисми нефт ва газ сектори ҳисобига шаклланади. Бу эса, Саудияни иқтисодиётини жахон нефть бозорига боғлиқ қилиб қўяди;
2. Нефть ва газ заҳиралари тикланмайдиган ресурслари гуруҳига киради.

Ўзбекистон хам Саудия Арабистони каби ўзининг экспорт салохиятларини оширишда энг аввало ички имкониятлари ва нисбий афзалликка эга бўлган махсулотларига таянади. Экспорт салохиятини ошириб бориш эса валюта тушумлари бар=арорлигини таъминлашга ва саноат ишлаб чи=аришини диверсификациялашга ижобий таъсир кўрсатади. Мазкур икки мамлакат таш=и савдо сиёсатининг умумий жихатларидан бири шундан иборатки, улар энг аввало, анъанавий махсулотлар экспортини оширишга ва ундан тушган валюталарни саноатнинг бош=а тармо=ларини ривожлантиришга сарфлашга харакат =илмо=далар. Биро= анъанавий экспорт махсулотлари хом-ашё бўлганлиги боис Саудия Арабистони ва Ўзбекистон таш=и бозор конъюнктурасига кучли бо\ли= бўлиб =олмо=да. Бу эса бар=арор валюта тушумларини олишга салбий таъсир кўрсатмо=да.

Жахон бозорида нефть нархларининг пасайиши Саудия таш=и савдо айланмаси нисбатан сезиларли даражада пасайишига олиб келди. нисбатан 36,8 фоизга ёки 29,0 млрд. долларга ўсишига олиб келди.

Ўзбекистон таш=и савдо айланмаси кўлами бўйича Саудиядан анча ор=ада бўлсада, унинг ривожланишида хам ю=оридагига ўхшаш тенденция кузатилади.

Саудия Арабистони ва Ўзбекистонда экспорт таркибининг бир ёқламалиги саноат ишлаб чи=аришини диверсификациялаш жараёнига салбий таъсир кўрсатади. Бунинг энг асосий сабаби шундаки, кўплаб турдаги ра=обатбардош саноат махсулотлари ишлаб чи=ариш асосида саноат диверсификациясига эришиш энг аввало ил\ор техника ва технологияларни та=озо этади.Бу эса, ўз навбатида, йирик ми=дорда эркин алмашинадиган хорижий валютани талаб =илади. Бундай валютани олишнинг энг асосий манбаси эса экспорт хисобланади.

Саудия Арабистони ва Ўзбекистонда саноат ишлаб чи=аришини диверсификациялаш олдиндан =ўйилган ма=сад эмас, балки саноат тармо=ларининг нотекис ривожланишига бархам бериш, анъанавий ишлаб чи=ариш сохаларида фойда меъёрининг пасайиши туфайли капитални бош=а тармо=ларга самарали та=симлаш, фан ва техника тарра==иёти натижаларини амалиётга жорий этиш ор=али саноат корхоналарининг и=тисодий ва молиявий бар=арорлигини таъминлаш, фойда меъёрини ошириш, саноат махсулотлари ра=обатбардошлигини жахон талаблари даражасига етказиш воситаси хисобланади. Бунга эришиш учун эса диверсификация жараёнларини амалга оширишнинг маъмурий ва и=тисодий усулларидан о=илона нисбатда фойдаланиш зарур.

Саноат ишлаб чи=аришини диверсификациялашнинг =ай даражада муваффа=иятли амалга оширилиши мамлакатдаги макрои=тисодий шарт-шароитларга бо\ли=. Давлат томонидан саноат ишлаб чи=аришини диверсификациялаш учун =улай макрои=тисодий шарт-шароитлар яратилиши турли хил саноат тармо=ларининг ривожланишига ижобий таъсир кўрсатади.

Саудия Арабистони и=тисодиёти ва унда амалга оширилаётган ўзгаришлар, шу жумладан, саноат диверсификациясининг асосини углеводород ресурслари ташкил =илади. Шу ну=таи назардан Ўзбекистонда Саудия

Арабистонининг табиий ресурсларни эксплуатация =илиш тажрибасидан фойдаланиш =ўл келади. Бунинг учун Марказий Осиё республикалари муайян табиий ресурслар – пахта, нефть, газ бўйича жахон бозорига биргаликда чи=ишлари ва ягона сиёсат юритишлари ма=садга мувофи=. Бундай ёндашув бир томондан, жахон бозорида ра=обатчилар сонининг камайишига олиб келса, иккинчи томондан, ушбу махсулотлар нархларига ўз манфаатлари ну=таи назаридан таъсир кўрсатиш имкониятини яратади.

Ўзбекистонда фойдаланилиши мумкин бўлган яна бир жихат хорижий инвестицияларни жалб этиш билан бо\ли=. Агар нефть ва газ захираларини ўзлаштиришга хорижий инвесторлар жалб этилмаганда Саудия Арабистони и=тисодий тарра==иётида ю=ори натижаларга эриша олмаган булар эди. Биро= жахон хўжалик тизимида юз бераётган тенденциялар ва ички имкониятларни хисобга олган холда бу чора-тадбирлар хар томонлама ўрганилиши зарур.

Саудия Арабистони тажрибасининг яна бир эътиборга лойи= жихати давлат секторининг и=тисодиётда тутган ўрни билан бо\ли=. Саудия и=тисодиётида давлатнинг етакчилик мав=еи ва хусусий секторнинг давлат томонидан =ўллаб-=увватланиши =ўшимча ижтимоий-и=тисодий =ийинчиликларсиз бутун и=тисодиётни реструктуризациялашга шарт-шароит яратди. Саудия Арабистонида старатегик ахамиятга эга бўлган барча сохалар дастлабки даврда давлат ихтиёрида бўлди. Фа=ат ижтимоий-и=тисодий тарра==иётда муайян даражага эришилгандан сўнг хусусийлаштириш жараёнлари тў\рисида фикр юритила бошланди. Ўзбекистонда йирик корхоналарни реструктуризациялаш ва хусусийлаштириш жараёнларини амалга оширишда ана шу жихатларни хисобга олиш ма=садга мувофи=дир. Саудия Арбистонининг и=тисодий тарра==иёт модели ва саноат ишлаб чи=аришини диверсификациялаш тажрибаси =уйидаги хулосаларга келиш имкониятини беради:

- у ёки бу саноат корхонасини барпо этишда ушбу корхона томонидан ишлаб чи=ариладиган махсулотнинг ра=обатбардошлик даражаси, таннархи ва жахон бозорининг конъюнктураси хар томонлама чу=ур тахлил

=илиниши лозим, акс холда унинг самарадорлик даражаси паст бўлади ва охир-о=ибатда бозор муносабатлари шароитида фаолият кўрсата олмай =олади (Саудияда бундай лойихаларга кўплаб мисоллар келтириш мумкин);

- мамлакат ички талаби ва жахон бозоридаги талабни хисобга олмасдан йирик ва ўта йирик корхоналарнинг барпо этилиши и=тисодий тарра==иётга салбий таъсир кўрсатади. Бугунги кунда Саудия Арабистонида тўли= =увватда ишламаётган кўплаб корхоналар мавжуд;

- саноатнинг айрим тармо=лари давлат томонидан =ўллаб-=увватланиши худудий номутоносибликни кучайтиради (саноат ишлаб чи=аришининг асосий =исми Жидда, Ар-Риёз, Даммом, Янбу ва Жубайлда жойлашганлиги фикримиз далилидир);

- саноат ишлаб чи=аришнинг давлат =ўлида тўпланиши ва хусусий секторнинг ривожланмаганлиги саноат диверсификациясига салбий таъсир кўрсатади.

Саудия Арабистонда амалга оширилаётган диверсификация жараёнларининг муҳим йўналишлардан яна бири электр энергетикаси хисобланади. Бу энг аввало шу билан тушунтириладики, электр қуввати ишлаб чиқариш хажмини оширмасдан туриб нефт, газ конларини ўзлаштириш ва иқтисодий диверсификацияни амалга ошириш мумкин эмас. Бу тармоқ стратегик аҳамиятга эга бўлганлиги учун хукумат унинг устидан тўлиқ монопол назорат ўрнатган. Кейинги чорак аср давомида Саудия Арабистонинг электро энергетика сохасида жуда катта ижобий ўзгаришларга эришилди ва бу энг аввало нефт қазиб олишни интенсивлаштириш, янги нефт корхонани ишга тушириш, газ конларини ўзлаштириш билан бевосита боғлиқ. Саудия Арабистонида иқтисодиётни диверсификациялашнинг муҳим йўналишларидан бири метал конларини ўзлаштириш ва шу асосида саноат ишлаб чиқаришни ташкил этиш бўлиши мумкин Подшоҳлик худудида кейинги йилларда 14 та минерал кони аниқланди. Булар жумладан мис, кумуш, олтин, табий туз корхоналарини киритиш мумкин. Бу соҳада ҳам мамлакатда муаян муваффақиятларга эришилди. Хусусан Махд – аз – захаб районида 1988 йилда

ўзлаштирилиши бошланган олтин конидан 1995 йилда 5 млн кг олтин қазиб олинди, “Сауди преканис менерал” компанияси Швециянинг “Боулден” компанияси билан биргаликда 1994 йилда 27.7 млн долларлик олтин қазиб олишга эришди.[44]

2000 йилдан бошлаб давлат ривожланишида, уни саноатлаштиришда Янги навбатдаги давр бошланди. Шу йилларда давлатдаги 3103 – саноат корхоналари мавжуд эди, уларда ишлаётганларни сони 283 минг капитал қўйиш ҳажми 230 млрд. Саудия реалини ташкил қилар эди, компанияларни ¾ қисми қўшма корхоналар ташкил қилдилар.[45]

Давлат секин аста ўз “локоматив” ролини инкор этади ва хусусий тадбиркорликка йўл очиб берди. Шунга қарамай бир неча йил ичида хусусий капитал энг замонавий саноат соҳаларида фаол қатнашаяпти, нефт долларлар қисқа муддат ичида илмий техник ривожланишда яхши кўрсаткичга эришишига сабаб бўлди

Мамлакатимиздаги диверсификация сиёсати хақида сўз борганда авваламбор Президентимизнинг ўз асарларида узоқ муддатга, яъни 2009-2014 йилларга мўлжалланган дастур ишлаб чиқиш тўғрисидаги масалага алоҳида эътибор қаратганлари аҳамиятга молик. Бу дастурда иқтисодиётимизнинг асосий тармоқларини модернизация қилиш ва техник янгилаш, мамлакатимизнинг янги марраларни эгаллаши учун кучли туртки берадиган ва жаҳон бозорида рақобатдошлигини таъминлайдиган замонавий инновация технологияларини жорий қилиш бўйича мақсадли лойиҳалар ўз ифодасини топади.

Мазкур кенг кўламли дастурни амалга ошириш учун мамлакатимизда сўнгги йилларда жиддий тайёргарлик кўриб келинмоқда. Жаҳон иқтисодий инқирози бу жараённи янада жадаллаштиришга туртки бериб, уни ҳар томонлама тезлаштиришни тақозо этмоқда.

Бугунги кунда иқтисодиётимизни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш, унинг рақобатдошлигини кескин ошириш, экспорт

[44] www.saudi.polpred.ru/
[45] www.sabic.com

салоҳиятини юксалтиришга қаратилган муҳим устувор лойиҳаларни амалга ошириш бўйича Дастур ишлаб чиқилмоқда. Шу борада, дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, умумий қиймати 24 миллиард АҚШ долларидан зиёд бўлган қарийб 300 та инвестиция лойиҳаси устида иш олиб борилмоқда.

**Узоқ муддатга мўлжалланган дастур лойиҳалари таркиби, млрд. долл.**




**3.1.1-расм.**

Жумладан, бунда янги қурилиш лойиҳалари – 18,5 миллиард долларни, модернизация ва реконструкция қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш бўйича лойиҳалар эса тахминан 6 миллиард долларни ташкил қилади (3.1.1-расм).

Дастурга киритилиши мўлжалланаётган бу лойиҳалар авваламбор ёқилғи-энергетика, кимё, нефт-газни қайта ишлаш, металлургия тармоқларига, енгил ва тўқимачилик саноати, қурилиш материаллари саноати, машинасозлик ва бошқа соҳаларга тегишлидир.

Лойиҳалаштириш ва қурилиш ишлари бошланаётган иншоотларни қуйидаги маблағлар ҳисобидан молиялаштириш кўзда тутилмоқда: компания ва корхоналарнинг ўз маблағлари – умумий ҳисобда 8,2 миллиард доллар, Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт фонди кредитлари – 2,5 миллиард доллар, хорижий инвестиция ва кредитлар – 13,5 миллиард доллар (3.1.2-расм).

**Узоқ муддатга мўлжалланган дастур лойиҳаларининг**

**молиялаштириш манбалари, млрд. долл.**




**3.1.2-расм.**

Президентимиз ушбу лойиҳаларнинг бир қисми бўйича 2007-2008 йилларда қурилиш ишлари бошлаб юборилганлигини, баъзиларининг қурилишини эса 2009 йилда бошлаш кўзда тутилаётганлигини таъкидлаб ўтдилар. Мазкур лойиҳаларнинг амалга оширилиши инновацион ва энергияни тежайдиган технологияларни жорий этиш ва жаҳон бозорида талаб мавжуд бўлган янги турдаги товарлар ишлаб чиқаришни ўзлаштириш ҳисобидан йилига 10,4 миллиард долларлик қўшимча маҳсулот ишлаб чиқариш, йиллик экспортни 6,5 миллиард долларга кўпайтириш, ялпи ички маҳсулот ҳажмини сезиларли даражада ошириш имконини беради.

Бугунги кундаги асосий вазифамиз – ҳар бир лойиҳани қисқа муддатларда барча манфаатдор тузилмалар, биринчи навбатда, хорижий инвесторлар билан биргаликда батафсил кўриб чиқиш, улар бўйича келишувларни охирига етказиш ва 2009-2014 йилларга белгиланган ушбу стратегик муҳим дастурнинг қабул қилинишини тезлаштиришдан иборат.

Шунга кўра, 2009 йилдаги иқтисодий дастурнинг яна бир муҳим устувор йўналиши – бошланган таркибий ўзгаришларни ва иқтисодиётни диверсификация қилиш жараёнларини давом эттириш ҳисобланади.

## 3.2.Ўзбекистон ва Араб Минтақасининг ижтимоий-иқтисодий

**ривожланишининг такомиллаштириш йўллари.**

Ҳар қандай мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланишига унинг географик жойлашуви, табиий-иқлим шароити, минерал хом ашё ресурслари билан таъминланиши, тарихий ривожланиш хусусиятлари, мехнат ресурсларининг сони ва таркиби, малакаси ва бошқа омиллар у ёки бу йўналишда таъсир кўрсатади.Айнан мана шу омиллар мамлакатлар ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг ўзига хослигини белгилаб беради. Бирок, шунга қарамасдан, мамлакатлар ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг умумий жихатлари ҳам мавжуд.

- Араб минтақаси нефть экспорт қилувчи мамлакатлари ва Ўзбекистан ижтимоий-иқтисодий ривожланишида бир қатор умумий жихатлар кузатилади. Энг аввало бу мамлакатларда мавжуд сиёсий ва иқтисодий барқарорликни таъкидлаш лозим. Бу эса мазкур мамлакатларга кенг кўламли ислохотларни муваффақиятли амалга ошириш имкониятини беради.
- Араб минтақаси мамлакатлари ва Ўзбекистонда демографик вазият бир-бирига анча яқин. Ҳар иккала гурух мамлакатларида хам туғилиш даражасининг юқорилиги ва ўлим даражасининг нисбатан паст лиги кузатилади.
- Араб минтақаси мамлакатлари ва Ўзбекистонда ахоли табиий ўсиш суръатларининг юқорилигига қуйидаги омиллар кучли таъсир кўрсатади:

1. Демографик омиллар: ахолининг ёш таркибида ёшлар улушининг юқорилиги, никохнинг юқори даражаси ва ажралишнинг паст даражаси, худудий харакатчанликнинг сустлиги ва бошқалар.
2. Ижтимоий омиллар: ижтимоий ишлаб чиқаришда аёллар бандлигининг паст даражаси, ижтимоий мослашувнинг сустлиги ва бошқалар.
3. Миллий-этник ва диний омиллар: кўп болалик анъанасининг барқарорлиги, юқори репродуктив кўрсаткич, кекса авлоднинг ёшларга кучли таъсири, авлодни давом эттирувчи сифатида уғил кўриш истагини кучлилиги, "ислом омили" ва бошқалар. Ушбу омиллар биргаликда ва

ўзаро боғлиқликда туғилиш даражасининг юқорилигини белгилаб беради.
Гарчи табиий ўсиш коэффициенти тадқиқ қилинаётган мамлакатларда юқори бўлса-да, гўдаклар ўлими коэффициенти ривожланган мамлакатлар кўрсаткичларига нисбатан анча паст. Ҳар 1000 нафар туғилган болалардан 1 ёшгача 8 нафардан (Бахрайн) 29 нафаргачаси (Саудия Арабистони) вафот этади.

Туғилгандан сўнг кўриладиган умр узоқлиги эса барча мамлакатларда деярли бир хил. Араб минтақаси мамлакатлари ва Ўзбекистонда демографик вазиятнинг ўхшашлиги бир-бирига яқин муаммоларни хал қилишни вазифа қилиб қўяди. Бу энг аввало, ахолини сифат жихатдан ривожлантириш заруриятидир. Бунда туб ахоли бандлик даражасини ошириш, минтақаларда юқори суръатлар билан ўсиб бораётган мехнат ресурсларидан фойдаланишни яхшилаш, юқори малакали миллий кадрларни тайёрлаш, уларни саноат ишлаб чиқаришига жалб этиш, туб миллат аёлларининг маълумот даражасини ва ижтимоий-иқтисодий фаоллигини ошириш ва бошқа муаммоларни хал этиш лозим.

Араб минтақаси мамлакатлари ва Ўзбекистон ижтимоий-иқтисодий ривожланишидаги яна бир умумий жихат шундан иборатки, бу мамлакатлар табиий ресурсларнинг бой захираларига эга. Араб минтақаси мамлакатлари энергетика ресурслари захиралари бўйича жахонда сўзсиз етакчи ўринда турса-да, Ўзбекистон хам бундай захираларга нисбатан бой. Ёқилги-энергетика ресурсларини қазиб олиш, қайта ишлаш ва улардан фойдаланиш бу мамлакатлар иқтисодиётларини таркибий жихатдан қайта қуриш, экспорт салохиятини оширишда ҳал қилувчи роль ўйнайди. Бундан ташқари республикамиз олтин захиралари бўйича етакчи ўринлардан бирини эгаллаб, бу ердаги олтиннинг жами захираси 40 дан ортиқ конларда 4 минг тоннага тенг. Мамлакатимиз олтин ишлаб чиқаришнинг умумий хажми бўйича жахонда 7-ўринни, олтин захиралари бўйича 4-ўринни, киши бошига ишига ишлаб чиқариш бўйича жахонда 5-ўринни, МДҲда 1-ўринни эгаллайди. Бундан ташқари мамлакатимиз бир қатор рангли металлар, уран захиралари бўйича жахонда етакчи ўринларни эгаллайди.

Араб минтақаси мамлакатлари ва Ўзбекистоннинг табиий минерал хом ашё ресурсларига бой эканлиги мамлакатларнинг иқтисодий салохиятини оширишга, иқтисодий ўсишни таъминлашга ижобий таъсир кўрсатади. Шу билан бир. қаторда табиий минерал хом ашё ресурсларини экспорт қилишдан тушган тушумлардан оқилона фойдаланиш ва улардан энг аввало тайёр махсулотлар ишлаб чиқариш йўлида фойдаланиш лозим.

Араб минтақаси нефть экспорт қилувчи мамлакатлари ва Ўзбекистан ижтимоий-иқтисодий ривожланишидаги яна бир умумий жихат мамлакатлар иқтисодиётининг таркиби билан боғлиқ. Бу мамлакатлар ялпи ички махсулотининг ўсиши айрим махсулотлар ишлаб чиқаришга кучли боғлиқ. Араб минтақаси мамлакатларида бундай махсулот — нефть бўлса, Ўзбекистонда пахта хисобланади.

Иқтисодий ислохотлар даврида импорт ўрнини босиш ва экспортга йўналтирилган махсулотлар ишлаб чиқаришга қаратилган иқтисодий стратегия натижасида янги ишлаб чиқариш турлари ўзлаштирилди, янги махсулотлар экспорт қилина бошланди, илгари ташқаридан келтирилган юзлаб махсулот турлари шу ернинг ўзида ишлаб чикарила бошлади. Саноатнинг янги тармоқлари — автомобилсозлик, самолётсозлик вужудга келди. Бироқ шунга қарамай Араб минтақаси мамлакатлари ва Ўзбекистонда иқтисодиётнинг бир томонламалигига бардам бериш, қишлоқ хўжалиги хом ашёси ва минерал ресурсларни чуқур қайта ишлашга, технологик циклнинг тугалланганлик даражасини ошириш, юқори қўшилган қийматга эга махсулотлар ишлаб чиқаришга ўтиш каби мураккаб вазифаларни хал этиш лозим.

Республикамизда ва Араб минтақаси мамлакатларида амалга оширилаётган модернизация ва иқтисодиёт таркибини қайта қуриш жараёнларининг мохияти бир-бирига яқин.

Иқтисодиёт таркибий тузилишини тубдан ўзгартириш — бу миллий манфаатларини таъминловчи, иқтисодий ўсишга йўл берувчи ва ниҳоят, ахоли фаровонлигининг муттассил ошиб боришига олиб келувчи янгича ишлаб чиқариш тузилмасини яратишни билдиради. Бу иқтисодий ислохотларнинг

мухим стратегик вазифасидир. Таркибий ўзгаришлардан кўзланган максадлар қуйидагилардан иборатдир:

— иқтисодиётнинг хом ашё етиштиришдан иборат бир томонламалигига чек қўйиш;

— истеъмолга тайёр, яъни тугалланган махсулот ишлаб чиқаришга ўтиш;

— импорт ўрнини боса оладиган товарларни иложи борича мамлакатнинг ўзида ишлаб чиқариш экспортга қарамликни чеклаш;

— ишлаб чиқаришнинг истиқболли сохаларига устиворлик бериб, барқарор иктисодий ўсишни таъминлаш;

— мехнат ресурсларининг оқилона бандлигини таъминлаш, янги технологияларга ўтиш, халқимизнинг миллий ва тарихий анъаналарига мос келадиган янги сохаларни барпо этиш;

— ўзимизда ишлаб чиқариладиган товарлар хисобидан миллий бозорни тўлдириш орқали халқ истеъмоли молларининг мухим турларига бўлган аҳоли талабларини тўлароқ қондириш.

Таркибий силжишлар йўлидан бориб республикада энергетика ва озиқ-овқат мустақиллигини таъминловчи тармоқларни жадал ривожлантириш хамда минерал ва қишлоқ хўжалик хом ашё ресурсларидан тайёр рақобатбардош махсулот ишлаб чиқаришни таъминлайдиган ўзаро боғлиқ тармоқлар ва корхоналар имкониятини оширишдан иборат вазифалар хам белгиланади. Шунингдек, республиканинг анъанавий ихтисосдаги ишлаб чиқариш тармоқлари ва корхоналарини замонавий технологиялар билан қайта қуроллантириш йўли билан уларни ривожлантириш кўзда тутилди. Натижада мустақиллик йилларида республикамизда иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришларни амалга ошириш борасида қуйидагиларга эришилди:

— республиканинг ёқилги-энергетика бўлган эхтиёжи ўз хисобидан қондирилди;

— мамлакатнинг ўз ғалла ресурслари билан таъминланганлик даражаси ортиб борди, ғалла мустақиллиги қарор топди;

— ишлаб чиқаришда саноат махсулотлари хиссаси ошди;

— саноатда юксак технологияга асосланган ва истиқболли тармоқларнинг, чунончи машинасозлик, ёқилги-энергетика, кимё ва енгил саноат хиссаси ортиб борди,

Эндиликда бошланган таркибий ўзгаришларни давом эттириш дастурлари ва чора-тадбирларини ишлаб чиқиш хамда қуйидагича амалга ошириш мулжалланмокда:

— қишлоқ хўжалиги тармоғини модернизациялаш, янги техника билан жихозлаш,қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини хамда у билан боғлиқ бошқа соҳаларни такомиллаштириш;

— республика иқтисодиётининг юқори самарали, экспортга йўналтирилган тузилмасини шакллантириш;

— иқтисодиётнинг ўзак тармоқларини техника билан қайта жихозлаш ва янада ривожлантириш;

— енгил ва қайта ишлаш саноати корхоналарини техника билан қайта жихозлаш ва модернизациялаш;

— юқори технологияни ва илмталаб ишлаб чикаришларни жадал ривожлантириш.

Ушбу чуқур таркибий ўзгариш дастурларини 2005-2010 йилларда муваффакиятли амалга ошириш Узбекистон Республикасининг барқарор иқтисодий ўсишини таъминлаш кўзда тутилган эди.

Араб минтақаси нефть экспорт қилувчи мамлакатлари ва Ўзбекистон жамият, фан-техника тараққиётини янгилашнинг ўзига хос йўлига эга, улар айниқса, сиёсий нуқтаи-назаридан турли хил давлатлардир.

Бундан ташкари мазкур мамлакатлар географик жойлашуви нуқтаи назардан бир-биридан кескин фарқ қилади. Ўзбекистон худуди қурукликлар билан ўралган. ва тўғридан-тўғри денгиз йўлига чиқиш имкониятига эга эмас. Бу эса турли хил товарлар билан ташқи савдо қилишда қатор қийинчиликларни келтириб чиқаради. Араб минтақаси нефть экспорт қилувчи мамлакатлари эса денгиз йўлига бевосита чиқа оладилар. Бундан ташқари ушбу мамлакатлар учта

қитъага географик нуқтаи назардан яқин жойлашган. Бу эса ташқи савдони ривожлантириш, турли хил мамлакатлар билан иқтисодий ҳамкорлик муносабатларини йўлга қўйиш учун кенг имкониятлар яратади.

Бугунги кунда Араб минтақаси мамлакатлари хам, Ўзбекистон хам кенг ижтимоий-иқтисодий ислохотларни амалга оширмоқдалар, иқтисодиёт таркибини қайтадан ташкил этмоқдалар. Бироқ ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг бошланғич шарт-шароитлари бир-биридан кескин фарқ қилади. Араб минтақаси мамлакатлари ижтимоий-иқтисодий ўзгаришларни 70-йилларнинг бошларида амалга ошира бошлаган эдилар. Бу даврда жахон нефть ва нефть махсулотлари бозорида ушбу мамлакатлар учун қулай нарх конъюнктураси вужудга келган эди. Бу эса мазкур мамлакатларга бир неча ўн миллиард доллар қўшимча даромад олиш имкониятини берган эди.

Ўзбекистонда иқтисодий ислохотларнинг бошланиши собиқ иттифоқнинг тарқалиши, ишлаб чиқаришнинг орқага силжиши, хўжалик алоқаларининг бузилиши шароитига тўғри келди. Бу эса ўз навбатда мураккаб муаммоларни келтириб чиқарди. Бир томондан, иқтисодиётга бозор муносабатларини жорий этиш, иккинчи томондан, ишлаб чиқаришда пастга силжиш холатларини олдини олиш ва иқтисодиётга чуқур таркибий ўзгаришларни амалга ошириш лозим эди.

Араб минтақаси мамлакатлари ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг яна бир ўзига хос жихати шундан иборатки, минтақадаги барча мамлакатлари барча тоифадаги кўплаб хорижий мутахассисларни, шунингдек, тўлиқ малакага эга бўлмаган ва малакасиз ишчи кучини оммавий тарзда ёллашга мажбур. Бундай холат бир қатор ноқулай ижтимоий-иқтисодий омиллар билан боғлиқ. Махаллий ахолининг кам сонлилиги, аёлларнинг иқтисодий жараёнларга қатнашувини чекланганлиги, турли хил касбдаги ва даражадаги малакали мутахассисларнинг етишмаслиги, жамиятда патриархал қарашларнинг сақланиб қолинганлиги ва бошқалар ана шулар жумласидандир. Бундан ташқари кўплаб шарқшунос мутахассислар махаллий ахолининг оғир жисмоний мехнат билан шуғулланиш истаги йўқлигини хам таъкидлайдилар.

Араб минтақаси мамлакатларида иш ўрнига эга бўлишга энг биринчи навбатда аҳоли сони кўп, турмуш даражаси паст ва оммавий ишсизлик хукм сураётган мамлакатлар фуқаролари харакат қиладилар. Булар жумласига асосан Жанубий ва Жанубий-Шаркий Осиё, Африка ва баъзи араб мамлакатлари вакиллари киради. Уларнинг кўпчилиги асосан ишчилар сифатида фаолият кўрсатадилар. Хорижий ишчи кучларининг бошқа бир қисми турмуш даражаси юқори бўлган мамлакатлар вакилларидир. Булар одатда мухандис-техник кадрлар, менежерлар, врачлар, араб мамлакатлари учун тақчил бўлган касб вакиллари. хисобланади. Улар Араб минтақаси мамлакатларида юқори иш хақ ва мукофот олиш учун келишга ҳаракат киладилар. Бу тоифага давлат аппаратларида, йирик хусусий корхоналарда маслахатчи ва маъсулиятли лавозимларда хизмат қилувчи хорижликларни киритиш мумкин, улар ҳарбий соҳада маслахатчилик вазифасини хам бажаришлари мумкин.Араб минтақаси мамлакатларида фаолият кўрсатаётган хорижий ишчи кучини уч гурухга ажратиш мумкин. Биринчи гурухга ўкитувчилар ва шифокорлар киради. Улар асосан малакали махаллий кадрлар тайёрлаш ва ахоли соғлигини тиклаш билан шуғулланадилар. Иккинчи гурух нефть секторига хизмат кўрсатувчилар хисобланади. Булар жумласига мухандис-техник мутахассислар, экспертлар ва ювори малакали бошқа ходимлар киради. Учинчи гурух эса хизмат кўрсатиш сохасида фаолият кўрсатувчи ишчилардан иборат.

Араб минтақаси мамлакатлари иқтисодиётида кўп сонли хорижий ишчи кучининг мавжуд бўлиши бир томондан, Араб минтақаси мамлакатлари иқтисодиётининг барқарор ривожланишини таъминлайди, мухим цивилизатор вазифасини бажаради, нефть-газ мажмуасини муътадил фаолият кўрсатишини таъминлайди, иккинчи томондан, ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий муаммоларни келтириб чиқаради. Шу муносабат билан Араб минтақаси нефть экспорт қилувчи мамлакатлари олдида турган энг асосий вазифалардан бири махаллий кадрлар ролини кўтариш ва хорижий ишчи кучлари фаолиятини мақсадга мувофиқ ташкил этишдан иборат.Араб минтақаси нефть экспорт қилувчи мамлакатлари ижтимоий ривожланиши хам ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб,

ижтимоий жараёнлари нуктаи назаридан бир-биридан кескин фарқ килади.

Юқорида кўрсатилган мамлакат хукуматлари ўзларининг олдиларига иқтисодий тараққиётни таъминлаш ва унинг натижаларини ижтимоий таъминот сохаларига, тўлиқ бандликка, даромадларнинг халол тақсимланиши ва ижтимоий стандартларни яхшилашга йуналтиришни мақсад қилиб қўйдилар. Шу билан бир қаторда, бу мамлакатларнинг хар бирида ўзига хос хусусиятлар мавжуд. Масалан, БАА иктисодиёти ривожланишида миллий ахборот-статистика тизимига алохида ўрин ажратилган. У сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий стратегияни ишлаб чиқиш учун зарур бўлган оператив, тўлиқ ва ишончли ахборотларни олиш учун имконият яратади.Миллий статистик тизим мамлакатдаги расмий ижтимоий статистиканинг барча турларини қамраб олади. У марказий статистик бюро, алохида вазирлик ва органлардан иборатдир. Миллий статистик тизимнинг бош вазифаси бўлиб иқтисодиёт, ижтимоий соха ва давлат фаолиятига тегишли бўлган статистик маълумотларни тўплаш ва мунтазам равишда эълон қилиб туришдан иборат.

БААда ижтимоий таъминотни ташкил этиш учун асосий концепциялар ижтимоий ва бозор муносабатларини (масалан, ижтимоий фаровонликни қўллаб-қувватлаш бўйича дастурларни тадбиркорлик таваккалчилигидан химоя қилувчи дастурлар билан таққослаш) ва турли хил даражадаги ижтимоий дастурларни таққослашда акс этади.

Ижтимоий таъминот одатда қуйидаги сохаларга йўналтирилади: таълим, касб таълими, уй-жой қурилиши, болаларга хизмат кўрсатиш, ижтимоий ишлар сохаси.

Бахрайнда таълим тизимига энг юқори даражада эътибор берилади. Бу тизимнинг фаолият кўрсатиш тажрибаси нафақат ривожланаётган, балки ривожланган давлатлар учун хам ахамиятга эга.

Шу билан бир қаторда, иқтисодий моделлар сингари ижтимоий дастурлар хам турли хил мамлакатларда сезиларли тафовутларга эта. Бу тафовутлар жамият анъаналари, ижтимоий таъминот тизими имкониятлари ва бошқа кўплаб омиллар томонидан хал қилиниши мўлжалланган аниқ вазифалар характери билан

боғлиқ.

Шундай килиб, Араб минтақаси мамлакатлари ва Ўзбекистон ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг ўзига хос ва умумий жихатларини тахлил қилиш натижасида қуйидаги умумий жихатларни ажратиб кўрсатиш мумкин:

— Араб минтақаси мамлакатлари ва Ўзбекистонда демографик вазиятнинг бир-бирига ўухшашлиги. Мазкур мамлакатларда туғилиш жахондаги ўртача кўрсаткичлардан анча юқори ва ўлим даражаси нисбатан паст. Бу эса ахоли табиий ўсишининг юқорилигини таъминлайди ва демографик ривожланиш билан боғлиқ бир-бирига яқин муаммоларни хал қилишни зарурат қилиб қўяди;

— Араб минтақаси мамлакатлари ва Ўзбекистон табиий ресурсларнинг бой заҳираларига эга. Араб минтақаси мамлакатлари энергетика ресурслари захиралари бўйича жахонда сўзсиз етакчи ўринда турса, мамлакатимиз олтин ишлаб чиқаришнинг умумий хажми бўйича жахонда 7-ўринни, олтин захиралари бўйича 4-ўринни, киши бошига ишлаб чвкариш бўйича жахонда 5-ўринни, МДХда 1-ўринни эгаллайди. Бундан ташқари Ўзбекистонда бир қатор рангли металлар, уран, нефть, газнинг йирик захиралари мавжуд. Бу эса мамлакатларнинг иқтисодий салохиятини оширишга, иқтисодий ўсишни таъминлашга ижобий таъсир кўрсатади;

Араб минтақаси нефть экспорт қилувчи мамлакатлари ва Ўзбекистон ялпи ички махсулоти ўсишининг айрим махсулотлар ишлаб чиқаришга боғлиқлиги. Араб минтақаси мамлакатларида бундай махсулот нефть бўлса, Ўзбекистонда пахта хисобланади. Бу эса мамлакатлар иқтисодиётининг юқоридаги махсулотлар жахон нархларига таъсирчанлигини оширади ва мамлакат иқтисодиётини диверсификациялашни объектив заруриятга айлантиради;

— Республикамизда ва. Араб минтақаси мамлакатларида амалга оширилаётган модернизация ва иқтисодиёт таркибини қайта қуриш жараёнлари мохиятининг бир-бирига яқинлиги. Мазкур мамлакатларда иқтисодиёт таркибини қайта қуриш иқтисодиётнинг хом ашё етиштиришдан иборат бир томонламалигига

чек қўйиш, истеъмолга тайёр, яъни тугалланган махсулот ишлаб чиқаришга ўтиш, махсулот сифати ва рақобатбардошлигини жахон бозори талаблари даражасига етказиб, мамлакат экспорт салохиятини оширишга қаратилган ва х.к.з.

**ХУЛОСА**

Араб минтақаси нефть экспорт қилувчи мамлакатлари ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг хусусиятлари бўйича олиб борилган тадқиқотлар қуйидаги хулосаларга келиш ва таклифлар ишлаб чикиш имкониятини берди:

1. Жамият ижтимоий ва иқтисодий ривожланишга бўлган турли хил услубий ёндашувлар асосида жамият ижтимоий-иқтисодий ривожланишига қуйидагича таъриф бериш мумкин: Жамият ижтимоий-иқтисодий ривожланиши — бу такрор ишлаб чиқариш жараёни билан боғлиқ муносабатларни такомиллаштириш ва уларни сифат жихатдан янги босқичга чиқариш асосида ахолининг турмуш шароитини, ҳаёт

фаровонлигини яхшилашдир.

Жамиятнинг ижтимоий-иккисодий ривожланиши икки гурух кўрсаткичларда ифодаланиши мумкин: ижтимоий ривожланишни ифодаловчи кўрсаткичлар:

— ахолининг умумий даромадлари даражаси;

— ахолининг озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат махсулотларига бўлган эхтиёжлари ва уларнинг қондирилганлик даражаси;

— ахолининг ижтимоий-маиший ва маънавий-моддий эхтиёжлари ва уларнинг қондирилиш даражаси;

— ахолининг коммунал-уй-жой шароитлари.

Иқтисодий ривожланишни ифодаловчи кўрсаткичлар:

— мамлакат миқёсида яратилган ялпи ички махсулот ва унинг киши бошига тўғри келиши;

— мамлакатнинг миллий даромади ва унинг киши бошига тўғри келиши;

— жамият миқёсида олинган соф даромад ва унинг киши бошига тўғри келиши.

2. Жахон хўжалигида глобалашув ва халқаро интеграция жараёнлари чуқурлашиб бораётган бир вақтда Форс кўрфази нефть экспорт қилувчи мамлакатлари ижтимоий-иқтисодий ривожланиш тажрибасини ўрганиш замонавий иқтисодий фанлар учун хам, трансформация жараёнларини бошдан кечираётган мамлакатлар учун хам мухим аҳамиятга эга.

Мазкур мамлакатлар иқтисодий ривожланишини тахлил қилиш натижалари шуни кўрсатадики, Араб минтақаси мамлакатларининг тараққиётида нефть омили хал қилувчи ўринни эгаллайди. Бу мамлакатларда эришилган барча ижобий натижалар иқтисодиётнинг нефть секторига боғлиқ XXI аср бошида Араб минтақаси мамлакатлари жахон нефть бозорида ўзларининг етакчи ўринларини сақлаб қола олдилар.

Ушбу мамлакатлар иқтисодий тараққиётининг ўзига хос жихати шундан иборатки, уларнинг барчасида нефть ва газ қазиб олиш давлат секторига тегишли хамда давлат нефть ишлаб чиқариш, қайта ишлаш ва сотиш

жараёнларини назорат қилади. Араб минтақаси нефть экспорт килувчи мамлакатлари ўзига хос ва у нафақат мазкур мамлакатлар, балки жахон хўжалигининг энергетик таянчи хисобланади.

3. Араб минтақаси нефть экспорт қилувчи мамлакатлари иқтисодиётининг нефть секторига кучли боғлиқлиги бу мамлакатлар иқтисодий тараққиётини жахон нефть нархлари коньюктурасига боғлиқлигини кучайтиради. Бундан ташқари мазкур минтақадаги нефть захиралари қанчалик йирик бўлмасин, у тикланмайдиган ресурслар гурухига киради. Бу икки холат эса Араб минтақаси мамлакатлари иқтисодиётида диверсификация жараёнларини амалга оширишни объектив зарурият қилиб қўяди.

Араб минтақаси нефть экспорт қилувчи мамлакатларниг иққисодий диверсификация жараёнларининг асосий йўналишлари қуйидагилар хисобланади:

нефть кимёси тармоғини ривожлантириш. Бу тармоқ махсулоти жахон бозорида харидоргир хисобланади, нефть ва газ қазиб олиш таннархининг арзонлиги эса унинг рақобатбардошлигини оширади;

— нефтдан бошқа фойдали қазилмаларни излаб топиш ва ишга тушириш хамда шу асосда янги саноат тармоқларини шакллантириш;

— электр қуввати ва чучук сув ишлаб чиқариш қувватларини ошириш. Зеро, бу тармоқларни ривожлантирмаслик иқтисодий тараққиётга тўсқинлик қилади;

— қишлоқ хўжалиги тараққиётини рағбатлантириш;

— ҳарбий сохага сарфланадиган харажатларни қисқартириш.

4. XXI асрнинг иккинчи ярмида Араб минтақаси нефть экспорт қилувчи мамлакатларида ижтимоий жарёнлар сезиларли даражада фаоллашди. Тадқиқ қилинаётган мамлакатларнинг ижтимоий ривожланишининг умумий жихатлари қуйидагиларда ўз аксини топади:

— ижтимоий ислохотларнинг бошланғич босқичида ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг паст даражаси;

— Араб минтақаси мамлакатлари ижтимоии таркибининг ўхшашлиги.

— мазкур мамлакатлар ижтимоий сиёсати асосий йўналишларининг бир-бирига яқинлиги. Бу мамлакатларнинг барчаси замонавий таълим ва соғлиқни сақлаш

тизимига кўплаб маблағ ажратиши;

— ижтимоий тараққиётни молиялаштириш манбаларининг ўхшашлиги. Араб минтақаси мамлакатларининг барчасида нефть сотишдан тушган даромад ижтимоий лойиҳаларни амалга оширишнинг асосий молиявий манбаси хисобланади ва ҳоказо.

5. Ҳудудий иқтисодий интеграция жараёни объектив ва умумбашарий бўлиб, унинг асосий мақсади иқтисодий, молиявий, мехнат ва интеллектуал салохиятларни бирлаштириш хамда улардан оқилона фойдаланиш асосида аъзо-мамлакатларда барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш ва уларда истиқомат қилаётган ахоли турмуш даражасини яхшилашдан иборат.

Форс курфази араб давлатлари Хамкорлиги Кенгаши доирасида араб мамлакатларининг интеграцион мажмуага бирлашиши мавжуд имкониятлар ва шарт-шароитлардан фойдаланишга асосланган табиий жараёндир. Минтақада интеграцион жараёнларнинг кучайишига иқтисодий омиллардан ташқари яна қуйидаги икки омил ижобий таъсир кўрсатди:

Биринчидан, ушбу мамлакатлар халқларининг мутлақ кўпчилиги араблардан иборат. Бундан ташқари улар ўзаро муштарак тарих, рухий-маънавий, диний ва маданий қадриятларга эга;

Иккинчидан, ХХ асрнинг ўрталаридан бошлаб илмий-техника тараққиёти натижаси сифатида нефтдан олинадиган махсулотларнинг инсон хаёти учун зарур энергия манбасига айланганлиги ва Арабистон ярим ороли ана шу табиий бойликнинг йирик захираларига эга эканлиги ушбу мамлакатлар ўртасидаги интеграцион жараёнларни янада жадаллаштириб юборди.

Таъкидлаш жоизки, мазкур минтақада интеграцион жараёнларнинг чуқурлашуви ахоли турмуш даражасининг яхшиланишига сезиларли даражада ижобий таъсир кўрсатди.

6. Республикамизнинг интеграцион бирлашмаларнинг фаол иштирокчисига айланиш зарурияти бир қатор омиллар билан изохланади:

Биринчидан, интеграцион бирлашмаларда республика хизмат кўрсатиш ва хом ашё бозорлари билан боғлиқ ўз муаммоларини хал этишга, энг янги ва юқори технологияларга йўл топишга, юклар транзитини таъминлашга, шунингдек, ташқи савдо операцияларининг турли жихатларини (интеграцион худуд доирасида эркин савдо барпо этиш, бож ва солиқ тўловлари хамда ставкаларини, ишлаб чиқаришни кредитлашни бир хил тизимга келтириш ва х.к.з.) ечишга қодир бўлади.

Иккинчидан, мамлакатлар интеграцион ташкилотларга бирлашиб, ўзининг имконияти бўйича бошқа кучлироқ давлатлар таъсирига бардош беришга имкон яратади. Ҳар бир давлат алоҳида бу ишни амалга ошириши қийинроқ кечади. Интеграцион ташкилот номидан қатнашар экан улар ҳам халкаро институтлар, хам алохида мамлакатлар билан музокараларда имтиёзларга. эришишга ва ҳар бир қатнашчи миллий манфаатларини қўллаб қувватлашга қодир бўлади.

Учинчидан, интеграцион ташкилот доирасида алохида мамлакатлар амалга ошира олмайдиган лойихаларни амалга ошириш мумкин. Масалан, Орол муаммосини хал этишга кўплаб давлатлар, хусусан, Марказий Осиё давлатлари жалб қилинган.

7. Араб минтақаси мамлакатлари ва Ўзбекистан ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг ўзига хос ва умумий жихатларини тахлил қилиш натижасида қуйидаги умумий жихатларни ажратиб кўрсатиш мумкин:

— Араб минтақаси мамлакатлари ва Ўзбекистонда демографик вазиятнинг бир-бирига ўхшашлиги. Мазкур мамлакатларда туғилиш жахондаги ўртача кўрсаткичлардан анча юқори ва ўлим даражаси нисбатан паст. Бу эса аҳоли табиий ўсишининг юкорилигини таъминлайди ва демографик ривожланиш билан боғлиқ бир-бирига яқин муаммоларни хал қилишни зарурат қилиб қўяди;

— Араб минтақаси мамлакатлари ва Ўзбекистон табиий ресурсларнинг бой захираларига эга. Араб минтақаси мамлакатлари энергетика ресурслари захиралари бўйича жахонда сўзсиз етакчи ўринда

турса, мамлакатимиз олтин ишлаб чиқаришнинг умумий хажми бўйича жахонда 7-ўринни, олтин захиралари бўйича 4-ўринни, киши бошига ишлаб чиқариш бўйича жахонда 5-ўринни, МДХда 1-ўринни эгаллайди. Бундан ташқари Ўзбекистонда бир қатор рангли металлар, уран, нефть, газнинг йирик захиралари мавжуд. Бу эса мамлакатларнинг иқтисодий салохиятини оширишга, иқтисодий ўсишни таъминлашга ижобий таъсир кўрсатади;

— Араб минтақаси нефть экспорт қилувчи мамлакатлари ва Ўзбекистон ялпи ички махсулоти ўсишининг айрим махсулотлар ишлаб чиқаришга боғлиқлиги. Араб минтақаси мамлакатларида бундай махсулот нефть бўлса, Ўзбекистонда пахта хисобланади. Бу эса мамлакатлар иқтисодиётининг юқоридаги махсулотлар жахон нархларига таъсирчанлигини оширади ва мамлакат иқтисодиётини диверсификациялашни объектив заруриятга айлантиради;

— Республикамизда ва. Араб минтақаси мамлакатларида амалга оширилаётган модернизация ва иқтисодиёт таркибини қайта қуриш жараёнлари мохиятининг бир-бирига яқинлиги. Мазкур мамлакатларда иқтисодиёт таркибини қайта қуриш иқтисодиётнинг хом ашё етиштиришдан иборат бир томонламалигига чек қўйиш, истеъмолга тайёр, яъни тугалланган махсулот ишлаб чиқаришга ўтиш, махсулот сифати ва рақобатбардошлигини жахон бозори талаблари даражасига етказиб, мамлакат экспорт салохиятини оширишга қаратилган ва х.к.з.

8. Ўзбекистонда қабул қилинган ижтимоий дастур жахон тажрибасини тахлил қилишга асосланган. Унда шунингдек, республика ахолисига хос бўлган алохида ахлоқий қадриятлар — кексаларга хурмат,болажонлик, юқори жамоатчилик хисси, оиладаги урф-одатлар, махаллада маиший муаммоларни биргаликда хал қилиш ва бошқалар хисобга олинган.

Араб минтақаси мамлакатлари ижтимоий-иқтисодий ривожланиш хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда мамлакатимизда ижтимоий сохани

ривожлантириш бўйича қуйидаги таклифлар ишлаб чиқилган:

- ахолининг турмуш даражаси бўйича ўта табақалашувига йўл қўймайдиган ижтимоий механизмни жорий этиш;
- ўрта мулкдорлар қатламининг вужудга келиши учун қулай макроиктисодий мухитни вужудга келтириш хамда кичик ва ўрта корхоналар ривожланишини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш;
- барча кишиларга ўз қобилиятларини намоён қилишлари ва амалга оширишлари, ўз эхтиёжларини қондиришлари учун тенг бошланғич имкониятларни таъминлайдиган механизмни барпо этиш;
- эркин иқтисодий зоналар ташкил этиш оркали мамлакатимизнинг нисбатан кам ривожланган минтакалари тараққиётига ёрдам кўрсатиш ва шу оркали минтақалар иқтисодии ривожланиши ўртасидаги тафовутларни қисқартириш ва ҳоказо.

**Фойдаланилган адабиётлар руйхати .**

1.1.Узбекистон Республикасининг Конституцияси.
Т.:Узбекистон, 1992, —-46-6.

1.2.Мамлакатимизни модернизация қилиш ва янгилашни изчил давом эттириш – давр талаби. Президент Ислом Каримовнинг 2008 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2009 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган вазирлар маҳкамаси мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи, 2009 йил 14 февраль.

1.3.Инсон манфаатлари устуворлигини таъминлаш – барча ислоҳот ва ўзгаришларимизнинг бош мақсадидир. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2007 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2008 йилда иқтисодий ислоҳотларни

